



ОДИЛЖОН САЛОҲИДДИНОВ

ФАРЗАНД ВА  
НАБИРАЛАРИМГА  
АЙТГАНЛАРИМ...

АНДИЖОН – 2010 Й

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИНИНГ ИЛМИЙ  
КЕНГАШИДА ЧОП ЭТИНГА ҚАРОР ҚИЛИНДИ.

ТАҚРИЗЧИ: А.НУРМОНОВ  
филология фанлари доктори,  
профессор

*Рисолада муаллифнинг “Умр” деб аталмиши ҳаёт сабоқларидан фарзанд ва набираларига йўллаган ўситлари ўрин олган*

*Рисоладан ёш ота-оналар, мактаб, коллеж, ақадемик лицей, институт педагог ва ўқувчи-талабалари «Маънавият» рукниёдаги дарсларда унумли фойдаланишилари мумкин.*



**ОДИЛЖОН САЛОҲИДДИНОВ**  
*Тиббиёт фанлари доктори, профессор,*



## СҮЗ БОШИ

Қадимги буюк алломалар Абу Бакр ар-Розий, Абу Али Ибн Синолар тиббиёт ва маънавиятнинг ўзаро яқинлигини, бу икки соҳа ҳам инсоннинг ривожи ва камолатига қаратилганлигини таъкидлашиб: “Булардан бири танга даво бўлса, иккинчиси дилга даво” дейишган.

Кардиолог олим, тиббиёт фанлари доктори, профессор Одилжон Салоҳиддинов ҳам ўз соҳаси бўйича дарсликлар, монографиялар ва илмий мақолалар ёзиш билан бир қаторда, бир неча йиллардан бўён «Маънавият» рукнида ҳам қалам тебратиб келади.

Унинг бу рукнида ёзган “Кўнгил табиблари”, “Шифокор маънавияти”, “Устоз шифокор ўгитлари”, “Тиббиёт деонтологияси”, “Эл-юрт ардоқлаган олим” каби рисолалари китобхонларга маълум.

Уларда муаллиф миллий қадриятларимизни улуғлаш, ёшлар тарбиясида уларга ватанпарварлик, ҳалоллик, меҳр-оқибат, ҳушхулқилик, ташаббускорлик, саҳоватпешалик, ота-она ҳурмати каби фазилатларни сингдиришни асосий мезон қилиб олган.

Дунёда ўз ўқувчисини топган ва топмаган рисолалар мавжуд. Рисола қанча кучли дард билан ёзилса, у ўқувчи қалбига чуқурроқ кириб боради, илк саҳифаларидаёқ унга боғланиб қолади, онг-шуури тиниқлашади, қалби яйрайди.

Профессор О. Салоҳиддиновнинг “Маънавият” рукнидаги рисолалари ҳам инсонларда шундай таъсурот қолдиради, десам муболаға бўлмас. У бундай рисолаларни жўшиб, юрақдан ёzáди.

Яқинда мен унинг яна бир рисоласи қўллөзмасини ўқиб қолдим.

Муаллиф бу рисоласини “Фарзанд ва набираларимга айтганларим...” деб номлабди ва уни **«2010 йил - Баркамол авлод»** йилига бағишилабди.

Биласизки, ҳар бир инсон ҳётда яхши ният ва мақсадларга интилиб яшайди. Шунга интилган сари кўп машаққатларга ҳам дуч келиши аниқ. Яхши ва ёмон

кунлар, хушчақчақ ва ташвишли онлар учрайди. Буни ҳаёт дейдилар. Бусиз ҳаёт ҳаёт эмасда.

Шу боис ҳам шоир Хабибий шундай деган экан:

*Дунёда ҳеч одам бегам эмасдур,  
Ақпли ҳар бир одам хуррам эмасдур,  
Бегам бўлса ёки одам эмасдур,  
Ё ул одам ахли олам эмасдур.*

Ўзбекистон Қаҳрамони, Беруний мукофоти соҳиби, профессор Озод Шарофиддинов: "Ҳар қандай инсон ҳам бу дунёдан қуруқ ўтиб кетавермай, ҳаётда бирон из қолдиришни истайди. Бирор бое қилади, бирор иморат қуради, бирор китоб ёзади, бирор ўз сифатларини фарзандларига сингдиради, бирор шогирд орттиради.

Биламизки, ёшлар эртанги куннинг эгалари. Шу боис, эртанги куннимизни порлоқ кўрмоқчи бўлган инсон "ёшлар" деб куюнишга мажбур. Бунинг учун катта авлод ўз ҳаётий тажрибаларини умумлаштиурсин, босиб ўтган йўлларидан хулосалар чиқарсин, ҳаётда нима яхши-ю, нима ёмон эканидан нақл берсин. Ёшлар эса бу гапларни ўйлаб кўриб, мантиқ тарозисида тортиб, фойдалисини олсин, кераксизидан воз кечсин" деган эди.

Ҳаёт бир мактаб. Умринг давомида ота-онангдан, устозлардан, қўни-қўшни, ёру-биродарлардан ва ҳатто фарзандларингдан ҳам ниманидир ўрганасан.

Китоблардан ўрганилган маърифий илим қаторида, оиласда олинган ҳаёт илми ҳам инсон учун сув ва ҳаводек зарур. Чунки, ҳаёт – бу ўқилмаган китоб. Унда битилган ҳар бир сатр, унга муҳрланган ҳар бир лаҳза – хикматdir.

Инсон ҳоҳлайдими, ҳоҳламайдими узун ва машаққатли ҳаёт йўлидаги баланд ва паст йўлларни босиб ўтиши керак. Ҳаёт давомида инсон табиатдан, коинотнинг ҳар бир заррасидан ҳам қандайдир илимни ўзлаштиради. Масалан, кузда дараҳт барглари ерга тўкилар экан, бу холат инсонга умр ўткинчилигини

уқтиради. Мевасидан қадди букилган дарахтга отилган тошлар ҳаётнинг гоҳо бешафқатлигини кўрсатади ва х.к.

Хуллас, инсон барча нарсадан ненидир ўрганади.

Бу сабоқларни ижобийлари сабр, қаноат ва чидам туфайли бўлса, салбийлари шошқалоқлик ёки айrim холатларда нодонлик туфайли бўлиши мумкин.

Фарзандлар тарбиясида олинган сабоқларни хulosалари ҳам шу тариқа пайдо бўлади. Мана шу сабоқлардан чиқарилган хulosаларда ҳаёт ўгитлари пайдо бўлади.

Шу ўгитлардан ёшлар фойдалансалар, ҳаёт тўсиқларини енгишда қийналишмайди, тезроқ ишларида ижобий натижаларга эришадилар.

Худди шу ниятда муаллиф ушбу рисоласида ўз отонасидан ҳамда ўзининг ҳаётидаги сабоқлардан олган хulosаларини фарзанд ва набираларига ҳаётий мисоллар билан баён қилган.

Бу рисоладаги ўгитлар ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраган.

Муаллифнинг ушбу рисоласини ўқиётиб, ҳаёт сўқмоқларида дамбадам тўхтаб, унинг хикматлари ҳақида ўйландим ва муаллифнинг аввалги рисолалари каби бир олам завқ олдим.

Менимча, ўзини англаған инсон учун бу рисола бир олам мўъжиза ва ибратлардан иборат. Чунки инсонларнинг бир-бирларига бўлган муҳаббатлари ибрат, фарзанд ва ота-оналар ўртасидаги ришталар ибрат.

Бу рисолани ўқиган ҳар бир инсон ана шу ибратлар оғушига шўнгийди, инсон ҳаёти, умр мазмуни ҳақида ўйлайди.

Бу сабоқлар нафақат муаллифнинг фарзанд ва набираларига, балки барча фарзанд ва набираларга ҳам таълуқли деб ўйлайман.

Бу каби рисолалар баркамол авлод тарбиясида жуда жуда муҳимдир.

Мен бу рисолани кўп нусхада чоп этиб, китобхонлар хукмига тақдим этилиши тарафдориман. Ундан мактаб, коллеж, академик лицей, институт педагог ва ўкувчи-талабалари "Маънавият" рукнидаги дарсларда фойдаланишлари мумкин.

*А.Нурмонов,  
Андижон Давлат Университетининг  
кафедра мудири, филология фанлари  
доктори, профессор*

*Азиз асримизнинг азиз онлари,  
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.  
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла,  
Безамоқ чоғидир умр дафтарин*  
Faafur Gulom

### ОИЛА – ТАРБИЯ ЎЧОГИ Азиз ва меҳрибон фарзанд ва набираларим!

Ҳаёт тақазосига кўра, ҳар бирингиз балоғат ёшига етгандан сўнг уйланасиз, турмушга чиқасиз, яъни оила барпо қиласизлар, фарзанд, набиралар кўрасизлар, бу табиий хол албатта. Шу боис рисолани оила ҳақидаги фикрлардан бошламоқчи бўлдим.

Оила - муқаддас даргоҳ, Жамиятдаги ҳар қандай мұваффақият, ҳар қандай инқироз оиладан сув ичади. Инсон учун оила бунёд этиш, фарзанд кўриш шарафли ва эзгу истак. Фарзандларини чин инсон қилиб вояга етказиш эса ҳам фарз, ҳам қарздир.

Рисоладаги инсон боласи оила бағрида дунёга келади, ота-она, ақа-ука, опа-сингил, яқин қариндошларнинг меҳр қўёшидан баҳра олиб улгаяди, инсоний фазилатлар қасб этиб, камол топади.

Ёш ниҳол катталарга ҳурмат-эхтиромни, кичикларга меҳр-шафқатни, она табиатни эъзозлашни ва кўз қорачигидай авайлашни, киндик қони тўқилган она тупроғи, жонажон Ватани олдидаги бурчларни оила қучогида ўрганади.

Ҳозирги замон рухшунос олимларнинг исботлашича, инсонга хос қобилияту-иқтидор, фазилату-иллатларнинг 80 фоизи 5 ёшгача таркиб топиб бўларкан, қолган 20 фоизи эса 25 ёшгача чўзилиб шаклланаркан. Лўндаси одам боласининг келгусида қандай инсон бўлиб етишиши оила қучогида хал бўларкан. Бунда оилавий мұхитининг соғ-носоғломлиги кўпинча тақдируломон аҳамият қасб этаркан.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини севади. Ҳеч ким уларни ёмон ва баҳтсиз бўлишларини истамайди. Ўзлари эришолмаган ютуқларни қўлга киритишни, юксак мэрраларни забт этишини ҳоҳлайди. Шу боис ҳам Юртбошимиз: "Фарзандларимиз биздан кўра доно, кучли, билимли ва албатта баҳтли бўлишлари керак" деб, кўп бора таъкидлайдилар.

Фарзандининг ҳар бир ютуғи ота-онанинг юрагини тоғдек кўтаради, фаҳр ва ғурур туйғуларини вужудга келтиради. Ана шу туйгу уларга маънавий қониқиш беради, умрларига умр қўшади. Энг юксак инсоний ҳистайғулар, эзгу ниятлар, бетакрор маънавият, ақл-заковат оила бағрида таркиб топади.

**Оиласда ҳар бир шахснинг ўз ўрни бор.**

Донишмандлар: "Жаҳонда нимаики оқ бўлса, унга она сути тимсол, нимаики жўшқин бўлса, унга ҳам она меҳри тимсол, нимаики чидамли, сабр тоқатли бўлса, она иродаси тимсол. Шунинг учун ҳам биз "она юртим", "она тилим деймиз", дейишади. Ҳадиси шарифда ҳам "Жаннат оналар оёғи остидадир" дейилади.

Она фарзандининг соғлиги, камолати ва келажаги йўлида хатто ўзини қурбон қилишга ҳам тайёрдир.

Ривоят қилишларича, кунлардан бир куни юртни ёв босибди. Элни тиғдан ўтказибди. Экинзорларни пайхон қилибди, юртни талабди. Навбат онага келибди. Онани бир ўғли ва бир қизи бор экан. Босқинчи онага қараб: "Сени ўлдирмоқчи эмасман. Катта бўлганида биздан қасос олиши мумкин бўлган ўғлингни қатл қилмоқчиман. Агар сен ўнг кўзингни берсанг, ўғлинг омон қолади, бўлмаса уни ўлдираман", - дебди. Она: "Кўзим керак бўлса ол, аммо боламга тегма", - дебди. Жаллод онанинг ўнг кўзини ўйиб олибди. Онадан "ғинг" деган садо чиқмабди.

Босқинчи: "Энди чап кўзингни берсанг, қизинг омон қолади", -дебди. Она ҳеч иккиланмай, унга ҳам рози бўлибди. Жаллод онанинг чап кўзини ҳам ўйиб олибди.

Онаизор икки кўзидан айрилибди-ю, болалари омон қолибди.

Тез орада эл баҳодирлари қўзғалиб, босқинчиларни ер билан яксон қилибдилар. Она меҳри, жасорати олдида бош эгиб, ҳалойиқ уни юрга бошлиқ этиб тайинлашибди. Икки кўзидан айрилган она ўғлини ўнг кўзи, қизини чап кўзи қилиб, узоқ яшабди, юргни адолат билан бошқарибди.

Она шундай зотки, у ўзидағи битмас-туганмас меҳру-шафқат туфайли фарзанд учун энг оғир қийинчиликларга бардош беради. Айниқса, фарзандининг эмизикли пайтида онанинг ширин уйқусидан кечиб, бедорлик дардини тортган онларини бир тасаввур қилиб кўринг. Оналар гўдакка оқ сутига меҳрини қўшиб эмизадилар. Ҳаёт озуқаси чакалоқнинг оғзидан кириб, бутун танасиға сингиб кетади. Зеро томирларда оқувчи қон эмас, онаизорнинг оқсуги. Юрак уриб турар экан, она меҳри йўқолмас. Меҳр йўқолса, ҳаёт сўнади. Бола қалбига имон ва эзгулик уруғини экувчи, уни парваришлаб камолга етказувчи шарафли зот Онадир. Онанинг эркалаб-суйганидан, меҳрмуurvватидан тош қалблар эрийди.

Ўқиганим бор. Болалар врачи қабулига бир она **бемор боласини** олиб келибди. Шамоллаган экан. Бола безовта, иситмаси баланд. Врач ҳамширага иситмани тушурувчи укол қилишини буюрибди. Ҳамшира bemor болага ёндошганда, унинг қўлидаги шприц ва игнага кўзи тушган аёл беихтиёр сесканибдида: -Игнангизнинг кичикроғи йўқми? дебди қалтираб. Холбуки, игнани энг кичиги экан...

Ҳамшира болага укол қилаётганида эса аёл кўзларини чирт юмид, лабларини қаттиқ тишлиб, инグラб юборибди. Кўзларидан икки томчи ёш юмалаб тушибди. У яна ҳамширага қараб, дебди: - Шу уколларни боламга эмас, менга қилсангиз, қандай бўлади?! Она сути орқали ўтади-ку?!

Ҳамшира аёлнинг соддалигидан кулиб, қилаётган ишига изоҳ бераркан, онанинг меҳру шафқат, илтижо тўла кўзларига кўзи тушиб, кўнгли алланечук бўлибди.

Дарҳақиқат, фарзанд она юрагининг, қалбининг бир бўлаги, фарзанд бетоб бўлса, она бетоб, кўзига дунё тор. Бола соғ бўлса она ҳам саломат. Унда оналик меҳри, олам шодлиги жўш уриб туради. Кўрдингизми, фарзанд танасига қадалган игнадан она қалби титради, фарзанд танасидаги оғриқдан она кўзига ёш келди, фарзанд йигисидан эса она қалби жунбушга келиб, тилга кирди ва ҳамширадан меҳру шафқат тилади.

Бу чексиз уммондек буюк мўътабар оналар қалбига таъзим айланг, азиз фарзандларим!

Шундай экан, сиз жуда баҳтлисиз, дуогўйларингиз борлигига шукроналар келтиринг. Фарзандларингизни ёнингизга олиб, ота-онани тез-тез зиёратига боринг, хоқи пойларини кўзингизга суртинг. Меҳрибонларингизнинг дуосини олинг. Тиззаларига бошингизни қўйиб, кўзингизни бир нафас юмиб туринг. Шунда бундан ортиқ жаннат йўқлигини хис қиласиз.

Рўзгорчи дерсиз? Рўзгорнинг ғори қачон тўлган, айтингчи? Ҳаёт ташвишлари ҳеч қачон тугамаган, тугамайди ҳам, лекин ота-оналар бу фоний дунёда меҳмонлар. Кейин минг тавалло-ю, тавба-тазарру билан ҳам уларни ортига қайтариб бўлмайди.

Бу гапларимга қулоқ тутинг, оғир олманг, ота-она қошига шошилинг, дуоларини олинг, кам бўлмайсиз.

**Оилада болаларни тарбиялашда отанинг салмоғи ҳам жуда катта.** Ота оиланинг узогини яқин ва йўғини бор қилиш учун доимо ҳаракатда бўлади.

Отанинг ҳам фарзандига она каби муҳаббати чексиз, чунки у фарзандни ўз суратидан кўчирилган нусха деб англайди. Ота ўзи истаган фазлу камолини фарзандига беришга, уни ўзидан кўра ҳам мукаммал қилиб тарбиялашга ғайрат қиласи. Ота фарзанди ҳақида ҳалқдан “Тарбия қилган отангга раҳмат” деган сўзни

эшитса, севинади, невара, эвараларини кўриб наслини давом этаётганидан қувонади.

Бир киши бир донодан насиҳат қилишни сўрабди. Доно унга: “Ховли-жойинг, илму-одобинг кимдан қолган? – дебди. У киши: “отамдан”, - деб жавоб бериди.

Доно унга: “Шунинг ўзи насиҳатдир”, дебди ва давом этиб: “Агар сен яхшилик қилсанг, яхшилик қолади, ёмонлик қилсанг ёмонлик қолади”, деган экан.

Ота-оила таянчи, меҳрибон маслаҳатчи. Азалдан отанинг мавқеи, юриш-туриши, обрўси, меҳнатга муносабатидан ибрат олиш фарзандлар учун одат ҳисобланган. Ота рози худо рози дейдилар. Фарзанд отани рози қилиб, дуосини олса, дилини пок тутса, Аллоҳ ҳамиша сўраганини беради, ҳар қандай яхши ишларга йўл очилади. Ота ҳеч вақт фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Сиз қўйидаги шеърий мисраларга бир эътибор беринг-а:

*Бир кун ранжитди отани фарзанд,  
Ота ўз уйидан бош олиб кетди.  
Лекин Аллоҳ меҳри бўлиб сарбаланд  
Ота Маккатуллоҳ васлига етди.*

*Ота фигон чекди Каъба қошида,  
Гўё унум бўлгай аламлар бари.  
Нажомт чарх урса ҳам гарчанд бошида,  
Сира кетолмади, бир гапдан нари.*

*Каъбага сигинар экан кекса чол,  
Армонин ошқора айтди оламга.  
Деди: “Ибодатим бўлса ҳам увол,  
Фақат саодат бер ўша боламга.*

Падари бузрукворининг чизган чизигидан чиқкан, юзига тик қараган фарзанд фарзандми?

"Ота рози – худо рози" деган улуғ ақидани вужуд-вужудига сингдирмаган, хизматларида бўлмаган, дуосини олмаган фарзанд фарзандми?

Ёши .бир жойга етиб қолган чоғида эгнидаги кийимлари гардини покламаган, уйининг тўрисига ўтказиб, отасининг деганларини бажо келтирмаган фарзанд-чи?

Отани улуғлаганлар, эъзозлаганлар, кафтида кўтарганлар кам бўлмагай.

Ота-онанинг фарзанди учун чексиз меҳнат – машаққатларини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Бир парча этдан, мурғак чақалоқдан забардаст бир инсонни вояга етказгунча онадек меҳрибон ғамгузор, отадек парвона-ю заҳматкаш зотлар қанчалар азият чекиб, қанчалар қалб нурларини фарзандига баҳшида этадилар.

Одатда отани падари бузруквор, онани эса меҳрибон волида деймиз. Ота-она буюк зотлардир. Улар сиз билан бизни дунёга келтириб, кўз қорачигидек асраб-авайлаб, вояга етказибгина қолмай, ҳамма вақт ҳайтимизга нур сочиб турадилар, ой каби тунимизни ёруғ, йўлимизни ойдин қиласидилар. Ота-она ўғил-қизига ўз умри, ақл идроки, шодлигини баҳш этади.

**Фарзандларим!** Билингларки ўзбек ҳалқи бой маънавият ва тарихга эга. Мана ўшалардан баъзилари: авваллари ота ўтирган даврага ўғил дафъатан қўшилмаган, отага тик қараб гапирилмаган. Таом тановул қилишда ота-она келмагунча, ҳеч ким овқатга кўл узатмаган.

Ҳар қандай қийин, мураккаб ишлар олдидан кексаларнинг маслаҳатларини тинглаб, улардан фотиха олинган. Қариндош-уруғлар, ёру-биродарлар кучи билан хашарлар қилинган. Тансиқ таомлар пиширилганда кўшниларга улашилган.

Эрталаб туриб, фарзандлар ота-оналаридан хабар олишган. Эрта тонгдан кўча эшиклари очилиб ховли ва дарвоза атрофлари супуриб-сидирилган. Кўча-кўйда ёши

улуғларнинг олдидан кесиб ўтилмаган, саломлашишни ҳеч ким канда қилмаган. Бемор ва қарияларни зиёрат қилиш одат тусини олган.

Аждоду-авлодларимиз сувни муқаддас - ҳаёт сарчашмаси деб билиб, уни ифлослантиришни, ахлат ташлашни, хатто унга туфлашни гуноҳи азим ҳисоблаганлар. Ҳар бир хонадондан ариқларда зилол сувлар оқиб турган. Оқар сувларни касал бўлиб қоламан деб хадиксирамай, бемалол ичишган.

Болакайлар ховлилардаги ёки кўчалардаги мевали дарахтлар шоҳлари устиларида юрсаларда, уларни синдириб, пайхон қилишни ҳаёлига ҳам келтирмаганлар. Кушлар, ҳайвонларга озор бермаганлар, янги фарзанд туғилган хонадондан она "алласи" доимо эшитилиб турган. Она қалbidаги яхшилик, эзгулик, поклик нури алла орқали фарзанд қалбига кўчган.

Бобо ва момоларимиз, ота-оналаримиз фарзандлари билан кечки овқатдан сўнг савоб нима, гуноҳ нима, увол нима, қарғиш нима, дуо нима? кабилар бобида тез-тез "сухбатлар" ўтказиб турганлар.

Оила суҳбатларида ота-оналар яна болаларига: сувга тупурма, нон устига нарса қўйма, тузни ҳор қилма, ёши улуғларнинг йўлини тўсиб ўтма, ота-онангни гапини қайтарма, ғариб-нотавонлар устидан кулма, одамларга орқангни ўгириб ўтирма, ҳайвонларнинг бошига урма, бўш бешикни тебратма, марҳумларнинг уйидан чиқиб биронникига борма, қариндошларинг билан алоқани узма, кераксиз сўзларни гапириб, кейин изза бўлиб юрма" сингари хикматларни баён қилганлар.

Ёшу-катта уларни зўр эътибор ила тинглаганлар ва уларга амал қилганлар. Шу миллий удумларимиз, миллий қадриятларимиз асносида ёш авлодга ҳалоллик, ростгўйлик, бир-бирларига яхшиликни сифиниш, виждан, иймон, эътиқод, катталарга ҳурмат каби олийжаноб фазилатлар сингдириб борилган. Мана шу миллий удумларимизни эъзозланглар, уларга амал қилинглар, фарзандларингга уқтиринглар!

Инсон боласи ёшлигидан яхши ва ёмон одатларнинг қайсинасига кўнишиб, ўрганиб қолган бўлса, бу удум уни бир умр тарк этмайди. Шунинг учун ҳам ҳалқимизда, "Бешикда теккан.— кафандা кетар" ёки "Дард кетар-одат қолар", "Иллат кетар-одат кетмас" деган мақоллар бор.

Оилада кўни-кўшниларни кўраолмаслик, фиску-фасод, иғво муҳити ҳукмрон бўлса, ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси боланинг хотирасида тузатиб бўлмайдиган оғир асорат қолдиради. Умуман, оиладаги замонавий муҳити ва тарбия туфайли бола ё меҳрибон ва раҳмдил, ёки худбин ва бағритош бўлиб вояга етишини тушуниш қийин эмас.

Биз ўз фарзандларимизнинг баҳту саодатини, иқболи ва камолини кўришни истар эканмиз, нафақат оиласдан, балки маҳалла-кўйдаги одамларнинг хатти-ҳаракати ҳам боланинг шақлланиб келаётган соғ қалби ва онгига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида доимо ўйлашимиз, бу масалада зиммамизда улкан масъулият борлигини унутмаслигимиз зарур.

Ўқиганим бор. Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маъруфовага журналист савол берибди: "Айтингчи, сизнингча замонавий ўзбек оиласи қандай бўлиши керак?

У: "Замонавий ўзбек оиласи шундай бўлиши керакки, унда замонавийлик ва миллийлик уйғунлашиб кетган бўлсин. Оилада маърифатпарварлик, одампарварлик ғояси устун бўлиб, ота-бала, она ва қиз ўртасидаги муносабатларда ҳам ўзбекона ҳаё, замонавий янгича қарашлар сезилиб турса ва бу қарашларда миллий ҳаё, ибо кўриниб турса, деб орзу қиласман. Биз шундай оиласларни замонавий ўзбек оиласи, дея оламиз. Ўз отасини сенсираб бошқа тилда чакириш, мутлақо миллий кийимларни инкор этган холда уни олдида очиқ-сочиқ қийниб юрган қизлар ўсаётган оиласларни мен замонавий, бугунги давр орзу қилган оиласлар деб айтаолмайман. Замонавийлик дегани бу чегарадан чиқиш дегани эмас,

балки бу дунёга янгича, баркамол нигоҳ билан қараш ва шу нигоҳда ўтмишга эхтиром кўрсатишдир” деб жавоб бериди. Менимча, бу жуда тўғри жавоб.

**Азиз ва меҳрибон фарзанд ва набираларим!**  
Ҳадиси шарифда оилада фарзанд бурчи тўғрисида тўхталиб, фарзанд узлуксиз ота-она хизматида бўлиши, уларнинг розилиги асосида ўз ҳаёти ва фаолиятини йўналтириши таъкидланади.

Кимки ота-онасини чукур ҳурмат қилса, албатта фарзандлари ҳам уни эъзозлайди, ҳурмат қилади. “Қайтар дунё” деб бежиз айтилмаган. Отани қуёш, онаний деб билган ҳалқимиз, уларнинг қадрига етиш, эъзозлаш, бошга кўтаришни, падари бузрукворининг туз ҳақини, волидаи – меҳрибонининг сут ҳақини оқлашни ҳар бир ўғил-қизининг виждоний бурчи эканлигини алоҳида уқтиради.

Кекса оналарнинг капалак қанотидан ҳам юпқа қалбини хис қилиш, вақт топиб, олтинга бой сўзларини ёнларида ўлтириб тинглаш, кўзларига яхшироқ қараш, хатти-ҳаракатингиз, турмуш тарзингиз, тилингиз билан уларнинг нозик дилига заррача озор етказмаслик йўлларини ахтариш кўлингиздан келар. Оналарга меҳр зарур, хотиржамлик зарур.

Ҳар бир инсон, агар у виждонли, ҳақиқий инсон бўлса, дўпписини олиб қўйиб, яхшилаб ўйлаб кўриши керак. “Хўш, мен отамга, онамга қандай яхшилик қилдим” деб.

Ҳар бир саодатли ва азиз фарзанд ота-она кайфиятини ризолик белгиси билан хандон қилиши, ота-она хурсандчилигини ўзига келадиган яхшиликнинг дебочаси деб билиши лозим. Нажот эшигининг қалити ва саодат гулзорининг насими ота-она туфайли ҳосил бўлади.

**Азиз фарзандларим!** Бир донодан: “Дунёдаги энг улуғ баҳт нима?”, деб сўраганларида, у: “Фарзанд учун ота-онанинг ҳаётлиги”, деб жавоб берган эканлар.

Ота-она дунёдан күз юмганларидан сүнг қабрига неча сүмлик тош қўйиб, ҳайри-эхсонлар қилгандан кўра, тириклигида бир пиёла сув тўтиб, кўнглинни овлаш афзалдир. Ота-она тириклигида уларни хушнуд этиш, айтган насиҳатлари ва маслаҳатларига амал қилиш, уларни яхши хислатлари билан ёдлаш содиқ ва вафодор фарзандларнинг энг яхши одатлари эканлигини доимо ёдда тутинглар!

Уламолар: "Ота-онани ризо қилган фарзандлар бу дунёда завол кўрмайдилар, у дунёда жаннат эшиклари улар учун очиқ бўлади. Бундай инсонларни эл-юрт ҳам азиз тутади, дуолар қилади", дер эканлар.

Аммо ҳаётда шундай фарзандлар учрайдики, улар туқсан онасига, тарбиялаган отасига ғамхўрлик қилишни ўзларига эп кўрмайдилар, улардан хабар олмайдилар.

Айрим йигитлар ўсиб, улғайиб, мансаб курсисига ўтирсалар, ота-она ҳурматини ҳар замонда бериб турадиган озгина пули билан ўлчайдилар, ёки ўғил-қизлари орқали майда – чуйдаларни жўнатадилар.

Шуни билингларки, ота-она қадри пул билан, майда-чуйда билан ўлчанмайди.

Ота-она бир тўғрам нон билан тўядилар. Авваллари бир дона майизни қирқ киши еганлар деган наклни эшитгансиз. Булар шундай сабр-тоқатли инсонлар. Ота-она учун фарзанд дийдорини кўриш, ҳеч бўлмаса овозини эшитиш ҳамма нарсадан (пул, майда, чуйда ва х.к.)устунроқ туради. Бундай фарзандлар ота-оналари олдида катта гуноҳ қилаётганликларини сезмайдилар, уларнинг ғаниматлигини эсдан чиқарадилар.

Шу ўринда бизнинг оиласизда бўлган бир воқеа эсимга тушди. Акам пахта заводига директор эди. У ҳар куни вақт топди дегунча, гоҳ эрталаб, гоҳ тушлик пайтда, гоҳ кечкурун албатта ота-онамдан хабар олгани бизнигига келарди. Жуда иложи бўлмай қолганида улардан узр сўраб, кўнгироқ қиласарди. Сизлар унда ёш здингизлар, буларни билмайсизлар.

Кунларнинг бирида эрталаб акам мен ишлаётган шифохонага келиб, хизмат тақозоси билан бир туманга кетаётганини, йўл-йўлакай қон босимини ўлчатиб кетмоқчи эканлигини айтди (сабаби кечқурун яхши ухлай олмаган экан).

Мен акамни обдон кўриб, унда юракнинг жиддий касаллиги бўлган "миокард инфаркти" касаллигини атипик турини аниқладим. Акамни унамаганига, мен яхшиман деганига қарамай, уни ўша заҳотиёқ шифохонамизни реанимация бўлимига жойладим.

Шу куни ота-онам акамни келишини кўтибдилар. Кечқурун уйга келсан, улар менга акамни келмаганигини айтиб, ҳавотирланадиганликларини билдиришди. Мен уларга акам билан кўришганини, у бир неча кунга Тошкентта кетганини айтдим. Улар менинг гапимга ишонқирамай, акангиз ундан холда бизга қўнғироқ қилиб кўярдику, дейишли. Мен шошилинч холат экан, шу боис менга айтиб кетди, деб уларни тинчлантиридим. Эртаси куни кечқурун онам менга нега акангиз Тошкентда бўлсаям телефон қилмаяпти, бундай одати йўқ эдику, деди. Мен иши кўлайиб кетгандир, албаттга эртага телефон қилиб қолар, дедим.

Шифохонамизни реанимация бўлимида шаҳар телефони йўқ эди, у бу бўлимдан 100 метрлар нарироқда бор эди. Кечқурун мен сим толиб, шу жойдан реанимация бўлимига телефон туширтиридим. Эрталаб, яъни касалликнинг учинчи куни акам отам, онам билан телефонда гаплашишди, ўз вақтида уларга қўнғироқ қила олмаганидан узр сўради. Тошкентда хизмат сафаридалигини айтди. Касалликнинг тўртинчи, бешинчи кунлари ҳам телефон орқали улар билан гаплашиб турди. Шу орада уни аҳволи анча яхшиланди.

Кечқурун ишдан кайтсан, онам: "Мени қўнглим негадир ғаш, нотинчман, акангизга бир нарса бўлган, мендан яшираяпсизлар", деб қолди. Онамни тоби йўқ эди. Ҳар куни муолажа оларди. Вазият мени асл холатни

айтишга мажбур этди. Акамни аҳволи анча яхшилигини айтдим.

Улар (ота-онам): "Бизни ҳозироқ уни олдига олиб борасиз", дөб айтишди. Ноилож уларни акамни олдига олиб бордим. Уларни кўришишларини таърифлашга ожизман.

Ана сизга онанинг меҳри. Отанинг меҳрибонлиги. Она қалбини ҳеч алдаб бўлмас экан. Биз фарзандлар буни сезишга ҳаракат қилишимиз керак.

Айрим фарзандлар вақтингчалик топган молудунёси олдида эсанкираб, ота-онаси, ака-укалари, опасингилларини хўрлайдилар, қондошларига шафқатсизлик ҳам қиласидилар, ҳақоратлайдилар. Отага қаттиқ гапирган, онага кўл кўтарган, қондошларини менсимай, уларга маънан зарар келтирган фарзандларнинг бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам азобга, таҳқирга маҳкум бўлишлари муқаррардир. Буларни ҳаммаси Аллоҳга аён. Буни вақт кўрсатади. Биз ҳаёт давомида бундай инсонларни кузатдик.

Қадимда падари бузруквори томонидан лаънатланган ўғил ёки қиз эл-юрт олдида бошини кўтариб юраолмаган, юзи шувит бўлиб, маҳалла-кўй, қариндош-урӯғ олдида обрўси тўкилган. Бундай фарзанддан ҳамма нафратланган, улар қарғиш олганлар.

Сизлар дуонинг яшнатишини ҳам, қарғишнинг қақшатишини ҳам эшитгансизлар. Ҳақ қарғиш албатта қақшатади. Ўшанда қарғиш олган шахс кимга, қачон, қандай азоб берганини эслайди. Қарғишни қаҳри қирқ йилдан кейин ҳам сўнмайди, у аддашиб ўтиб кетмайди, шубҳасиз, чалиб йикитади.

Бугунги кунларимизда битта-битталаб қайтадан нашр этилаётган маънавий булоқларнинг шифобаҳш оби зам-замлари фарзандларимизни хидоят йўлига бошламоқда, кўнгилга яхшилик уруғларини сочмоқда. Лекин қайсиdir хилватларда ёмонлик ҳам ўз умрини яшаб юрибди. Ҳар яхшиликка мукофотни ҳам, ҳар бир ёмонликка жазони ҳам, аввало Яратганинг ўзи беради.

Аммо бир ўртада виждан тарозиси бор. Инсон қачондир ўз қилмишларини шу тарозида бирма-бир ўлчашга мажбур. Виждан судининг ҳукми то умрининг охиригача авф этилмайди, жазолайверади, жазолайверади. Шунинг учун донолар: “Ота-онангиз, ака-укангиз, опасингилларингиз билан мулоим муносабатда бўлинглар. Улар билан ҳар вақт охиста сўзлашинглар, зинҳор овозингизни кўтарманглар, асло одоб қоидаларини бузманглар”, деганлар.

**Азизларим!** Ҳар бирингиз ҳаётингиз давомида яхши фазилат ва ажойиб хислатларни бағри кенг, меҳнатсевар етук инсонлардан доимо ўргана беришларингга ва уларга амал қилишларингга, авлодимиз обрӯ-эътиборини сақлаб, уни юксалтиришларингга, оиласигизни мустаҳкамлашларингга мен албатта ишонаман.

## ОТА-ОНАМ НАСИҲАТЛАРИ

### Азиз фарзандларим!

Донолар: "Ҳар ким насиҳат пайтида насиҳатчининг, мулажа чоғида табибнинг, шариат масалаларида зоҳиднинг сўзига амал қилмаса, яхши иш фойдасидан, мулажа шифосидан ва ибодат савобидан маҳрум бўлади" дейишади.

Мен Сизларга имкон даражасида аввало ота-онамизнинг бизга айтган айрим ўгитларини тақдим этмоқчиман.

Бошида ота-онам ҳақида икки оғиз гапирай.

Отам ҳисобчи бўлган. Нафақага чиққач, 20 йилдан зиёд маҳалла оқсоқоли бўлган. Отам каттага ҳам, кичикка ҳам бирдек ширин муомалада бўлган, ҳушчақчақ инсон эди. Маҳалла оқсоқоли сифатида кимнинг бошида нима ташвиши бор – ҳаммасидан хабардор эдилар. Тўй – маъракаларга бош-қош ҳам шу киши эди. Кўпчиликни хайратга соладиган одатлари бор эди. Ҳеч кимга қаттиқ гапирмасди, каттаю-кичикка сизлаб гапирарди. Кимдир ёрдам ёки маслаҳат сўраб келса, ташвишларини енгиллаштиришга шошиларди. Сўзлари майнин, киши кўнглига малҳам эди. У киши билан бироз суҳбатлашган одамнинг дарди енгиллашарди.

Хуллас юриш-туришлари, рўзгор тутишлари, кишилар билан муомаласи бу одамни қандай инсон эканлигини ҳеч бир таърифсиз, шундоқкина кўрсатиб турарди. Бирон нарсадан ёки бирон кимсадан нолиб гапирганларини эшитмаганмиз. Маҳалла ахли ўртасида обрўси бениҳоя катта бўлган.

У хизмат тақозоси билан туманларда кўп ишлагани туфайлими, ким тумандан келиб, шаҳарда бирон кун ётгани жой тополмаган (1945-60 йиллар) ҳолларда, уларни уйга олиб келиб, меҳмон қилиб, бошпана берарди. Оила аъзоларимиз бунга кўнишиб қолишганди.

Онам шахримиздаги обрў-эътиборли, билимли инсон қизи бўлган. Онамиз арабча имлони яхши биларди. Куръон, ҳадисларни кўп ўқирди Худди

шунингдек отам ҳам куръон, ҳадисларни кўп ўқирдилар. Онам 9 та фарзанд кўрган. Улардан 7-таси ёшлик пайтларидаёк вафот этган эканлар. Энг тўнғичи акам ва ўртанчаси мен тирик қолган эканмиз. Бу хол табиийки онамиз қаддини буқкан.

Онам ўта оқила, меҳмондўст аёл бўлганлиги туфайли, барча қариндош-урӯзларимиз у билан маслаҳатлашиб, иш кўришган, рўзгор ишларини яхши билган.

Ота-онам билимли инсонлар бўлганлиги учун бизнинг (акам ва мен) тарбиямизга масъулият билан қараганлар, деб ўйлайман.

Отам кунларнинг бирида оила даврасида қўйидагиларни айтган эди: "Донишмандлардан бири бир инсонни кимлигини аниқ билиш учун унинг ота-она, бобомомолари ким эканлигини билиш керак, деган эканлар.

Буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳам инсонларнинг авлод-аждодларини яъни наслини аҳамиятига катта эътибор берган. Чунки ҳалқимизда "Етти пушти ким бўлса, авлоди ҳам шу бўлади" деган нақл бор.

Сизларга бир воқеани айтиб берай, деб қолди отам: "Айтишларича, отам маҳсидўз бўлган эканлар. Шу билан бирга маҳалламиздаги масжидни Аллоҳ йўлида супириб, сидириб юрар эканлар.

Онамнинг айтишича, бир куни бомдод намозидан сўнг, отам масжидни супириб-сидириб, уйга кайтиби. Шунда онам отамни кавушига бир барг ёпишиб қолганини кўриб: "Кавушингизга барг ёпишиб қолибди" деса, отам: "Бай, бай, бай бу барг масжидники-ку" деб баргни масжидга олиб бориб қўйган эканлар.

Кўрдингизми, отам қандай содда, пок ҳалол инсон бўлган. Мен ҳам ҳаётим давомида отам каби ҳалол ва покликка қаттиқ амал қилиб келдим. Мен ҳалол яшаб кам бўлганим йўқ. Юзим барчани олдида ёруғ, доимо инсонлар кўзига тик қарай оламан. Сизлардан ҳам шуни қаттиқ талааб қиласман" деган эдилар.

Азизларим, биз қандай содда, ҳалол, пок инсонлар зурриёдидан эканлигимизни сезиб турибисизлар.

Отам күп бора: "Хаётда турли зиддиятлар мавжуд: бири түғри, бири нотүғри, бири ҳақ, бири ноҳақ, бири ҳалол, бири ҳаром. Бу қарама-қаршиликларни иймон ва виждан тарозиси фарқлайди.

Ҳалоллик – энг яхши ва айни пайтда энг түғри йўл. Доимо қай шароитда бўлса ҳам ҳалол яшанглар. Ҳалол ишлаш – бу дунёning зўр яхшилигидир, маърифатни шамчирогидир.

Ҳалол билан ҳаромни қандай ажратиш керак? Ҳалоллик – бу тоза қўл, соф виждан, ёруғ юз, самимий нигоҳдир. Ҳаромлик бўлса, бунинг акси – ифлос қўл, боткоқ виждан, қора юз, жирканч кўзлардир.

Ҳалоллик билан топилган битта дон бутун бир хирмонга, ҳаром йўл билан топилган бир уй нон эса, ушоқчадек татимайди. Бу янги гап эмас, жуда эски ибора. У ота-боболаримиздан қолган. Ҳақиқий ҳалолликка соғиниб яшаган инсоннинг у дунёси ҳам, бу дунёси ҳам нурафшон бўлгусидир.

Баъзи бир одамлар ҳалоллигинг учун сендан жирканишлари мумкин. Покликдан, софликдан ҳам нафрат қиласиганлар ҳам учрайди, бу дунёда. Улар сизларни бу йўлдан қайтармоқчи бўлишлари, бўйсунмасанглар эса сизларни синдиришмоқ пайда бўладилар. Лекин сизлар буларга эътибор бермай яшашларинг керак. У ёғига яратган Аллоҳнинг ўзи сизларга мадад беради, уларга сизларни ҳор қилиб қўймайди. Шу боис, сизлар ҳеч адашмай, ҳалоллик сари интилаверинглар" дердилар.

Шоирнинг қўйидаги шеърий мисралари ҳам мана шу масалаларга қаратилганлигига бир эътибор беринглар-а деб, бизга ушбу шеърни кўрсатган эди:

Инсон табиатин қизиқ иши бор,  
Ёшига хос турли қизиқиши бор.  
Нега шундок? Ахир инсон умрининг  
Баҳори, ёзи бор, кузи, қиши бор.

Инсон табиати жуда ажабдир,  
Энг муҳими ақл, виждон, адабдир.  
Мужассам бўлса шу уч фазилат,  
Қолгани шуларга боғлиқ бир гапдир.

Ҳар ишда асло ошмай маромдан,  
Ҳалолни фарқ қилиш лозим ҳаромдан.  
Маромин билмаса кимки ҳар ишнинг  
Ўз-ўзин бенасиб қилар оромдан.

Меҳнат қилиб яшаш ҳар инсон иши,  
Ва бу қаҳрамонлик, шараф-шон иши.  
Юз-хотир қилмасдан ҳақ сўзни айтиш,  
Қиёссиз жасорат, соф виждон иши.

Отам яна бизларга: "Ношукур бўлиш яхши эмас, сабр қилиб, нафсни тия билиш керак. Кимки бунга қобил экан, ҳушбахтлик ва саодат эшиклари унга очилади. Билингларки, нодоннинг олимга, номарднинг мардга, кўрқоқнинг жасур одамга ҳасад қилиши ҳаммага аён.

Тинчлик билан кечирилган қисқа умр, қўрқув ва ташвиш билан кечирилган узоқ умрдан афзалдир. Ўзларингдан илгаргилардан ибрат олинглар. Сабр ва чидам барча мушкул ишларни енгиш калитидир. Муҳтоҷлик соатларини унутишга ҳаракат қилинглар, аммо улар ўргаттганларини унутманглар" деган эди.

Шу ўринда инсондаги яна бир фазилат – диёнат тўғрисида тўхталмоқчиман деб сўзини давом этган отам: Донолар фикрича, диёнат мусулмон қалбидаги мустаҳкам ва событ ақидадир.

Мусулмоннинг сўзи ва ишлари унга асосланади ва шундан келиб чиқиб бирорвлар билан муомала қиласди. Диёнатли йигит турмуш ўртогини ҳар томонлама асрайди ва ҳимоя қиласди, унинг айрим инжиқликларини кўтаради, у билан иноқ яшашга ҳаракат қиласди, уни эъзозлайди.

Диёнатли аёл молдор, гўзал ва обрўли бўлса ҳам камтар ва ҳушхулқ бўлади. Диёнатли эр ва аёл Аллоҳ

таолога шукр қилиб яшайды, қийинчиликларга сабрли бўлади, воқеъликка имону сабр билан ёндошади, жуфти ҳалолига вафо кўрсатади.

Диёнатсиз молдор аёл бўйсунмас, диёнатсиз гўзал аёл мағрур ва диёнатсиз обрўли аёл такаббур бўлади.

Бу сифатлар ҳаётда қўпинча оилани “инқироз” га олиб келади. Оила қуришда бу сифатга эътибор қаратилмоғи лозим. Инсон ҳамиша бир дардкашга зор бўлади. Ўзига ҳамиша содик сирдош, маслақдош қидиради. Яхши кунида ҳам, бошига ташвиш тушган лаҳзаларда ҳам ана шу ҳамдардга, кўнглини ёзгиси келади. Ўртадаги сирлашувлар қўлами кенгая борган сари меҳр иплари ҳам тобора қаттиқроқ bogланаверади. Бу туйғу эса шубҳасиз дўстлик манзили томон йўл очади.

Дўст танлашда адашманглар. Агар нотаниш одамнинг кимлигини билмоқни истасанглар, унинг таниш билишларини сўраб суриштиринглар. Шунда ҳамма нарса аён бўлади. Чунки табиатда ҳам, жамиятда ҳам барча мавжудот ўз тўпу, тўдаси билан бирга бўлади.

Донолар: Беш тоифа киши билан улфатлик қилмасликни маслаҳат берган эканлар. Буларнинг биринчиси фиску-фужур ахли. Улар сени ҳалқ орасида расво ва шарманда қилади. Бир луқма нон учун сени сотишдан қайтмайдилар. Уларнинг одатлари шуки, сендан бир нима таъмасида бўладилар, агар бермассанг, ҳалқ орасида сенинг ҳақингда ёмон гаплар таркatiшади, обрўйингни тўкишади. Одамлар эса гапнинг тагига етмай, сен билан ёмон муомала қила бошлайдилар. Иккинчиси баҳил ва хасис кишилар. Агар сен бирор нарсага муҳтоҷ бўлиб қолсанг, улар ҳеч қачон сенга ёрдам қўлини чўзмайдилар. Сени молу давлатингни уялмай ейдилар. Тугаса, душманингга айланади. Уларнинг учинчиси ёлгончилар. Улар сени энг яқинларингдан айришади. Тўртинчи тоифа эса жоҳил, нодон ва аҳмоқ кишилардир. Улар сени тўғри йўлдан оздиради, одамнинг ниятини бузади. Бешинчи тоифа эса лақма ва дилида меҳри йўқ кишилардир” дердилар

Онамиз ҳам бизларга ўз навбатида: "Доимо яхши ният қилиб, шукроналик билан яшанглар. Бирорнинг молига, баҳтига ҳасад билан эмас, хавас билан қаранглар. Доимо яхши гапларни гапиринглар, яхши нарсаларни ўйланглар. Ҳар бир яхши гапга ҳам, ҳар бир ёмон гапга ҳам "фаришталар" омин дер эканлар.

Одамийликнинг энг улуғ хислатларидан бири кечиримлиликдир. Сизлар тил билан, дил билан хато қилган кишини кечириб юборсанглар, эҳтимол қаршингизда турган бир одамни аяган бўларсизлар. Эҳтимол уни яна шу айбларни қилмасликларига туртки бўларсизлар.

Инсонлар билан мулоқотда оғзингиздан чиқаётган ҳар бир сўзга мумкин қадар баҳо беришни билинглар. Ўйнаб гапирсанглар ҳам, ўйлаб гапиринглар, кейин пушаймон қилмайсизлар.

Шу ўринда, қўйидаги ҳикояга бир эътибор беринглар-а: Бир подшоҳ туш кўрибди, тушида оғзидан барча тишлари тўкилиб кетганмиш. Тушни таъбир қилувчини чақириб: "Тушнинг таъбири недур?", депти. У: "Эй шоҳим, сенинг олдингда барча хеш, ақрабо ва қариндошларинг ўлгусидир. Андоғим, сендан ўзга ҳеч ким қолмагувсиdir". Буни эшиитган подшоҳ: "Менинг юзимга бундоқ дардлиг ва андуҳлиг сўзни айтдинг. Менинг барча қариндошларим ўлсалар, сўнгра мен қандоғ ишга ярарман ва на янглиг рўзгор сурарман? "- деди ва унга юз таёқ урмоқ буюрди. Сўнгра бошқа бир тушини таъбир қилувчини чақириб, муддаони сўзлабди. У: "Эй шоҳим, сенинг умринг барча ақраболаринг умридан узоқ бўлур", депти. Подшоҳ депти: "Барча ақлнинг йўли бирдир ва икковининг таъбирларининг негизи бир ерга борур, аммо сўздаги ибораларнинг орасида фарқ бағоят кўпдир". Подшоҳ сўнгги тушини таъбир қилувчининг сўзамоллиги, етти ўлчаб бир сўзлашини тақдирлаб, унга юз тилло берган экан.

Ҳар вақт оғизларингдан фақат яхши сўзлар чиқсин. Доимо рост сўзлашга одатланинглар. Рост сўз дагал

бўлади. У кўнгилга оғир ботади. Аммо, бундай ҳақиқат кўнгилга жойланса, кишига албатта наф беради.

Маълумки, туғилган инсон албатта вафот этади. Ундан ҳеч бир нишона қолмайди. Лекин унинг сўзлари эзгулик бўлса, бошқалар юрагидан жой олиб улгирса, кўчиб юраверади. Инсон икки нарса туфайли қарилигини билмайди, дейишади. Улардан бири хушхулқ, иккинчиси эзгу сўздир. Туғилган инсондан қоладиган мерос – сўз. Унинг ўзи ўлиб кетади, сўзи эса мангу қолади. Шу ўринда яхши ва ёмон, фойдали ва заарли, керакли ва ортиқча сўзларнинг чегараси қаерда? Буларни қандай ажратиш мумкин? Уларни белгиловчи меъёр нимада? каби саволларни бўлиши табиийdir.

У дастлаб сўзни кишига ёкиш ёқмаслиги, бошқаларнинг муносабати билан ўлчанадиган ходиса. Ортиқча сўз жонга тегадиган, кишини зериктирадиган бўлади. Шу боис донолар: “Кўп сўзлаш – донолик белгиси эмас, у – эзмалик аломати дейишади. Чин сўз эътиборли, яхши сўз қисқа бўлади. Шу боис кўпни кўрган кексалар: “Бефойда сўзни кўп айтма, фойдали сўзни кўп эшитишдан кайтма” дейдилар.

Сўзни тuya бўйнига ўхшатишади. Унга жилов солса бўлади, етовга юраверади. Шу ўринда Сизларнинг эътиборингизни қуийдаги ривоятга қаратмоқчиман.

Бир подшоҳнинг жуда ҳам чиройли оти бор экан. Подшоҳ отини жуда севаркан. Кунлардан бир куни шу от касалланиб, ўлиби. Ғазаб отига минган подшоҳ отбоқарни ўлдириш қасдида уни хузурига чорлабди. Подшоҳни доно вазири бор экан. Вазир орага тушиб, подшоҳни бу ниятидан қайтармоқ учун унга мурожаат қилибди.

- Подшоҳим, сабр қилинг, аввал бу ярамас отбоқарнинг қилган жинояти қандай натижалар берганини ўзига бирма-бир айтайлик, иқрор бўлганидан сўнг ўлдирсангиз бўлади, - дебти.

Кейин отбоқарга, гўё ғазабланган бўлиб, айтибди:

- Эй ярамас отбоқар, қилган жиноятынгнинг келтирган ёмон натижаларини биласанми? Билмасанг, мен бирма-бир айтиб берай, айбингга иқрор бўлсанг, ўлимдан озод бўлиб, яна хизматингни давом эттираверасан.

Биринчидан, биламиз, подшоҳимизнинг отини яхшилаб боқдинг, унинг ўлишини эмас, хатто касал бўлишини истамадинг, лекин бечора от қазоси етиб, ўлиб қолди. Бало қазони қайтариб, отнинг умрини узайтиришга нега кучинг етмади? Мана шунинг учун айбдорсан, тўғрими? Эй нобакор отбоқар, айбингга иқрор бўл!

Иккинчидан, биламиз, отни сен ўлдирмадинг, умри тугаб, қазоси етиб ўлди, лекин подшоҳимиз сендан гумон қилиб, шу даражада ғазабландиларки, муборак қўлларига қилич олиб, сени ўлдирмоқчи бўлдилар. Бу ишлари билан оламга кулги бўлишларига сал қолди. Бунинг учун ҳам сен айбдорсан, айбингни бўйнингга ол!

Учинчидан, подшоҳимиз бир от деб сени ўлдирсалар эди, бутун одамзод: - Фалон подшоҳ бир ҳайвон деб отбоқарини ўз қўли билан ўлдирган, инсондан ҳайвонни ортиқ ҳисоблаган, инсоннинг қадр-қимматини ерга урган", - деб подшоҳимизга лаънат ўқирдилар, нафрат назари билан боқардилар, шу билан подшоҳимизнинг муборак номлари булганарди. Бунга, яна сен сабабчи бўлардинг. Кел, подшоҳимизга узр айт, ҳамма айбларингга иқрор бўл, ундан кейин подшоҳимиз нима қарорга келадилар, ўзлари биладилар. Менинг сўзларимни уқдингми, ярамас отбоқар?

Подшоҳ тадбирли вазирнинг кинояли сўзларидан таъсиrlаниб, қўлидаги қиличини улоқтириб, отбоқарни ўлдиришдан қўл тортиби, уни яна ўз хизматига қўйибти.

Шундай қилиб, тадбирли вазир Сўзни жой-жойида ишлатиб, ғазаб отига минган подшоҳни ножӯя ҳаракатдан тўхтатибди, уни огоҳлантирибди, шу билан гуноҳсиз отбоқарни ўлимдан қутқарибди.

Демак, ҳар бир сўзни ўйлаб, тушуниб, тарозига солиб галирмоқ кўп наф келтираркан.

Шу боис донолар ҳам:

Бирор гуноҳ қилса, бўлсанг дарғазаб,  
Жазо бермай туриб, ўйла яхшилаб.  
Кўнгил шишини синдириш осон,  
Бироқ асли каби бўлмайди ямаб

деган эканлар.

Сизлар, бу хикматларга қулоқ тутинглар.

Ҳар вақт "Бисмиллохир раҳмонир Раҳим" ва саломни кандо қилманглар.

Раҳмон - бу раҳмдиллик ва шафқатлилик тимсоли бўлган Аллоҳга хос сифат. Раҳим-мехрибонликни ўзида мужассамлаштирган инсонлар сифати.

Демак, "Бисмиллохир раҳмонир Раҳим – Раҳимли ва Раҳим бўлган Аллоҳнинг номи билан деганидир.

Бу биринчидан Аллоҳнинг номи зоти ва унинг икки сифатини ўз ичига олиб, бизни раҳм-шафқатга даъват этётган бўлса, иккинчидан инсонларнинг ҳар бир ҳаракати муҳим эканлигига далолатдир.

Биз ҳар бир ҳаракатимиз олдидан "Бисмиллоҳ"ни талаффуз қилар эканмиз, у бизни ҳар бир балодан асраб қолади. **Бу ишончимиз** эса қалбимизга хотиржамлик баҳш этиб, ҳаётга бўлган умидларимизни мустаҳкамлайди, яхшилик сари тўла ишонч билан қадам ташлашимизга даъват этади.

Одобилийкнинг энг асосий мезонларидан бири – **саломлашишдир**. Ҳалқимиз азалдан инсонга салом беришни бурч деб билгандар.

Аҳлоқи комил инсонлар етти хил шароитда салом беришлари шарт: таниш, биродарини кўрганда, ёши катталарга, йўл юрганда, йигинларга борганда жамоага, бирорвнинг ховлисига кирганда, қабристонга яқинлашганда, ўз уйига кирганида.

Куйидаги вазиятларда салом бериш жоиз эмас: ҳаммомда, хожатхонада ва намоз ўқиб турган одамга.

Салом бериш одоби еттитадир: Аввало салом самимий бўлсин, отлиқ яёв одамга биринчи салом беради, ёши кичиклар ёши улуғларга, озчилик кўпчиликка, очиқ чехра билан салом бериш, имо-ишора билан салом бермаслик, овоз чиқариб салом бериш.

Салом беришни шу қоидаларига амал қилиб, уни овоз чиқариб, тўлик холда "Ассалому алайкум" деб айтиш жоиз. Мен ўйлайманки, сизлар бесалом юрмайсизлар" дердилар.

Яна отам: "Ииллар ўтган сайин ёшлик ўз ўрнини кексаликка бушатиб беради. Борган сайин умринг омонатлиги кексалар ҳаёлига тез-тез соя ташлаб туради. Инсон ҳоргин танасида кексалик аломатларини пайқагач, қандайдир тушкунликка тушиб, ўзини кераксиздек хис қила бошлайди. Худди болалар сингари заиф, муҳтоҷ кўнгил эгаларига айланиб қолади. Шундай ҳолларда уларни йўқлаб туриш жоиз. Шу ерда ўқиган бир воқеа эсимга тушиб қолди, дейди.

"Кунларнинг бирида бир инсон қишлоқка ўртоғиникига мөхмонга борибди. Эртасига ўртоғи: "Юр оғайни, бувимларни зиёрат қилиб келамиз", дебди. Унинг бувиси 100 ёшга кирган эканлар. Кичкина бўлиб қолибдилар, нуроний чеҳралари тиник, ўзлари тетик экан. Уни қарангки, тишлари чиқибди. У кишини зиёрат қилибдилар бир пиёла чой устида. Оғайнисининг бу бувилари кўз ёш қилиб, кенжা ўғилларининг оёғи синиб қолганини, бир сайдан бери кўраолмай соғиниб кетганини айтибди.

Шу пайт ховлида оппоқ соқоли кўксига тушган бир отахон кўринибди. Ёнларида қари кампир. У киши хассага таяниб, оқсоқланиб келар экан. Ўнг қўлларида ўн-ўн икки яшарчалик болани етаклаб олган эканлар, кейин билсам, у отахоннинг чевараси экан. У киши уйга кириб, оналари билан кучоқлашиб, ўпишиб кўришибди, оёқлари синиб, кўргани келаолмагани учун онадан узр сўрабди. Онахон ўғлим деб суюб гапиргандарида кўз

ўнгимга 40-45 яшар киши келганди, уни қарангки, бу кичик ўғиллари 77 ёшда эканлар,

- Айланиб кетай сендан, эҳтиёт бўлиб юрсанг
- бўлмайдими, кап-катта бўлсанг, ахир қачонгача мени куйдирасан. Оёгинг оғриётгандир-а, кел болам силаб қўяй, - деб чолнинг оёқларини қурушқоқ кафтлари билан силаб сийпалабдилар, худди ёш боладек эркалабдилар. Бу холатни кўриб, кўзларимга ёш келди. Она учун қари бўлсаям, болабола эканда, дедим, дебди халиги инсон.

Ибратли воқеа, шундай эмасми?

Шу боис, фарзандларим кексаларга ва беморларга алоҳида зътибор, меҳр-мурувват кўрсатиш, ўксик дилларни кўтариш савоб ҳисобланади.

Қариялар дуосини олган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Мен ўйлайманки, Сизлар бу масалаларга катта зътибор берасизлар- дер эдилар.

Акам пахта тозалаш заводига директорликка, мен институтда кафедра мудирлигига ўтаётган кезларимизда отам-онам бизларга куйидаги насиҳатларни қилганларки, зора бу насиҳатлар ҳам сизларга катта наф бериб қолса ажаб эрмас!

Отам: "Мен ҳаётим давомида кўп раҳбарлар билан ишладим. Бу бўйича ҳаёт сабоқларини олдим. Шундан чиқсан хуносаларимга кўра, Сизларга бу борада ўз фикрларимни билдиromoқчиман.

"Сизлар раҳбар этиб тайинланаяпсизлар. Раҳбар ўзини ҳукмдор деб эмас, балки шу ерда меҳнат қиласиганларнинг ҳаммаслаги, ҳамдарди, суюнчиғи, йўл бошловчиси деб билмоғи керак. Раҳбар аввало одам. Демак, у одамийлиги, эл-юртга қайишиши билан жамоага ибрат бўлиши керак. Билингки, мансаб инсонга ўзини устун сезиш учун эмас, унга сидқидилдан хизмат қилиши учун берилади. Айрим раҳбарлар мансаб курсисига эришгани ҳамон оммадан ўзини ажратишга уринади. Бундай холда у ҳеч қачон обрў ола олмайди, жамоада муҳит бузилади, ишлар орқага кетади. "Яхшининг

қадрини ҳалқ билади, ҳалқнинг қадрини мард билади" деган нақлни доимо ёдда тутмоқ даркор. Ҳар қандай раҳбар ходимларнинг меҳрини козонаман деса, энг аввало, улар билан самимий муомалада бўлиши даркор. Уларни ташвишга солаётган муаммоларни тинглаб, қўлидан келадиган ёрдамни аямаса, шу етарли!

Инсон шаънини ҳақоратловчи чиқишлиар қилмаслик лозим. Танқидий фикр билдириш, танқид қилиш мумкин, аммо бу – шахсни ҳақорат этиши дегани эмас.

Раҳбар гуноҳ қилиб қўйган одамнинг самимият ва садоқати даражасини, ақли ва идрокининг савиясини яхши билиши керак. Агар бундай шахслар жамоага наф келтира олишлари мумкин бўлса, уларга иш топшириши, уларни тўғри йўлга солиб юборишга интилиши керак. Агар улар фавқулодда адашиб қолсалар, раҳбар бундай инсонларни гуноҳларини кечириши, барча ҳуқуқларини қайтариб бериши, уларни қўрқув ва шубҳадан кутултириши ва шу равишда аввалги вазиятини тикилаши лозим. Ишчи, хизматчиларни меҳнат шароитини яхшилаш, уларга қулайликлар яратиб бериши керак.

Билмоқ лозимки, ҳар бир ёмонликнинг бир жазоси бор. Ўз ёмонлигини ниқоблаган, хийла ишлатиб, ўзини яхши кўрсатган одам, албатта эртами, кечми қилмишларининг ажрини кўради.

Беозорлик ва донолик ҳамма вақт, жамоат билан муомалада даркор бўлади. Беозорликнинг асосий шарти ақлли ва тажрибали одамлар билан маслаҳатлашмоқ, нодон ва жоҳил одамлардан қочмоқдир. Кенгашиб иш қилганга не етсин. Билингки, яхшиликни кўп қилган кишининг пушаймонлиги кам бўлади.

Бирорга яхшилик қилсангиз, қилган яхшилигингизни унунинг, бирор сизга яхшилик қилса, уни эл орасида ёйинг. Камтар бўлинг, мағрурлик – ақлсизлик белгисидир. Кибр инсонни халокатта чорлайди.

Пайғамбаримиз Мұхаммад саллолоҳу алайхис вассалам раҳбарларга қаратса: "Ҳар биринглар ўз қарамоқларингдаги кишилар учун посбонсизлар, қиёмат

куни жавоб берасизлар" деган эканлар. Агар бир киши 10 та одамга бошлиқ этиб тайинланса, қиёматда у саволжавобга күл-оёги, бояланган холда келаркан. Бошлиқ бўлган пайтида одамларга яхшилик, адолат қилган бўлса, шу адолат унинг кишсанларини ечаркан, агар зулм ўтказган бўлса, зулм уни халок қиласкан.

Шуни билингки, раҳбар масъул шахс, аввало нафс тарбияси мактабини ўтаган бўлиши керак. Токи инсон нафсини жиловлаб ололмас экан, таъма уни мудом ёлғон ва фосиқликка судрайверади. Буни мен ҳаётда кўп кўрдим.

Агар нафс ақл-идрокка бўйсунса, у меъёрда бўлиб, одамда нафс борлигини сезмайсиз. Агар у хакалак отиб кетса, ақл-идрокка бўйсунмаса, у балои нафсга айланади, одам бошига минг хил балои-қазоларни ёғдиради, бошқаларни ҳам ўз домига тортади. Қаноат билан нафс доимо бир-бирларига душман.

Нопок раҳбарнинг қилмишларини назорат органлари билмаслиги мумкин, аммо жамоа билади. Жамоа билган куни у назардан қолади. Дунёда ҳамма нарсага эришиш мумкин. Афсуски, пул ҳам, мол-дунё ҳам, амал ҳам ўткинчи. Улар қандай осон келган бўлса, шундай, гўёки, саробдек йўқолиши мумкин.

Раҳбар хушомад ва тавозелардан ҳам эҳтиёт бўлиши керак. Бундай муносабатдан ҳам қандайдир манфаат ва илинж кўзланган бўлади. Раҳбар хушомад ва тавозега безътибор бўлсагина комилликка қадам кўяди. Баджаҳиллик, тундлик раҳбарга ярашмайди, чунки инсонлар унинг олдига чора излаб келадилар. Баджаҳиллик, тундлик инсонни эл-улусдан ажратиб кўяди. Бундайларни ҳам кўп кўрдим.

Бошлиқ тўғри сўз, бутун ва адолатли бўлиши лозим, токи эл-юрт унга ишониб кўнгил кўйсин. Раҳбар ишда ишончли етук, ўқув-идрокли, доно, одил, адолатли айни пайтида дадил ва журъатли бўлиши керак. Ўз сирини сақлайдиган, лаёқатли кадрлар топа оладиган, яхши ишлайдиганларни тақдирлайдиган, садоқат билан

ишлиайдиганларни қадрига етадиган, маслаҳат билан иш күрадиган, тадбирли раҳбарнинг хокимияти узоқ умрли бўлади. Адолатли иш тутсангиз, буни ҳамма сезади. Агар сизнинг ўринбосарларингиз нотўғри иш қилиб қўйсалар, уларга танбехни ҳаммани олдида эмас, балки алоҳида холда бериш керак. Ҳаммани олдида уларни хижолат қилмаслик керак. Чунки у бундан сўнг ўринбосарлик вазифасини яхши бажара олмайди, унга қийин бўлади.

Мир Алишер Навоий ҳар доим: "Бир соатли адолат олтмиш йиллик ибодатдан афзал" деган эканлар. Ҳақ сўз, адолат учун сай-ҳаракат еткунча курашиш ҳар қандай ориятли инсон бурчи бўлиши керак.

Донолар ҳам: "Одамлар адолатни сезишлари учун уларга адолатсизлик оқибатларини кўрсатиб турмоқ зарур деб айтганлар" деган.

**"Сиз олимсиз, деб менга мурожаат қилдилар онам, илмли одам учун дастурхонни тўриси ёки пойгаги деган тушунча йўқ. Чунки олим ўтирган жой муқаддас, мұтабар ҳисобланади. Олим учун энг муҳими жамоатнинг яқдиллиги, хурфиқрлиги ва юксак маънавиятидир.**

Агар сиз улуғлар босиб ўтган йўллар магзини чақсангиз, улар ҳеч қачон буюклика даво қилмаганликларини, аксинча, ҳамиша одий одамлар орасидан ажралиб қолмасликларига интилганликларини гувоҳи бўласиз. Инсон бир умр илмга интилади. Бироқ илм билан баробар одоб қоидаларини ҳам мукаммал эгалламоқ лозим. Чунки одобсиз илм зийнатланмайди, аксинча, одоб илмнинг юз-кўзи, чеҳраси ҳисобланади.

Илм бир дараҳт бўлса, одоб унинг мевасидир. Одоб улуғлик ва юксаклик касрининг нарвони. Бу нарвон орқали барча максад манзилларига етиш мумкин.

Шунинг учун ҳам донолар: "Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин, деб огоҳлантирганлар."

Онам бизларга ҳалқимиз минг-минг йиллардан буён таомил қилиб келаётган урф-одатларимизни магзини, аҳамиятини тушунтириб беришдан сира эринмасдилар.

Олам-олам афсона-асотирларга, эртагу-чўпчакка, маталу-масалга тўла хазинаю дафиналар онамдан мерос қолган.

"Катта арава қайси йўлдан юрса, кичик арава ҳам шу йўлдан юради", дейди ҳалқимиз. Кимга фарзанд бўлсангиз, кимданки таълим-тарбия олсангиз, албатта ўша кишиларнинг асосий аҳлоқий сифатлари сизга ҳам сингиб қолиши табиий.

Бир куни оиламиизда баҳт тўғрисида сўз юритилиб қолди.

"Шуни билингки, баҳтни ҳар ким ҳар хил тушунади" деди отам.

Баъзилар учун баҳт кетмас давлат, баъзилар учун баланд мартаба, қўша-қўша машиналару - дангиллама уйлар, бирорларга баҳт сайри-саёҳату, ўйин-кулги, тўйтомоша, бошқаларга эса қорин тўйдериш баҳт. Демак, баҳт олам қадар кенг, уммон қадар чуқур, осмон қадар бепоён тушунча.

Шу боис ҳар бир инсон бир умр баҳт излаш азоби билан яшаркан. Менимча, ҳар тунда ётоқка бош қўйиб, ҳар тонгда кўз очишнинг ўзиёқ бир баҳт. Тинчлик, хотиржамлик, мустаҳкам соглиқ - бу баҳт. Баҳт-кўпроқ кимлар билан замондош бўлиб, кимлар билан ҳамкорлик қилишда, кимлар билан ҳамнафас бўлиб, кимлар билан ҳаётда бир сафда қадам ташлашда, ҳуштилаклигинг – баҳт, инсонларга кераклигинг баҳт, олижаноб ишларинг билан эл ичида ўрнақлигинг баҳт".

Мана азиз фарзандларим, табаррук отонамизнинг бизларга қилган насиҳатларини айримлари билан танишдингиз. Биз буларга доимо амал қилиб яшадик, кам бўлмадик. Бу панду-насиҳатларга Сизлар ҳам катта эътибор беринглар. Бу насиҳатлар ҳаммамиз учундир.

Энди мен ҳам умр давомида ҳаётдан олган сабоқларимдан келиб чиқсан хуносаларни бирма-бир тартиб билан Сизларга тақдим қилмоқчиман.

## ҮФИЛ ФАРЗАНД ВА НАБИРАЛАРИМГА АЙТГАНЛАРИМ...

**Азизларим!** Агар ҳаётни· дөнгизга қиёсласак, умр давомида у ўз тўлқинлари аро бизни гоҳ шодлигу-бахтга элтувчи қирғоққа, гоҳ-ғам андуҳга ошно қилиб, бошқа бир қирғоққа олиб чиқиб ташларкан.

Бу онларда бизни ўйга толдирадиган оддий ва мураккаб муаммолар пайдо бўларкан, баъзан улардан қандай қутилишни билмай қоларкансан киши. Мана шундай холатларда Сизга ривояту-ҳадислар, нақллар, апломаларимиз, кексаларимизнинг, ота-оналаримизнинг панду-насиҳатлари жуда-жуда асқотаркан. Шуни билингларки, ривоят ҳам, нақллар ҳам нимагадир асосланади.

Кўпни кўрган кексалар: “Аслида диққат билан назар солсанг, бутун ҳаётимиз савол ва жавоблар, сабаб ва оқибатлар йиғиндисидан иборат. Ҳар бир инсон ёшлигиданоқ ўз қаршисида келадиган саволларга муносиб жавоб топа олиши, хайрли оқибатга эришиш учун эса хайрли сабабларни яратা олиши керак” дейдилар.

Ҳар бир мўмин-мусулмон ўз динини, уламою-фузалоларини, ота-боболарининг урф-одатларини хурмат қилмоғи керак. Агар ҳар бир инсон олим-фузалолар даврасида қанчалар кўп сабоқ олса, назарларидан ўтиб, дуои-фотихаларини олаверса, шунчалар имони бут, эътиқоди мустаҳкам бўлаверади, қалби ҳар қандай губорлардан покланади.

**Азизларим!** Эртага сиз оила бошлиги, ота бўласиз. Бу сизга катта масъулият юклайди. Оила бошлиғи бўлган эркак ўз хонадонида адолат билан иш тутиши лозим. Яъни аёли томонига ўтиб, ота-онани таҳқирлаш ёки сиз ҳақсиз деб ота-онани ёнини олиб, аёлинни жабрламаслиги керак. Ҳудди шунингдек ота ўз фарзандлари ўртасида ҳам адолатли бўлиши, уларни иттифоқ яшаши кафолатидир.

Пайгамбаримиз: "Сизларнинг яхшиларингиз ўз ахли аёлларига яхшилик қилганларингиздир" деганлар. Шу боис ҳар бир эркак оиласда ўз аёлига доим ёрдам кўлини чўzmоги керак. Оиласда бу эркакнинг, бу аёлнинг иши дейишлиқ, нотўғридир. Донолар: "Кимнинг хотини дўст, меҳрибон ва уйи саранжом-саришта бўлса, у киши ҳақиқий баҳтиёрdir. Агар хотининг иффатли, номусли, очиқ юзли ва шириңсўзли бўлса, у ҳоҳ гўзал, ҳоҳ хунук бўлсин, барибир уни сев, ҳурмат қил. Эр ва хотин ҳамжихат ва ҳамфир бўлсалар, уларнинг кўзлаган ҳамма мурод ва мақсадлари ҳосил бўлади", дейдилар.

Шу ўринда шоира Оидин Хожиева ҳам эркакларга қарата:

Шохи кўйлак олиб берма,  
Сен аёлга гулимсан дегил.  
Афсонавий қаср курма,  
Сен аёлга дилимсан дегил,  
дейди.

Ҳалқимиз севган маънавият тарғиботчиси Турсуной Содикованинг қўйидаги сўзларига бир эътибор беринг-а: "Ўглоним, умрингизни охиригача Сиздан асло нари кетмай, фақат сизнинг парвонангиз бўлиб яшайдиган аёлингиздир. Аёлсиз ҳаёт – дўзах, уй-уй эмасдир.

Сиз минг бой бўлинг, минг олиму машҳур бўлинг, аёлингиз бўлмаса ғарибдирсиз.

Эркак зотини Аллоҳ мард яратган, аммо мўрт яратган. Шу мўртлигингиз боис сизга бизнинг тоифани қўшиб яратган. Аёл сизни синишдан асрайди. Аёл ўз файзи билан рўзгорнинг ҳамма жабҳасини нурлантириб турсагина, эрлар мард бўладилар. Аввало жуфт танланганда ақлу закоси, наслу насабига эътибор бермоқ зарур. Күш уясида кўрганини қилади. Қолаверса, келиннинг ёшлиқ ва тажрибасизлик қилиб йўл кўядиган хатоларини тузатишнинг бир чеккаси ҳам эркакнинг зиммасига тушади. Рўзгорнинг биринчи кунидан бошлаб, сабру тоқат билан, гоҳ хазил, гоҳ хазинлик

билан аёлингизда сезилган қусурларни йўқотмоққа тутиниш керак. Дунёда қанча одам бўлса, феъли ҳам турфа хилдир. Ҳар қандай жуфт бир-бирига машаққат билан мослашади. Айримлари буни вазминлик билан ўтказадилар. Ўзини бошқара билмаганлар уйлари уй бўлгунча бир неча бор ўт чиқариб, атрофдагиларни ўзларига қаратадилар. Бир рўзгорнинг йўлга тушиши учун у ёў-бу ёғи ўн йил керак. Шу муддатни тамизли ўтказган эр аёлнинг эртаси порлоқдир".

Оила бошлиги – ота оиласда шундай муҳити яратсинки, ахли аёли, фарзандлари ундан қўриқсанидан эмас, балки ҳурмат қилганидан, қадрлаганидан, муҳаббати оила аъзоларига зиёда бўлганлигидан уни орзиқиб кутадиган бўлишсин.

Эркак кишида орият бўлиши керак. Уйдаги бор-йўқлик, мусулмон одамнинг сири ҳисобланади. Эркак киши уйдаги ишни кўча-кўйда достон қилиб юрмайди. Уйда тош тишлаб ўтиrsa ҳам, кўчада ош егандай юради.

Донолар миллӣ одатларимизга кўра, эркак-рўзгор ҳаражатларини бўйнига олиши, аёл эса рўзгорнинг ички ташвишлари, бола тарбияси, пишириш, ювив тарашиб билан шугулланишлари лозимлигини, шунда оиласда барқарорлик мезони йўқолмаслигини эслатганлар.

Афсус, ҳозирда баъзи эрлар оиласдаги масъулиятини унутаётгани боис, уйда "ўтириб" қолаяптилар. Аёллар эса, аксинча, пул топиш йўлида кўчага чиқаяпти, ундан нарироқка ҳам боришаютпи. Бундай оиласлардаги муҳит болалар тарбиясига ёмон таъсир кўрсатади. Чунки оиласни пул билан таъминлаётган аёл аста-секин эрини писанд қилмай қўяди, эру-хотин муносабатлари бузилади, фарзандлар олдида отани обрўси кетади, таъсири йўқолади. Бу хол болалар ўртасида айрим ҳолларда аҳлоқий мезонларни ҳам бузилишига олиб келади.

Иффатини сақламаётган оналар, боласини ташлаб кетаётган аёллар, бузилаётган оиласлар, кўпаяётгани ҳам балки шундандир. Сиз азизларим бу масалаларга катта

эътибор беринглар ва тегишли хулосалар чиқаринглар. Бу борада “Сен болангга насиҳат ва танбехлар берма, балки ўрнақ бўл” деган наклга амал қилинглар!

Шу ерда, ўқиган бир ибратли сўзлар эсимга тушиб қолди. Унда айтилишича, “Йигит киши қачон уйланиши мумкин” деган саволга “Хотини ва давлати ҳақида бирорвга гапирмасликка ақли етганида” деб жавоб берилган экан.

Кўрдингизми, ота-боболаримиздан қолган кичкина ибратли сўзда ҳам қанчалар чуқур маъно бор. Бундай ибратли сўзлар, ҳар бир йигит-қизга сабоқ бўлиши, оила деган муқаддас даргоҳга қадам кўяётганида дастуруламал бўлиб хизмат қилиши керак.

**Азизларим!** Агар сиз ўғлингизни уйлантирмоқчи ёки қизингизни куёвга бермоқчи бўлсангиз қуидагиларни ёдингизда туting:

- қурилаётган оила пойдевори мустаҳкам бўлиши учун келин ва куёв бўлмишлар соглом бўлишлари керак;
- турмуш қуришдан аввал ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш шарт. Ҳаётда бунга эътибор бермаслик туфайли янги, ёш оиласларни барбод бўлаётганини кўраяпмиз;
- аёллар учун фарзанд кўришнинг энг кулаг даври 20-30 ёш оралиғи ҳисобланди. Эрта турмушга узатиш (15-16 ёш) тугиш жараённида она ва боланинг соғлигига путур етказиши мумкин;
- фарзандлар түғилиши оралиғи камида 3-йил бўлиши керак. Бу она соғлиги учун мухим аҳамиятга эга;
- аксарият ҳолларда яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳдан ақлан заиф, жисмонан майиб-мажруҳ болалар тугилади, бунга эътибор беринглар!
- оиласнинг кундалик овқатида гўшт, балиқ, сут ва сут махсулотлари, мева ва сабзавотлар бўлиши лозим;
- сурункали спиртли ичимликлар ичиш, тамаки чекиш, гиёҳванд моддалар қабул қилиш нафақат ўзингизга, балки зурриёдингиз соғлигига ҳам салбий таъсир қилиши мумкин.

Абу Али Ибн Сино: "Соғлом фарзандни дунёга келтириш учун эркак онанинг соглигига эътибор бериши керак. Ҳамма вақт унинг истаган нарсасини имкон даражасида муҳайё қилиши лозим. Бунда иккита манфаат бор: бири зурриёднинг руҳи учун бўлиб, у ёшлиқдан яхши ҳулқи бўлиб ўсади. Иккинчиси – унинг бадани учундир, чунки ёмон ҳулқ мижоз бузилишидан кечади" дейди.

Она соглом бўлса, соглом авлод, соглом жамият вужудга келади. Лекин бу ерда онанинг нафакат жисмонан соглиги, балки маънавий соглигини ҳам назарга олиш керак яъни, она ўз **вақтини**, кучини фарзандига тўғри таълим-тарбия беришга сарфласагина келажақда соглом жамият вужудга келиши мумкин.

Аёлни тўқиз ой кўкраги остида кўтариб юрган фарзанди мажруҳ ва ҷалажон туғилса, бу не-не умидлар билан кўзи ёриган аёл учун катта фожия эмасми?

Фақат аёл авайлансагина баркамол авлод дунёга келади. Буни сиз азиз фарзандларим ўз фаолиятларингда ёдда тутинглар!

Ўз аёлини хурмат қилиш тўғрисида ҳам шоирлар эркакларга қўйидаги шеърий мисраларни тақдим этганлар.

Оху каби кезганда ҳам гўзаллар,  
Қошу-кўзин сузганда ҳам гўзаллар.  
Ўз йўлига согланда ҳам гўзаллар,  
Уйдаги ёр, фариштангни унутма!

Молу давлат қўша-қўша келса ҳам,  
Юрган йўлинг сулувларга тўлса ҳам.  
Кўзинг тойиб, имонинг суст бўлса ҳам,  
Уйдаги ёр, фариштангни йиғлатма!

Бошинг ёстиқ, тошга етар кун келар,  
Кўзинг бир кун ёшга тўлар кун келар.  
Бир пиёла сув берса шул ёр берар,  
Уйдаги ёр, фариштангни унутма!

Азизларим! Үғил бола ака ва укаларидан ташқари, опа ва сингилларига ҳам меҳрибон бўлиб, улардан ботбот хабар олиб туриши лозим. Ҳадисларда “Опа ёки сингилни излаб чиқсан ака ёки ука то манзилга еткунча жаннат боғларида юргандек бўлади”, дейилади.

Аллоҳ таоло: “Кимки қон-қариндошлик муносабатларини мустаҳкамласа, мен уни раҳматимга муяссар қилгайдурман ва кимки қон – қариндошлик муносабатларини узсалар, мен ундан раҳматимни дариг тутгайдурман”, дер экан. Парвардигори олам қон-қариндошлик ҳақида шундай десада, биз бандалар арзимаган нарсалар туфайли бир-биримиздан аразлашиб юрсак, ойлаб, йиллаб улардан хабар олмай суҳбатлашмай юрсак, бу инсофданми? Ахир улар жигарку, бир қориндан тушишганку. Бир доно айтган экан: “Эсингизда бўлсин агар хотиним ўлса, бошқа хотин оламан, фарзандларим ўлса, хотин олсам фарзанд кўраман, лекин ота-онам келиб менга на ака, на ука, на опа ва на сингил тугиб бероолмайди”.

Қаранг, Амир Темурдек бобомиз Самарқандда яшаган опаларини кўп сафарларда юришига қарамай, ой-сайнй йўқлаган. Имкони топилди дегунча совға-саломлар билан зиёрат қилишни канда қилмаган.

Бобур Мирзочи! Эгачилари Хонзода бегимни йилнинг қайси фасли бўлиши-ю, ёгин-сочиндан қатъий назар, ҳар ойда бир бор зиёрат қилишни тарк қилмаган.

Ҳаётда ота-онадан кейин ака-ука, опа-сингилларни ўзаро бирлаштириш, фарзандлик юмушларини бажариш ишларига ўғилдир, қиздир-болалардан биттаси бошқошлиқ қиласди. Бу кўпроқ тўнгич фарзанд зиммасига тушади.

Ота-онадан кейин бош бўлиб қолган фарзандга осон бўлмайди. У аввало ўз манфаатини охирги ўринга қўйишга мажбур бўлади. У адолатли, энг назари тўқ, сахий, жонсарак бўлиши керак.

Бош бўлган фарзанд зиммасига олаётган бу оғир юкка асло оғринмасин, чунки уни қилаётган амалларидан

аввало Аллоҳ рози бўлади, унга куч-кувват ато этади. Бу эса унга пайдар-пай яхшиликлар келтиради.

Агар фарзандларнинг иноклиги таъминланса, у холда ота-она рухлари шод бўлади, шу оила шаъни доимо оқланади.

Инсоннинг инсон бўлиб етишувчи унинг юрагини қандай туйғулар банд этганига қараб белгиланади. Хурмат, шафқат хис-туйғулари муборак саналиб, ҳаётда кишига жуда кўп яхшиликларни баҳшида этади. Бизнинг яшащдан муродимиз, ҳаётдан максадимиз ҳам шу-да!

Фарзандни азалдан давлат, деб аташган. Агар бирор кимса вақти соати билан ҳаётдан кўз юмса, ундан қолган мол-мulkни эмас, зурриёдни суриштиришади. Оила фарзанд учун дастлабки мактаб, Катталарнинг ўзаро муносабати, ҳурмати, меҳрибонлиги кичкинтой учун ибтидоий даврни ўтайди. Кўпгина ёш ота-оналар фарзандларини ҳаддан ташқари эркалатиб юборадилар. Айтганларини ўз вақтида муҳайё қиласидилар. Натижада бола худбин, ўзидан бошқага бош эгмайдиган бўлиб ўсади. Уйга меҳмон келса, ҳаммадан олдин тўрга ўтиради.

Тўпалончи, қайсар, дангаса болаларни айбини бўйнига қўйиб, вақтида ётиғи билан танбех бериш керак.

Болаларни ёмон сўзлар билан ҳақоратлаш, уларга шу сўзларни ўргатиш демақдир. Ота-оналар муаллимлар билан бевосита муносабатда бўлиб, боланинг ўқиш, юриш-туришидан хабардор бўлмоқлари керак. Бола балоғат ёшига етаётганида жуда хушёр бўлиш керак.

Ота-оналаримиз бизга: "Ҳар бир хўл мева пишиғидан то тугагунга қадар болалар ундан камида уч марта тўйиб тановвул қилиши ҳам фарз, ҳам қарздир. Бу фикрда хикмат кўп. Имкон даражасида оиласида бу ишни амалга ошириш керак" дердилар.

Ўғилларим! Қўйидаги З-нарсага ҳам доимо зътиборни қаратинглар: "Биринчидан, доимо ён атрофинглардаги кишиларга кайишувчан бўлинглар, бирини суясанглар, бошқаси албатта кўллайди. Иккинчидан, ҳаётингизда

доимо хамроҳ, қўша-қўша фарзандлар ато этувчи умр йўлдошингизни қадрига етишга ўрганинглар. Яна бир маслаҳатим, бир ишни бошладингларми, албатта уни нихоясига етказинглар. Шу айтганларим доимо қулогингларда бўлсин.

Сизларни эътиборингизни яна икки муҳим нарсага қаратмоқчиман. Биринчиси қўшни масаласи. У яшаш жойи жиҳатдан сизларга энг яқин киши. Сизлар ўз қўшнингиз билан бошқа одамларга нисбатан энг кўп мўомалада бўласизлар, кўп сухбатлашасизлар. Шу боис қўшни, қариндошлардан кейин сизлар учун энг яқин кишилардан ҳисобланади. Демак, сизлар уларни ўз акуангиздек, опа-синглингиздек яхши кўришингиз, иззат ва ҳурматларини адо қилишингиз, сўзлашганда лутфкаромат кўрсатишингиз, учрашганда очик юзли бўлишингиз, ўз меҳру-муҳаббатингизни ошкор қилишингиз керак.

Сиз қўшнингизнинг қувончли ва қувончсиз кунларида ҳам унга яқин хамроҳ бўлишингиз керак. Иккинчиси дўстлик масаласи. Бу масала бўйича мен юқорида отонамнинг фикрларини билдириб ўтдим.

Дўстлик ҳаётимизни бой, қувончли ва баҳтиёр қилади, турмушимизни безайди. Чинақкам дўстга эга бўлиш - инсон учун катта баҳт. Амалингиз, пулингиз учун дўст тутунгандарни Ўзбекистон ҳалқ шоири Муҳаммад Юсуф улфатлар деб атаган.

Инсон ўзининг ҳақиқий дўсти учун ҳар қандай фидойиликка тайёр турмоги лозим. Дўстликни кудрати инсон учун оғир онларда уни маънан ёки моддий қўллаб қувватлашда якъол кўзга ташланади.

Дўст бўлиш осон. Уни сақлаш қийин экан. Маълумки, ҳар бир инсонни ҳаёти бир текис кетмайди, унда ташвишли ва қувончли онлари бўлади. Ҳаёtingиз давомида яқин дўстим, жўрам деб, уларни исмларини юрагингиз тўрисида ушлаб, уларга қўлингиздан келганича эзгуликлар улашиб юрган дўстларингизни айримлари сиз учун оғир бўлган лаҳзаларда вафосизлик

қилишлари мумкин экан. Ўша лаҳзалардан сўнг сиз уларни дўст эмас, улфатлар қаторига кўшинг. Шундай бўлсада, кейинчалик сиз уларга қўлингиздан келган ёрдамингизни аямай, аввалгидақа муомала қилиб юраверинг (майли, яхшилик яхшида).

Инсон дўстликка ва дўст топишга алоҳида аҳамият бериши керак экан. Ҳаммани ҳам дўст деб билиш нотўғри экан. Кишининг дўстлиги бир марта синаларкан.

**Азизларим!** Маҳалланинг хизматига эринманлар, маросимларда хизмат қилиб туринглар. Қариндошга, мискинларга, маҳалладошларга хайр-эхсон қилиш билан ҳақларини адо этинглар ва исрофгарчиликка мутлақо йўл кўйманглар.

Пайгамбаримиз: "Сени икки нарса –фаҳрланиш ва исроф хатога бошлайди. Шундан эҳтиёт бўл" деганлар. Китобларимизда тирикларнинг марҳумлар ҳаққига қилган хайр-эхсонлари ҳам риёдан, исрофдан холи бўлсагина, савоб олади, дейилган.

Баъзи худойиларда дастурхоннинг "тўкликка шўхлик" қабилида зиёфатбозликпардан фарқ қилмаслиги кишини ажаблантиради. Исрофда яхшилик йўқ, "Исроф сахийлик эмас, тежаш баҳиллик эмас" деган хикматга риоя этмасак, ношукурлик қилган бўламиз. Шуни унутманглар.

Луқмони ҳаким фарзандига: "Қариндош уруғларингдан, қўшнингдан алоқани узма, одамларни гийбат қилма, ўтиришларда ўз жойингни билиб ўтири, ўзингдан улуғлар, олдига тушиб юрма, бошингни кўйи осилтириб ўтирма, ўнгу-чапга қарайверма, маст ва девона одамлар билан ҳамсуҳбат бўлма, бекорчи одамлар билан кўчада ўтирма" деганлар.

Ўзгаларнинг обрўсига ва мансабига ишониб, нима деса ишонавермаслик, айтган сўзи ва таклифини чукур мулоҳаза қилиб, сўнг ҳукм чиқармоқча ўрганиш керак. Бу ҳақда шундай ҳикоят мавжудки, уни билиб қўйишингиз фойдадан холи эмас.

Бир куни ҳайвонлар подшоси шер очликдан касал бўлиб ётиб қолибди. Барча жониворлар навбатмавабат хол сўраш учун унинг олдига борадилар. Фақат, айёр тулкигина бормайди.. Шер унга: "Эй тулки, барча жониворлар мени кўргани келишди. Фақат сенгина келмадинг. Мурувват йўлидан узоклашма! Тезда олдимга етиб кел! Сени кўрсам, ғоятда мамнун бўламан!" – деган мазмунда хат юборибди.

Айёр тулки унга қуйидаги мазмундаги жавоб йўллабди: "Подшомизга тезда шифо ато бўлсин. Мен подшоҳимизни зиёрат қилиш шарафига мұяссар бўлаолмаганининг боиси шуки, шу вақтгача Сизнинг олдингизга жониворлардан кимки кетган бўлса, қайтиб келмади".

Одамлар орасида юрсангиз, эзгу ишингиз ёки чиройли феълингиз звазига албатта яхши гап эшитасиз, дуо оласиз. Дилингиз осмон қадар кутарилади. Мабодо бир хунук иш қилсангиз ёки феълингиз чатоқ бўлса, ёмон гап эшитасиз. Кўнглингиз хира тортади, дунё кўзингизга қоронгудек кўринади. Бундан ҳам ёмони қарғишига қолишдан ўзи асрасин.

Фарзандларим! "Ҳалол меҳнатингиз билан, пешона тери билан топган маблаг звазига бола-чака боқсангиз, уларга ҳаром луқма едирмасангиз билингки, сиз ҳалол одамсиз, тўлақонли мусулмонсиз" дейди донолар.

Ота-она ҳурмати тўғрисида Сизлар кўп эшитгансизлар. Уларга кексалик чогида меҳру-мурувват нечоғлик зарур. Бир оғиз йўқлов, бир оғиз ширин сўз, майин табассум кексалар учун мисоли ҳаво сув, мисоли жон малҳами.

Кўпни кўрган кексалар: "Ота-онангни гапини икки қилма, икки дунёйинг қуйиб кетади" деб фарзандларини диёнатга, имону-эътиқодга, ҳулқу-одобга чақирганлар. Ота-онанинг юзига қараб ўтиришнинг ўзи катта бир ибодат.

Ҳаётда ота-онадан ризо бўлмоқдан, ота-онангни розилигига мұяссар бўлмоқдан улуғроқ савоб йўқдир.

Ушбу киссага қулоқ беринг-а.

Қадим замонда бир нобакор йигит қартайиб, куч-куватдан қолган отасини “ортиқча нонхўр” деб қопга солибдида, чўлу биёбон сари йўл олибди. Юриб-юриб ҳолдан тойгач, бир тепалик ёнига бориб, дам олиш учун тўхтаган экан, қоп ичидаги ўтирган отаси “хиринг-хиринг”лаб кула бошлабди.

Эй, бу қандай гап бўлди, менку отамни чўлу биёбонга ташлаб келишни ихтиёр этган эдим, бундан отам хафа бўлиши ўрнига кулишининг боиси нима экан, деб отасидан кулгунинг сабабини сўрабди.

Эй болам, - дебди чол, - мен ҳам сендей пайтимда отамни қопга солиб, чўлга обориб ташлаш учун елкамда кўтариб худди шу ерга келганимда чарчаб дам олган эдим, қайтар дунё эканда”.

Отасининг бу жавоби йигитни ўйлантириб қўйибди, “Бир куни қариб, ишга яроқсиз бўлиб қолганимда менинг болам ҳам шу савдони бошимга солмасин деб отасини уйига қайтариб олиб келибди ва фарзандлик бурчини ўтай бошлабди.

Киссадан ҳисса шуки, ҳозирги кунда ҳам, айнан шундай воқеалар бўлмасада, шунга ўхшашлари учраб турибди. Баъзи ноқобил фарзандлар ота-онаси кексайиб қолган чоғларида қаровсиз қолдирмоқдалар ёки ўз қўллари билан уларни кексалар уйига элтиб қўймоқдалар.

Наҳотки одамларимиз меҳр-оқибат, диёнат, инсоф, имонни тарқ этиб, шу йўлга қадам қўйишга етаётган бўлсалар.

Донолар: “Ота-онани қандай улуғ неъмат эканлигини она-онасидан жудо бўлганилар билан суҳбатлашганларингизда билиб оласизлар” деганлар.

Ота фарзандидан кўп нарса талаб қилмайди, фарзандини доимо соғ-саломат кўргиси келади. Бу борада Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Абдулла Орипов шундай дейди:

Үғлим сұрамасман сендан мол-дунё,  
Уй жой қуриб берма, майли аломат.  
Майли, күзларимга бўлмагин зиё,  
Ёнимда юрсанг бас соғу-саломат.

Майли кўтартмагил мени елкангда,  
Қалқон ҳам бўлмагин ёғса маломат.  
Бир куни ёстиққа бошим текканда,  
Тепамда турсанг бас соғу-саломат.

Ушбу хикматлар ҳам ақлимиз, ҳам қалбимизга таъсир этиб, ишимиз ва турмушимизни, феъл атворимиз ва одобимизни, одиллик, меҳр-шафқат, ҳақгўйлик, ҳалоллик каби фазилатларимизни адашиб ёки билиб туриб йўл қўйган камчиликларимизни тиниқ қўзгуда кўрсатгандай намоён этадилар ва юксак инсоний мезонлар билан яашага ундаидилар, деб ўйлайман.

**Азизларим!** Энди шоирларнинг қуйидаги мисраларига эътиборлрингни қаратмоқчиман. Уларни дикқат билан ўқиб мағзини чақиб оларсиз деган умиддаман: **Шоирлардан бири:**

Ҳаётинг айланса дўзахга бир кун,  
Яқининг айланса узоққа бир кун.  
Дўстларинг айланса тузоққа бир кун,  
Билгингки, бораринг ота-онангдир.

Дардларинг сен билан ютгучи ҳам у,  
Кетсанг гар сафарга кутгувчи ҳам у.  
Ииқилсанг кўлингдан тутгувчи ҳам у,  
Билгингки, қадрдон ота-онангдир.

Бошларинг текканда тақдир тошига,  
Кўзларинг тўлганда алам ёшига.  
Борарсан зор йиғлаб онанг қошига,  
Билгингки, азизинг ота-онангдир.

Дардингни ҳеч кимлар асло тингламас,  
Онангдек ҳеч кимса қалбинг айламас.

Сен учун дунёда ҳеч ким йигламас,  
Билгинки, йиғлаган ота-онангдир.

Қувонсанг қувониб бағрига босган,  
Күзлардан асрабон туморлар осган.  
Шодлигинг кўрганда қувониб, тошган,  
Билгингки, азизинг ота-онангдир.

Фарзандларингга дунёда нелар қилмадинг,  
Отанг кутганини асло сезмадинг.  
Яхши сўзлаб онанг чун бир бор кулмадинг,  
Билгингки, азизинг ота-онангдир.

деган бўлса,

**Иккинчиси:**

Ёшлик ортда қолди, тургин оёққа,  
Азму шијоатни унутма болам.  
Насиҳат ёқмайди, энди қулоққа,  
Ақлу фаросатни унутма болам.

Бу дунё аслида алдамчи бозор,  
Унда лўттибозу, нокаслар бисёр.  
Сен мардлар қошида мард бўлгин бисёр,  
Хайру саҳоватни унутма, болам.

Балки дастурхонинг доим мўл бўлмас,  
Омад ҳам ҳамиша чараклаб кулмас.  
Ким айтар суюнган падаринг ўлмас,  
Сабру қаноатни унутма болам.

Оғам деб кимлардир силар бошингни,  
Укам деб еб кетар бирор ошингни.  
Минг бир тарозуга солар тошингни,  
Макру адоваратни унутма, болам.  
Турфа синовларга дуч келган инсон,  
Гоҳида шодондир, гоҳида нолон.  
Чорасиз қолсанг ҳам лек, ҳеч қачон,  
Ақлу адолатни унутма болам.

деган эканлар

Меҳрибон ўғилларим! Фарзандларингиз тарбиясида ҳикоялар, эртақлар, ривоятлар айтиб, ўз олдингизга қўйган максадингизни тушунтирангиз, улар сиз айтган ўғитларни осон илгайдилар ва уларга осон амал қиласдилар. Масалан, қуидаги ҳикоятга бир эътибор беринг-а.

Ёз кунларининг бирида боғда отасига кўмаклашаётган бола отасидан сўрабди: "Нима учун мана бу дарахт қийшигу, буниси тўғри ўсаяпти?"

Ота жавоб берибди: "Ўғлим, олдинги дарахтни қийшиқ ўсан жойларини қирқиб, парвариш қилиб турилган, шунинг учун у тўғри ўсан, иккинчиси эса ўз холича ўсан, парвариш қилинмаган, шу боис у қийшиқ ўсан".

Демак, дебди бола дарахтларни доим парвариш қилиб туриш керак эканда. Отаси: "Ха ўғлим, сен ҳам худди ёш ниҳолга ўхшайсан. Сенинг қилган хатоларингни тузатиб турсам, яхши нарсаларни ўргатсам, сен эса менинг сўзларимдан чиқмасанг, яхши одам бўлиб вояга етасан. Агар аксинча, менинг пандусиҳатларимни қулогингга олмасанг, худди шу қийшиқ дарахтга ўхшаб эгри ўсиб вояга етасан" деган экан. Фарзанд бундан қаттиқ таъсирланган экан.

Ҳаётнинг аччиқ чучигини кўрган, унинг синовларига бардош берган кекса авлодчалик болалар тарбиясига катта масъулият билан қарайдиган инсонлар бўлмаса керак. Улар ўзлари билганларини сидқидилдан фарзандларига ўргатадилар, донишмандлик билан ёмон хатолардан асрашга ҳаракат қиласдилар. Улар инсоният абадий занжиррида ўтмишда зришилган сара маънавий қадриятларни келажак авлодга етказувчи бебаҳо ҳалқадирлар. Бобо ва момолар оиласда тарбияни мукаммал йўлга кўйишда, чинақкам ҳалқчил тизимни яратишда жонкуярлик қиласдилар. Ёшларга таъсир этишининг самарали йўлларини топадилар.

Ҳалқ донолиги, минг йиллик тажрибалар, миллый анъаналар қарияларимиз онгида турмуш тарзида

жамлангандир. Шу боис бўлса керак, ҳалқимиз: "Қари билганини пари билмайди" деб, уларни "хонадонимиз фариштаси, хайру-баракаси", деб аташади.

Шу боис, Сизлар ўзларингиздан катта, ҳаёт тажрибалари бой бўлган кексаларимизнинг пандусиҳатларига қулоқ тутинглар ва уларга амал қилишга одатланинглар.

Билингларки сабр-қаноат инсонлар учун буюк бир фазилат. Сабр – мўмин-мусулмон кишининг руҳий таянчи ва хидоятга бошловчи омилдир. Сабр-осудалик, хотиржамлик туйғуси бўлиб, киши нафсини ҳар қандай таъмалардан эҳтиёт қилувчи жараёндир. Қаноат йўли – иззат йўли: Қаноатли киши сабрли, чидамли бўлиши билан бирга ҳасад, хирс, ҳорлик каби иллатлардан узоқда бўлади. Ҳалқимизнинг "Сабр таги- сариқ олтин" дегани бекиз эмас. Сабр инсонни инсонийлик қадрини сақлаш билан бирга кувват багишлайди.

Сабр, қаноатли киши ҳаётнинг аччиқ-чучугига бардош беради. Садоқат билан оила тутади. Сабрли кишида инсоф-диёнат мавжуд бўлади. У ўз кучи билан кун кечиради. Ҳалол меҳнат қилиб, ҳеч кимдан бирор нарса таъма қилмайди. Бойликларга учмайди. Ҳаётда учрайдиган барча қийинчиликларга бардош беради. Турли-туман сўзларга, қайғу-аламларга сабр-қаноат билан чидайди. Савоб ишларни кўп қиласди. Савоб кетидан кувганинг дили равшан, юзи ёруғ бўлади. Бекорга: "Одоб билан тирикдир одам, одамсиз на даркор олам" дейишмайди-ку.

Бобо-момоларимиз, биз (мен ва онангиз, амакингиз), сабр-тоқат билан камтарона яшадик. Шу боис, эл-юрт олдида юзимиз ёруғ, сизларнинг камолингизни кўраяпмиз.

Инсоннинг бошидан қандай воқеа ва ходисалар кечмайди, дейсиз. Сабр-тоқатли инсонлар шахсий, оиласвий сирларни керак бўлса бир умрга пинҳона сақлайди. Чунки сирни ошқора бўлиши обрў - эътиборни йўқолишига олиб келади. Сабр-тоқатли киши адолатли

бўлади. У бошқаларнинг камчилигидан кулмайди, аксинча унга иложи бўлса яқиндан ёрдам беради. Сабр – тоқат қанчалик оғир бўлмасин, кейинроқ шодлик келтиради. Шу боис сабр билан зафар бир – бирига қадимдан дўст бўлиб келган.

Ҳар нарсанинг ибтидоси ҳам, интихоси ҳам бор. Кодир табибининг ҳеч ўзгармас қонуни – туғилмоқ ва бир куни ўтмоқ ҳам бор. Ажал ҳеч кимни – шоҳни ҳам, гадони ҳам, эркагу – аёлни ҳам, гўдагу – кексани ҳам аямайди, вақти қазоси етганда ҳамма ҳам бандаликни бажо келтиради, ундан ҳеч ким қутила олмайди. Бу тақдири азалнинг ҳукми. Тақдирнинг тақозасига сабр қилиб, марҳум қабристонга дағн этилади. Расм – удумимиз шундай.

Ота – боболаримиз инсон вафот этгандан сунг, унинг руҳларини ёд айлаб, қабрларини тавооф айлаб эслаганлар. Мозорга гуллар экилган, қабрлар атрофи тоза, покиза тутилган. Ёшларни қабристонларга олиб бориб, у ерни зиёрат қилиб туриш кераклигини уқтирганлар.

Донолар: «Ғам – андуҳ қийнаганда дарё бўйига, баҳтинг тошиб, завқинг ошиб кетса қабристонга бор» деб насиҳат қилганлар. Чунки ғамгин одам дарё буйига борса, соғ ҳаво, сув тафти ва жилваси билан дилидаги андуҳ ёзилади. Бойлиги ошиб кетиб, босар – тусарини билмай қолган бандаси қабристонга борса, ховридан тушади, манманликдан қайтади.

Дунё ўткинчи. Дўппини бир бор айлантиргунча неча йиллар ўтиб кетади. Ўзлигини англаб етган, қалбига қулоқ соглан ҳар бир инсон марҳумларни хотирлаб, қабрларини тавооф этиб турса, мен бу фоний дунёда нима иш қилдим, яна қандай ишлар қилишга курбим ва вақтим етади, деган саволни берса, унинг қалби тозаланади, ёмон йуллардан, фикрлардан қайтади, инсофга келади, шу билан бирга одамийликнинг гўзал фазилатини бажарган бўлади.

Шу боис, қабристонни зиёрат қилиб туриш керак. У сизга охиратни эслатади, кўпроқ инсонларга яхшилик

қилишга, савобли ишларни амалга оширишга ундаиди, инсонларни имонга чакиради.

Табиатнинг буюк неъматларидан бири – нондир. Нон азиз ва мўътабар. У ҳаётимизнинг нафақат мазмуни, балки безаги ва кўркидир. Дастурхон солиндими, албатта биринчи навбатда нон қўйилади, уйга келган меҳмонни нонсиз кузатилмайди. Ўғил йигит бўлиб ҳарбий хизматга кетар экан, оналар нон тишлатиб, уни уйининг энг тўрисига илганлар. Момоларимиз гўдаклар чўчиб уйғонмасин дея, уларнинг бош тарафларига нон қўйиб қўядилар.

Дарҳақиқат нон – бу узоқ умр, тўқлик ва баҳт, инсонлар ризқи, фароғати, Ватан мұхаббати ва тинчлик рамзиdir. Ҳалқимизда «Нон – имондан азиз», «Нонга ҳурмат – элга ҳурмат», «Нон мўллиги – эл тўқлиги» деган нақллар нонни муқаддаслигидан далолат беради.

Ота – оналаримиз, бобо – момоларимиз ҳар куни эрталаб дастурхонда нонни қўрганларида унинг улуғлиги ва азизлиги шарафига тавоғ айлаб, шукроналар айтадилар.

Нон – олий неъмат. Дунёда энг лаззатли нон одам боласининг ўз касби ва қўл кучи билан топган, пешона терини тўкиб қўлга киритган нони бўлади.

Доно ҳалқимиз нонни улуғлаб, уни дастурхонга тескари қўймайди, унинг устига бошқа нарсаларни ҳам қўймайдилар. Нон устидан хатлаб ўтилмайди. Мабодо нон қўлдан ерга тушиб кетса, дарҳол уни олиб, уч марта ўпид, пешоналарига сурадилар, нон ушоғини дастурхон устида кўрсалар, бармоғини хўллаб, ушоғига босиб олиб, еб қўядилар. Шулар орқали нонни эъзозлаш, ҳор ва исроф этмасликка бошқаларни ундаидилар.

Донолар айтади: “Кимки дастурхонга тўкилган бир лукмани ёки нон ушоғини олиб esa, “ақлдан озиш” касаллигига чалинмайди, авлодларидан аҳмоқ чиқмайди, бадани турли касалликлардан сакланади, ўзи асло қашшоқликка гирифткор бўлмайди”. Бу жуда ҳам тўғри гап.

Шу боис, барчаларингиз нонни эъзозланглар, исроф қилманглар.

Ҳар доим ваъдага вафо қилишга интилинглар. Бу борада тартиб-интизомли бўлиб, ваъдалашган жойга ҳеч ҳам кечикиб борманглар. Агар бир-икки бор кечикиб борсангиз, инсонларда сизга нисбатан нотўғри фикрлар пайдо бўлади. Сўзида турмайдиган инсонни ҳалқимиз “бебурд” деб аташади ва у инсон одамлар орасида беобрў ва қадрсиз бўлиб қолади.

Қўлидан келмаган ишга ваъда бераб, бирорни ишонтириш, менимча энг ёмон одат. Мен ҳаётим давомида бундай ишга ҳеч кўл урмаганман. Сиз ҳам, азиз фарзандларим, қуруқ ваъда билан бирорни илҳақ қилманг. Ҳар бир одамда ҳам, унинг ўзи сезмаган камчиликлари кўп бўлади. Агар бирон камчилигингиз тўғрисида сизга айтсалар, фаросатингиз билан унинг тўғри ёки нотўғрилигини фарқлаб, уни йўқотишга жазм қилинг. Билингки, ҳақиқат тиконли гулга ўхшайди, хидлашни билмаганларнинг бурнига санчилади. Бор камчилигига икрор бўлмаган инсон ўз касаллигини табибдан яширган бемор кишига ўхшайди.

Содда ва табиий холда умр кечириш ҳаётнинг энг гўзал ва тўғри йўлидир. Бу йўл инсонни самимий, ҳақиқатгўй, номусли ва матонатли бўлишга олиб боради. Шуни унуманглар. Ўгитларимни қуйидаги шеърий мисралар билан тугатаман.

Сенга сўзладим, мен сўзим, эй ўғил,  
Сенга ўгит бердим ўзим, эй ўғил.  
Кумуш қолса мерос бўлиб гар сенга,  
Уни тутмагин сен бу сўзга teng-a!  
Кумуш ишга тушса олқинар, тугар,  
Сўзим ишга тушса олтинлар тўкар.

## ҚИЗ ФАРЗАНД ВА НАБИРАЛАРИМГА АЙТГАНЛАРИМ...

Азизларим! Фикрларимни баён қилишдан аввал, шоирларимизни аёлларни улуғлаб ёзган айрим түртликларини эътиборларингизга ҳавола этаман. Агар бир шоир:

Аёлдан бошланур асли гўзаллик,  
Аёлдан бошланур бу ҳаёт – мамот  
Аёлдан бошланур юрт гўзаллиги,  
Аёлдан бошланур – тинчлик фарогат  
деган бўлса,

### ИККИНЧИСИ:

Ҳаётдан маъно-ю, мазмун йўқолар,  
Юрак танҳоликнинг куйини чалар,  
Байрамлар, байрамга уланмай қолар.  
Агар бу дунёда аёл бўлмаса  
деган.

### УЧИНЧИ БИР ШОИР ЭСА:

Саҳрода ўхшагай аёлсиз дунё,  
Қуригай, қақшагай аёлсиз дунё,  
Туюлгай ғалати аёлсиз дунё,  
Чунки жим қолади аёлсиз дунё  
деган экан

Аёлсиз ҳаёт ғарид ва файзсиздир, шунданда Коинот Сарвари кўп бора онага қуллик қилмоқликни лутф этганлар.

Донолар аёлларга қарата: "Аёллар қаддингизни янада баландроқ кўтаринг. Сизларга қараб туриб сўзлаймиз: Сиз бардошсиз, Сиз нажотсиз, Сиз қанотсиз. Сиз қудратлисиз. Сизнинг номингиз муҳаббат, бир номингиз матонат, бир номингиз жасорат, бир номингиз садоқат. Бир номингиз онадир. Бир номингиз ҳаёт, бир номингиз латофату, бир номингиз нафосат" деган эканлар.

Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Одил Єкубовнинг "Аёллар биз гуноҳкор эрларга нисбатан ўн баробар кечиримли, юз баробар меҳрибон, минг баробар шафқатли ва раҳмдил инсонлардир" дегани минг бора тұғри.

Тарихдан маълумки, аёлнинг bemisл ақли ва тийрак заковати ёрдамида жуда күп буюк ишлар амалга оширилган.

Буюк Амир Темурга ўз маслаҳатлари билан суюкли бўла олган Бибихоним, Амир Умархон ёнида назокат ва фаросат билан давлатни бошқарувида ўз ўрнини топган шоира Нодира бегим, ҳалқи озодлиги йўлида курашган Тўмарислар аёл зотини асрларга етарли қилиб улуғлаб берганлар.

Бугун аёл зотига ва айнан ўзбек аёлига ўша улуғлик нуқтаи назари билан қаралмоқда. Чунки мустақил юртимизда аёлларга ғамхўрлик кўрсатиб келинаётганига ҳеч шак шубҳа йўқ.

Аёл болаларининг ҳимоячиси, уларни тарбия этувчи мураббийдир. Оилани сақлаб турувчи устун бу аёл, оилани султони эса эркак. Ота-онанинг, она эса ҳеч қачон отанинг ўрнини боса олмайди. Оилани жуфт қанотларга ўхшатиш мумкин. Куш ҳеч қачон битта қаноти билан уча олмайди.

Аёллар ҳақида кўпни кўрган кимсалардан қуйидаги нақллар қолган: "Эрига тик гапирмаган хотин хотинларнинг афзалидир" "Яхши хотин эрни ёшартиради", "Ақлли аёл эр жаҳлини ўз табассуми ва чиройли муомаласи билан юмшатади", "Аёл учун энг зўр бойлик, энг зўр мартаба, энг комил фазилат – бу иффатдир", "Яхши хотин сиркани бол қиласи, ёмон феълли хотин эса болни сирка қиласи", "Эр зардали бўлса, хотин пардали бўлади", "Эрининг қариндош уруғларига иззат ва ҳурмат кўрсатишни билмайдиган аёл, хузур ичида яшаш йўлларини билмайдиган аёлдир", "Эркакларни уйдан бездирадиган икки нарса - бири аёлнинг тили, иккинчиси уни уй тутишни билмаслигидир" ва х.к.

Азиз қызларим! Момоларимизни қызларга қарата айтган қүйидаги сұzlарига бир зътибор беринг-а:

“Болам, қыз бола палахмон тоши, борган жойингда тиниб-тинчиб кетишинг керак. Тұрмуш-мушт. Тош келса кемирасан, сув келса симирасан. “Хаёт тошлари” га чидасаг енгасан, тұрмуш “заҳар”ларини ютсанг, ютиб чиқасан. Қуёвингдан кучи етмаган ва сотиб олишга қурби етмаган нарсаларни талаб этма, зиринг олдида эски либосда ёки юзларингга оро берилмаган ва сочларинг тартибға солинмаган холда тұрма. Либосларинг үзингга ярашган бұлсин, Очиқ-сочиқ кийиниб юриш – беодоблиқдір.

Бу сұzlар дур-дур сұzlардур, уларни қадрига етинг.

Кийини什 ҳар бир миллатнинг тарихи, икlim шартшароитлари ва қолаверса мафкураси билан боғлиқ. Кийини什ни ilk бор аёллар бошлаганлар. Шунинг учун ҳам хотин-қызлар табиатида кийини什, безаниш, тақиниш тушунчалари тұрмушнинг асосий күренишлари қаторида туради. Шу сабаб ҳалқимизда, онангни отанғга белардоз күрсатма, деган гап юрса керак.

Кийини什 маданияти жинс, фасл, миллат, урф-одатлар, касб-кор, замон ва тараққиётнинг муайян босқичи, даражаси билан боғлиқдір.

Болалар, қызлар, ёшлар, ўрта ёшлилар, кекса одамларнинг кийини什 маданияти мазмуни ва шақли шамойили жиҳатдан бир-биридан ажралиб туради.

Беҳаёларча кийини什, ҳалқимиз анъаналарига, урф-одатларига зиддир. Сипо кийини什 одобга киради. Гүзәллик суръатдагина эмас сийратда ҳамдир. Буни қарангки, миллпій либосларимизни охирги пайтларда сахналарда, раккосалар эгнида күрадиган бўлиб қолдик.

Юқори дид ва сипо кийинган, үзини кўз-кўз қилишдан холи олиб юрувчи доно ва оқила хотин-қызларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзиди.

Аммо айрим ёшларимизда ийманиш, истихола қилиш деган тушунчалар йўқолиб бораяпти. Улар кийимларини этак қисми қолиб, бел қисмидан ҳам бир энлик матони

тежаб қолаяптилар. Бу "маданият" белгисими? Яна айрим ёш қызлар футболкалар кийиб юришибди. Үндаги сүзлар инглизча ёзилган. Шу инглизча сүзлар ичида ҳақоратомузлари ҳам бор, күпчилик тилни билмаганлари учун буларга эътибор ҳам беришмайди.

Кийим, лиbos инсонни на фақат ташки таъсирлардан ҳимоя қиласи, у лиbos эгасининг дид фаросатини кўрсатиб турувчи тилсиз ойнадир.

Кундалик кийинишда ўртахоллик, мўттадиллик кишига қулийлик яратади. Мўттадил кийиниш кишининг ички руҳиятига ҳам таъсир қилиб, унинг чехрасига нур, нафислик, мулоимлик, хотиржамлик баҳш этади. Қора лиbos кишиларда тахлика уйготади, у аъза лиbos тарзида ҳам атрофдагиларга салбий таъсир кўрсатади. Тўй лиbosлари ҳам бачканалашмоқда. Қизларимиз тобора ялангочланиб, "очилиб" боришайти. Либосдан хаё кўтарилиши ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди.

Ҳар бир ёшнинг ўз зийнати, ўз даври бор. Аёллар ёшига қараб кийинмаса, бундан ёмони йўқ. Кийган кийимларингиз ўзингизга хос ва мос бўлсин. Элликдан ошган ўзбек аёлининг шимда, калта юбкада юриши бошқаларга эмас кўринади, лекин унинг ўзига билинмайди. Бу хол қизлари, келинлари бор аёлга ярашадими, йўқми ўйлаб кўришмайди ҳам. Бу холни кўрган кўпгина ёшлар уларни масҳара қилаётганини улар сезмасмиканлар? Буларни бир ўйлаб кўринг.

Ота қизга иш буюрганида, она: "вой, бола бечорага бунча кўп иш буюрасиз, ўзингиз қилсангиз бўлмайдими? дея муҳофаза қиласа борми, болада отага нисбатан ҳурмат ўрнига қаҳру-газаб уйғонади. Үнда виждонсизлик уруғи ниш ура бошлайди. Чунки ёш ниҳолга мана буни қил" деган сўздан, "мана буни қилма" деган сўз кўпроқ ёқади.

Шу боис, ҳар бир гапда оқила она ўз қизига "отага ҳурматсизлик, элга ҳурматсизлик", деб ўйтлаб турса, бу тарбиянинг энг қулий ва самарали усули ҳисобланади.

Магарким, аёлга эркақдан баҳт топиш буюрилган экан, у бу баҳтни аввало эрининг ҳурмат – эътиборидан, шукроналигидан изламоги лозим. Агар бу ҳурмат – эътибор самимий бўлса, эркакнинг ҳам ўз баҳтини топгани шу . Яхши кишининг ёмон хотини – унинг шу дунёдаёк дўзахидир" деган экан Бобур мирзо.

Шу боис, кўнгилларингдан шукроналик аримасин, бир-бирларидан рози эканликларини эр-хотинга, хотин-эрга вақти-вақти билан билдириб турсин. Эр сўзига қулоқ солган, Аллоҳ амрини адo этган хотин камбагални подшо қиласди. Кимнингки кўнгил хабибаси бўлган аёли бўлган, хонадоннинг бекаси ўзига уйғун ва мос бўлса, ўша одам энг баҳтиёр кимсадир" дейишади кўпни кўрганлар.

Ҳар куни тонг отгандан то оқшомгача ишда банд, узун тун бедорлик билан ўтсаю, аммо ёнингда сенга тасалли берувчи, қийинчилик ва машаққатингга шерик, дардингни оловучи бир аёл – беканг бўлса, бу дунё ташвишларидан сира кўрқмасанг ҳам бўлаверади. "Кимнингки ёстиқдоши уни жондан севучи экан, демак Жаноби ҳақ ўша қулига раҳмат назари билан қарайпти, бу одам Аллоҳнинг лутфига эришган, баҳтиёрлардан экан. Аллоҳни, пайғамбарни таниган хотин эрга итоат этади, бундай хотин эрини бошига баҳт токини кийдирувчидир" дейдилар донолар.

Бир донишманддан аёлларнинг қайси сифатини мактай оласиз, деб сўраганларида, у: "Аёл энг аввало аёл бўлиб қолиши керак. Унинг гўзаллиги ҳам, ҳаёси ҳам, латофати ҳам унинг аёллигига. У қайси лавозимда ва ким бўлишидан қатъий назар , энг аввало аёлдир, онадир. У оиласда ҳам, ҳаётда ҳам шундай бўлиб қолмоги маъқул", деб жавоб берган экан.

Маълумки, оила фарзанд билан мустаҳкам бўлади. "Давлатинг – ўғил қизинг", "Одамнинг меваси бола", "Фарзанд – белнинг қуввати", "Ўғли борнинг ўрни бор, қизи борнинг қадри бор" каби мақолларда фарзанд қадри улуғланади.

Үқиганим бор. Айтишларича машхур бир олим минбардан туриб янги кашфиётини эълон қилибди. Табиийки, илм ахли уни олқишиларга, гулларга ва айни дамда саволларга кўмиб ташлабди: - Сизни нафақат юртимиздагилар, балки кўплаб ҳорижий давлатлардаги олимлар ҳам танишади, эъзозлашади. Сиз энг баҳтиёр аёлсиз. Айтингчи, армонингиз борми?

Аёл бу саволдан бир қалқиб тушибди ва ўзини ўнглаб олгач, маюс бир оҳангда сўз бошлабди: - Тўғри, мен дунёга машхур аёллигимни, фанда салмоқли кашфиётлар яратганимни инкор этмайман. Бу жиҳатдан мен баҳтли олимаман. Бироқ энг баҳтсиз аёлман. Чунки мен она эмасман. Агар мендан: “Дунёдаги энг буюк баҳт нима? деб сўрашса, “Оналик баҳти” дердим. “Дунёдаги энг буюк дард нима?” деб сўрашса, “Она бўла олмаслик деган бўлардим” деган экан.

Кўпни кўрган кексалар: Кўпинча ҳаётда 30-40 ёшларгача илмий даража оламан деб ёки жуфт танлашда “ўлчов” ни жуда юқори қўйишлик сабабли ўз вақтида турмушга чиқмаган қизларни учратасиз. Улар биринчи навбатда шуни унутмасликлари керакки, аёл дунёга инсоният занжирининг узилиб қолмаслиги учун ўз ҳалқаларини кўшгани келади. У аёллик учун, шу улкан ҳаётнинг бир хужайраси бўлмиш қайсиdir хонадоннинг шамчироги бўлиш учун дунёга келади. Қолгани бари иккинчи даражали фаолиятдир” дейишади. Сизлар бу сўзларни мағзини чақинглар!

Донишмандлар янги туғилган чакалоқни хали ҳеч нарса битилмаган оппоқ қоғозга ўхшатишган. Ана шу оппоқ қоғозга нималарни битилиши, гўдакни қандай инсон бўлиб етишиши кўпроқ оналарга боғлиқ бўлади. Айтишларича, гўдак тетапоя қадам ташлаб юра бошлагандан она уни катта олам билан таништириб, унга дастлабки ҳаёт сабогини бера бошлар экан. Уни яхши ишларни бажаришга, ёмондан хазар қилишга чорларкан. Йиллар ўтган сайн бу борада онанинг масъулияти янада ошиб бораркан. Шу боис доноларнинг:

"Бола кичиклигига сени ухлатмайды, катта бўлганида эса ўзинг ухлай олмайсан" деганлари бежиз эмас экан.

Ҳар бир она болаларим, невараларим пок бўлсин, келажакка мос бўлсин, гўзал ҳулқ, ўзбекона одоб соҳиби бўлсин, деган ният қилади.

Яна бир масала, ҳозирда кўп аёлларимиз "алла" айтишни билмайдилар.

Алла – она меҳрига йўғрилган майин юрак садосидир. Оналаримиз орзу-ўйларини, дардларини аллага кўшиб, тўқиб согланлар. Аллага амалга ошмаган ниятлар, ҳеч кимга айттолмаган покиза армонларини кўшиб айтганлар. Алла – болага бериладиган руҳий озука, илк тарбия воситасидир.

Бола кўнгли она меҳрини, қалби тафтини ҳамиша қумсаб туради. Алла тинглаб, улғайган бола ҳақиқий юрт фидойиси, Ватан посбони, эзгуликка мойил инсон бўлиши шубҳасиз.

Донолар: "Она билан бола кўнглининг ришталаридан бири ҳам алладир. Алла айтилмаса, демак, бу ришталардан бири узилади-бола она меҳрига қонмайди" дейдилар.

Қизларимиз шуни унутмасликлари керакки, фарзанд тирногига зор ота-оналар яратганга илтижо қилиб, азиз-авлиё, муқаддас жойларга сифинадилар. Ҳайр-садақа бериб, зурриёт учун қайғурадилар. Ҳар бир аёл фарзандли бўлганига шукrona келтириб, уй юмушлари кўп, шароит ўзгача каби баҳоналар қидирмай, алла орқали унга ўз меҳрини бермоги, келажак авлодни ҳам жисман, ҳам руҳан баркамол улғайишини таъминламоғи лозимдир. Фарзандларни милллий анъаналаримиз руҳида ватанпарвар жасур, иболи қилиб тарбиялашда аллани аҳамияти бекиёсдир.

Шу боис, алла айтишга ўрганинглар, ўргатинглар, уни юксакликка кўтаринглар.

Энди она сути ҳақида. Айтишларича, болани туғилиши биланоқ, она кўкрагини бериб ўғиз сути билан уни эмиза бошласа, 8 кундан кейин болада меҳр –

муҳаббат маркази пайдо бўлар экан. Кейинчалик эмизиш жараёнида бу марказ ривожланиб бораркан, онаға нисбатан болани меҳри ошаркан. Демак, она сути ҳам она алласи каби гўдак ривожида, уни баркамол, иродали, иймонли, эътиқодли, меҳр – муҳаббатли бўлиб ўсишида катта аҳамият касб этаркан. Буни доимо ёдда тутинглар.

**Азизларим!** Ҳар бир инсон "Ҳаё" ибораси билан чиройли. Ҳаё – одоб, аҳлоқ фазилатларининг улуғи бўлиб, нафсни тийиш, ёмонликни тарқ этиш, беҳаёлардан ўзини олиб кочиш, уялиш, номус шарафини сақлаш кабиларни эслатади. Ҳаё инсон қалбида, унинг ташки кўринишида намоён бўлади. Ҳаё қадимдан ўзбек хотин-қизлари учун меросий фазилат бўлиб келган.

Шу ўринда бир ривоятни эслатиб ўтишни жоиз деб биламан.

Бир ўзбек аёлинин маълум айби учун катл қилмоқчи бўладилар. Уни олиб кетмоқчи бўлиб киргандарида, у миршаблардан игна-ип сўрайди. Миршабнинг "нима учун" деган саволига, кўйлагининг бир жойи йиртилганлигини ва уни тикиб олмоқчилигини айтади. Шунда миршаб: "Сени қатлга олиб кетаяпмиз-у, уни тикишингдан не фойда?" деган саволига у аёл: "Мен ўзбек аёлимдан, ўлимга кетаётган бўлсан ҳам танамни бирор жойини ёт кимсаларга кўрсатмай, ҳаёни йўқотмаган холда ўлишим керак" деб жавоб берган экан.

Кўрдингизми, аждодларимиз авваллари ҳаёни, одоб-аҳлоқимизни қандай эъзозлашган. Шу боис бўлса керак, "Ҳаё" ни одамийликнинг ўзаги деб ҳисоблашган.

Юртбошимиз И.А.Қаримов маъruzalарининг бирида "Шарму-ҳаё" сўзлари ўзга ҳалқларда ўзи тугул таржимаси ҳам йўқлигини эслатиб ўтган.

Ҳаёли аёлларда ўз эрига вафодорлик қилиш, поклик, ширин-суханлик, ростгўйлик каби бир қанча фазилатлар мужассамлашган бўлади. Демак, инсоният ўлчовининг энг гўзал намунаси – ҳаёдир.

Аллома Ризоуддин Ибн Фахриддин: "Ҳаё ва иффат тарбияли аёлларнинг одати бўлмоги лозим. Хотиннинг одобсизлигига ва ҳаёсиз юришига ориятли эркакларнинг ҳеч бири рози бўлмайди. Хотини қанчалик гўзал бўлсин, унинг номуссизлигини билиб қолган эрнинг ихлоси қайтади, муҳаббати сўнади, унда нафрат пайдо бўлади. Ҳаёли инсон факир бўлса ҳам одамлар орасида ҳурмат қозонади. Ҳаёсиз кимса эса, нақадар бой бўлмасин, эътибор топмайди. Эрига ёлғон сўзлаган хотин – тарбиясиздир" деганлар.

Донолар номусни, ҳаёни дараҳтдан ўрганишни таклиф этадилар. Дараҳт ҳаёт шарбатлари югираётган танасини парда қобиқ билан ўрайди. Бир жойи кесилса, дарҳол шу кесилган жойни қобиқ билан бекита-бошлайди. Унда ҳаё ҳукмрон. Яшаш зарурияти шуни тақозо қиласди.

Демак ҳулқали ҳаёт ўлчовининг энг гўзал намунаси – ҳаё экан. Буни доимо ёдда тутинглар.

Ўзбекларга хос орият, иффат, шарм-ҳаё бор жойда бўлаjak турмушда ниҳоятда зарур бўлган мавзуда гап очиш жуда қийин. Лекин шунга қарамай, уни айтишни лозим топдим. Шундай мавзулардан бири – жинсий тарбиядир.

Билишимча, никоҳ, оила, жинсий тарбия, келин-куёвнинг ўзаро маҳрамлик муносабатлари, қизларда хайз кўришнинг бошланиши каби масалалар тўғрисида маслаҳат ва йўл-йўрикларга муҳтож ёшлар кўпчиликни ташкил этаркан.

Шу боис оилада кўпни кўрган, катта ҳаётий тажрибага эга, билимли онахонларимиз шифокорлар ёрдамида ҳар бир ёшлар ўртасида шу мавзуларда сухбатлар уюштирсалар фойдадан холи бўлмас эди. Бу мавзудаги сухбатлар, шарму-ҳаёни йўқотишга эмас, аксинча, келажакда турли шахсий фожиаларни юз бермаслигига, бевақт иффатдан айрилмаслик йўлида хизмат қиласди, деб ўйлайман. Зеро, жинсий тарбия

курилажак оила одобининг, оила мустаҳкамлигининг бош омилларидан биридир.

“Қиз бола туғилғач, ўзбек одатига кўра, унга сарпо йигиш бошланади. Шу билан бирга, шу кундан бошлаб, тарбия бериш ҳам бошланиши керак” дейди кўпни кўрганлар. Бу жуда тўғри гап. Тарбияда майда-чуйда нарсалар бўлмайди. Аввало қиз болани янада нафис, янада кўркам, малоҳатли этадиган хусусиятлардан бири – унинг шириңсұханлиги, ҳушхулқлигидир.

Донолар: Онанинг дили шириң бўлғандагина, боланинг тили шириң бўлади” дейишади.

Хонадонда қизлар ўзаро сұхбатлашаётганларида овозларини баланд этмай, ўта назокат билан гаплашишлари лозимки, бу уларнинг фазилатларини янада мукаммал этади. Кулганда бақириб кулмасдан, аксинча, ним табассум билан, атрофдагилар диққатини жалб этмасдан, қийқирмасдан кулсалар, бу уларнинг яхши тарбия топганларидан далолат беради.

Ҳар куни сахар чогида ўзбек хонадонининг кўча эшиги олдини супирилиши одат тусини олган. Уни кўпинча қизлар ёки келинлар амалга оширадилар. Уни ҳам қоидаси бор дейишади.

Аввалимбор шу аёл ихчамгина кийинган, соchlари чангдан тўсилган бўлиши керак. Сувни шалоплатмай, енгил сепиб (кўллатиб эмас), сўнг бирорларга малол келмайдиган тарзда супуриш керак. Кўп кузатаман, аммо ҳамма жойда ҳам бунга амал қилинмайди. Аёлни соchlари тўзиган, эски кийимда, кўча чангитиб, супуради. Бу холат кўчадан ўтаётганларни эрталабки яхши кайфиятларини бузади. Буни уй бекаси қизига ёки келинига ётиқлик билан тушунтириб қўйиши керак.

Донишманндан, “Яхши аёллар” деб кимларни айтамиз деб сўрасалар у: “Олийжаноб, покиза ва қалби гўзалларни, ақлли, қаноатли, иффатли, вафолиларни, барча ҳаракатларини ўйлаб қиласиган, зрининг борида ҳам, йўғида ҳам ҳурматлаб, ўзини ва номусини сақлайдиганларни, яхши ва ёмон кунларда фидоқор

бўлишни ўзларига шиор қилиб олганларни, юзидан кулги аримайдиган, тили ширин, қўли баракали, қадами кутлуг бўлганларни" деб жавоб берган экан.

Ўйни моддий жиҳатдан таъминлаш эркак зиммасидадир. Аммо хотин ҳам ўзи ишлашни истаса эри билан келишиши лозим. Шу холда моддий бирдамлик кучи маънавий оламда ҳам акс этади, ораларида севги ортади.

Севги олдида пул ва мол-дунё мавзуси аҳамиятини йўқотади, адолат қарор топади. Бундай холда эрхотинларнинг асосий вазифаси ўзаро ишончга таяниб, янги насллар етиштириш ва тарбиялашдир. Чунки ишончсиз жамиятда на севги, на ҳурмат ва на оила қолади.

Энди меҳрибон қиз ва набираларим катта ҳаёт тажрибасига эга бир мўътабар онахоннинг қизлар тарбиясидаги қуийдаги сўзларига бир эътибор берингчи:

"Маълумки, кечаги қизалоқ ҳадемай бўйига етиб, турмуш қуриш ҳохишида бўлади" деб сўз бошлади у: Хўш, у аслида турмушга тайёрми? Икки ёшни қовуштириш, қизни келин бўлиб узатилиши ҳамма учун кўнгилли хол, албатта. Бироқ уй бекаси бўлиш ҳам осон эмас-да. У келинчаклик даври ўтгач, вафодор хотин, меҳрибон она ва ниҳоят доно қайнона бўлгунича оила ташвиши билан яшаши, хонадон ками-кўстини бутлаш, эр ҳурматини жойига қўйиш, қаноатли ва тадбиркор бўлиш, охири жанжалга олиб борадиган исрофгарчилигубебошликлардан қочиш, болаларга меҳрибон она ва ғамхўр мураббий, қайнонага эса келин эмас, тоабад қиз бўлиб қолишни уddaлаши лозим. Бу шартларнинг бенуқсон бажарилиши учун ҳар бир бўлғуси уй бекаси ўзи туғипиб ўсган оиласида мукаммал бошлангич тарбияни олган бўлиши зарур.

Савол туғилади. Бугунги қизларимиз оилада шундай тарбия олишяптими? Катталарни ҳурмат қилишини билишадими?

Атрофга назар солсангиз, турмушга узатилаётган бъязи қизларимиз хатто оддий овқат пиширишни ҳам билишмаялти. Нега шундай? Менимча, айрим отоналар қизларини чиройли кийинтириб, қимматбаҳо тақинчоқларга буркаб, сепларига чет элларда чиқкан мато, мебеллар ва бошқа рўзгор буюмларини олиб бериш учун бор кучларини сарфлашяптилар, лекин улар тарбиясига эса вақт топа олмаяптилар. Катта бўлса йўлини топиб кетар, қабилида иш тутиляпти. Доноларнинг: "Улғайиб новда котгандан сўнг, уни эгиб бўлмайди" деган нақлуни эсламаяптилар.

Садоқатли уй бекаси бўлишга тогдай чидам, парилардек бокиралиқ, ақл-фаросат талаб қилинади.

Ўзига бенихоя ишонган, оиласда "Устунлик" учун даво қилаётган, "Мен пул топаяпман" шиорини баланд кўтариб, эрини менсимайдиган аёлларимиз борлигини ҳам тан олишимиз керак. Билингки, бундай хонадонларнинг кўлчилигида хайр-яхшилик бўлмайди, саодат кутилмайди, кутилган билан етишиб бўлмайди. Бундай оиласларни бир кунмас бир кун дарз кетиши мумкинлигини кўпинча ҳаётда кўраяпмиз. Аллоҳ шундан асрасин!

Үй борки, уйга меҳмон кёлади. Меҳмондорчилик яъни меҳмон кутиш ва кузатиш одати дунёдаги барча ҳалқларга хос хусусият. Ўзбек ҳалқи бу одатни жуда қадим замонлардан ихтиёр қилган. Шунинг учун маданиятимизнинг кўхна манбаларида меҳмондорчилик одамнинг, оиласнинг, қабила ва ҳалқнинг одамийлик, саҳоват, маданий ва маънавий алоқаси – мулоқот мезони сифатида жуда катта қадр билан тилга олинади. Ўзбеклар: "Меҳмонхонанг тор бўлса ҳам, меҳру-дилинг кенг бўлсин" дейишади.

Ҳалқимиз азалдан эшиқдан келган инсонни ҳурмат-эхтиром қилиб кўтиб олиб, иззатини жойига кўйиб, кузатиб кўйишган.

Мен қизларимга бу масалаларда ҳам кўп бора сабоқ берганман, дейди онахон. Меҳмонни ҳар қандай

вазиятда турсангиз ҳам, илиқ күтиб олмоқ лозим. Шуни билингки, меҳмон келар эшиқдан, рисқи келар тешикдан".

Меҳмонга бориш ва меҳмон кутишда ҳам маълум қоидалар, шартлар бор.

Ҳеч қачон меҳмонга кечикиб борманг. Бу меҳмонларга нисбатан ҳурматсизлик белгиси бўлади. Эрта ҳам борманг, чунки бу пайтда уй эгаларининг юмушлари кўп бўлиб, сизни ҳурматингизни жойига кўя олмасликлари мумкин. Таклифсиз меҳмонга борманг. Меҳмонга келганингизда хонада одам кўп бўлса, ҳар бири билан алоҳида-алоҳида кўришишга ҳаракат қилмаганингиз маъқул. Меҳмон кутаётганингизда дурустроқ кийимингизни кийиб олинг, меҳмонларни табассум, очиқ чехра билан қарши олинг (кайфиятингиз яхши бўлмаган холда ҳам).

Аёл сўзини давом этиб: Мени "Учта қизим бор. Ўғилларим ҳам З та. Хали қизларим кичиклик пайтларидаёқ уларни ишга солабердим. Улар эшиқдан кириб келган киши ечган оёқ кийимларини бир текис қилиб қўйишни, ифлоси бўлса ювишни, чангини артишни билишди. Мактабга чиқдан пайтларида эса, уларни астасекин ошхона ишларига қўнигира бордим. Мен билан овқат пиширишди. Ҳамир овқат қилсак, ҳаммаси баробар чучвара, манти тушишар, лағмон чўзишарди. Кирларни ювишни ўргатдим, дазмол ишларини бажаришни ўрганишди. Кейин ишларни уларга тақсимилаб кўядиган бўлдим. Бирига бугун уйларни тозалашни буюрсам, иккинчисига овқат қилишни, учинчисига эса ховлига қараб қўйишни ва бошқа вазифаларни буюрардим. Тез-тез бу вазифаларни алмаштириб турардим. Кўнирма пайдо бўлгач, айтмайдиган бўлдим. Узлари билиб, ҳамма ишларни бажарадиган бўлишди. Ҳозир уччаласи ҳам турмушга чиқсан, кудаларимдан фақат раҳматлар зшитаяпман.

Шу боис бўлса керак ҳалқимиз орасида "Сепли қиз бўлгунча эпли қиз бўл", "Куш ўз уйида кўрганини қиласди" деган мақоллар юради.

Хонадоннинг тартиб ёки тартибсизлиги хотинга боғлиқ Ошхонаси тоза, пок, ейиш-ичиш анжомлари соғу-тоза ҳамда саранжом-саришта бўлса, шу уйдаги хотин тарбияли, интизомли ҳисобланади.

Агар Сиз баҳтли бўламан десангиз, турмуш ўртоғингизнинг кўнглини топиб, унинг феълини ўрганинг ва унга мослашинг. Шундай қилсангиз оғирингиз енгил кечади. Эрингиз сизга нисбатан ножӯя ҳаракат у ёқда турсин, хатто ўринсиз гапирмайди, сизни ҳурмат қиласди, оқибатда эса қайнонангиз билан ўртангизда доимий илиқлик барқарор бўлади. Менимча оиласда эркак киши устун яъни бошқарувчи, аёл киши эса уйнинг фариштаси бўлгани маъкул. Қайси оиласда эркак киши устун бўлса, шу оиласда тартиб, бир-бирига ҳурмат, эътибор кучли бўлади. Худа беҳудага жанжал келиб чиқавермайди.

Ҳалқимизда "Бир кун жанжал чиқсан уйдан қирқ кун барака қочади" деган нақл бор. Дарҳақиқат шундай. Жанжални келтириб чиқармаслик чораларини кўриш керак. "Эрни эр қиласиган ҳам, қаро ер қиласиган ҳам хотин" дейишади. Аёл оқила, фозила ва андишали бўлган оиласда отанинг обруси жойида бўлади.

Онамнинг айтишларича, эр кишини улуғлашда энамга тенг келадиган аёл бўлмаган экан. "Болаларнинг отаси кўчадан келганида иргиб ўрнидан турмаган, "Яхши келдингизми?" дея пешвозига чиқмаган аёлни мен аёл ҳисобламайман", бу доимо қулогингда турсин" дердилар.

Инсонга хос бўлган фазилатлар жуда кўп, лекин шу фазилатлар ичиде эркакларга алоҳида ярашадиган ва аёлларга алоҳида ярашадиганлари бор. Мардлик, тантилик, жасурлик, ўқтамлик, шахт сўзлик кўпроқ эркакларга ярашадиган фазилатлар бўлса, мулойимлик, ширинсуҳанлик, назокат кўпроқ аёлларга ярашади.

Аёлнамо, ўта юмшоқ эркак киши күзга қандай хунук күринса, "Эркаклаб" кетган аёл ҳам шундай хунук күринади.

Келин айб иш қилиб қўйса "Мени кечиринг, ёшлиқ қилдим, деб қайнонадан узр сўраса, қайси қайнона бемеҳр бўлади, қайси эр унга нафрат билан қарайди?

Кечирим сўраш – ёпилиб қолган меҳр булогининг кўзини очишдек маъноли бир гап. Айб ҳаммадан ҳам ўтади, лекин ўз вақтида кечирим сўрашга мардлик қилиш керак. Вақтида кечирим сўраш ҳам инсон учун бир маданият.

Магурлик қилиб, бир гапдан қолмаслик, ўз вақтида кечирим сўрамаслик, севган кишисидан айрилишига, оиланинг бузилишига, фарзандларини эса етим бўлиб қолишига олиб келишини унутмаслик керак.

"Эрни кўриб хотинга баҳо бериш керак" дейди яна доно ҳалқимиз. Ҳеч қаерига гард юкирмасдан чақмоқдек кийинган эркакни кўриб, "Хотини покиза аёл экан" деган ҳаёлга борамиз. Аслида ҳам шундай. Уйда аёл эрига қанчалик зътибор билан қараса, қай тарзда муомала қилса, шу оиласда ўсаётган қиз ҳам бу холни назардан қочирмайди. Шунинг учун бўлса керак ҳалқимиз орасида "Онасини кўриб қизини ол" деган мақол юради.

Йигит ва қизлар ўртасидаги дўстлик ва муҳаббат инсонга хос буюк туйғу. Лекин кўчада ва хиёбонларда, кўлчилик кўзи олдида баъзи йигит қизларимизнинг ўзларини тува билмасликлари, ниҳоятда ардоқлаб, сир сақланадиган туйғуларни енгил-елпилик билан кўз-кўз қилиш беҳаёликдир.

Қўша-кўша кийимлари бўла туриб, магазинма-магазин, бозорма-бозор чет элда тикилган либос ахтариб юрувчи аёллар, қизлар ҳам йўқ эмас. Бундайларни биз гўзал дея олмаймиз, маънавий кашшоқ деймиз холос. Қимматбаҳо тақинчоқлар, ялтироқ кийимлар, мода кетидан қувиш ташки қиёфани ўзгартиради, аммо ички оламга сайқал бермайди. "Ҳаё,

ибо, ор-номусли, фаросатли инсонда ҳамма нарса – чехра ҳам, кийим ҳам, қалб ҳам, фикр ҳам гўзал бўлади.

"Рўзгор-ғор" дейдилар. Рўзгорда эр ишлаб, топганинни аёл саришта билан ишлатса, кам бўлмайди, муҳтож бўлмайди. Оиланинг баракаси хотин кишининг тежамкорлигига боғлик. Оила аъзолари топганини бир кишига келтириб берса, рўзгор сарф-ҳаражатини фақат бир киши олиб борса, ҳеч қачон оила муҳтожлик кўрмайди. Болалар ҳам шу кўйда тарбияланади. Шуни билингки, файз-баракасиз оила, эпсиз она, беларво ота билан ҳеч кимнинг қуда-андаги тутингиси келмайди.

Катта қизимни турмушга узатганимга 5 йил бўлди, дейди онахон сўзини давом этиб. Бир куни у бизниги келганида, мен ундан атайлаб турмуш ўртогингни ранжитмаяпсанми? деб савол бердим. Қизим: "Турмушмушт деганларидек, турмуш ўртогим билан келишмовчиликлар бўлиб, уришиб қоламиз. Бундай ҳолларда мен биринчи бўлиб, кечирим сўрайман. Бу фазилат сиздан юқданда, она, оилани сиз бизга муқаддас деб ўргатгансиз, уни тинчини таъминлаш кўпроқ аёл зиммасида. Шу сабабли турмуш ўртогимни айrim инжиқликларига чидайман. Мен доим турмуш ўртогимдан бир поғона паст туришимизни ёдимдан чиқармайман", деди. Мен қизимни бағримга олиб, унга яхши дуолар қилдим.

Маълумки, емай-ичмай, дам олмай топганимизни тўйга йигамиз. Қарзга ботамиз. Тўғри тўй тўйдек ўтиши керак. Лекин ҳамма нарсанинг ҳам меъёрда бўлгани яхши. Келин-куёв сеплари ҳаддан зиёд кўп бўлмоқда. Келиннинг сепидан кўра уни эпли бўлишига кўпроқ эътибор берсак бўлмайдими? Қудалар ўзаро келишиб, енгилроқ тўй ўтказган оилаларни кўраяпмиз. Улардан ибрат олсак бўлмайдими? Ўринсиз ҳаражатларга қачон чек қўйилади?

Эркак бош бўлса, аёл унинг бўйини, бўйин қайси томонга бурилса бош ҳам ўша ёқقا эргашади. Демак, тўй

ва маъракаларни камҳарж қилиб ўтказища биз- аёллар кўпроқ жон куйдирганимиз маъкул. Кўп оилаларда оила бузилишларининг сабаблари шу сеплардан келиб чиқаяпти. Биз икки ёшни қовуштираётганда ниятимиз бошқача эдику.

Яна бир масала тўйдан олдин тиббий кўрик масалаларига камроқ эътибор бераяпмиз. Натижада куёв ёки келинда сурункали касаллик топилиб, янги курилган оилалар дарз кетаяпти. Буни биз жиддий ўйлашимиз лозим" деб сўзини тугатди онахон.

**Азиз меҳрибонларим!** Бу сўзларни тасдиғини биз ҳаётда кўп учратдик. Мўътабар аёлнинг юқоридаги сеҳрли ва қумматбаҳо сўзларини доимо ёдда тутмоқ даркор.

Шуни унумтмангки, эркак қанчалик ақлли ва зукко бўлмасин, оиласдаги иклимини аёл яратади. Агар оиласи катта бир кемага қиёсласак, ота унда моҳир эшқакчиdir. У оиласи усталик билан ҳар хил хавф-хатардан олиб ўтади. Кема ичиди она ва фарзандлар бор. Она фарзандларига бот-бот эшқакчининг моҳирлиги туфайли оила кемаси тинч ва хотиржам сузаётгани тўғрисида уқтириб туриши керак. Шу тариқа фарзандларда отага нисбатан ҳурмат ва меҳр хисси камол топади.

Ота-она маъсулиятини фақат ўғиллар ўз зиммасига олади, деб ҳеч ерда айтилмаган. Ота-онани асраш, авайлаш ўғилга ҳам, қизга ҳам бирдай тўтиёдир.

Ноқобил ўғил туфайли ота-онага келадиган исноддан қизнинг ортидан келадиган дашном юз чандон азоблироқ, оғриқлироқдир. Қизнинг шаънига берилган баҳо унинг зотига, ота-онасининг маънавий мағзига берилган баҳодир. Шу боис андиша, шарму-ҳаё ва мулоҳаза билан иш юритмоқ лозим.

Момоларимиз ниҳоятда андишли, кечиримли, ҳаёли ва эрига итоаткор бўлишган. Бу ўзбекона феъл ҳеч қачон ёмонликка етакламаган.

Меҳр бунёд этиш аёлнинг қўлидадир. Аёл меҳрини қизганмаган жойда оила илдизи мустаҳкам томир отади,

умрни узокъларга элтувчи бир меҳр дарахти бунёд бўлади.

Агар аёл бўлмаса, ҳар қандай хонадоннинг баҳти кемтик бўлиб тураверади. Шунинг учун оталар уй остонасидан кирмай туриб, фарзандларига "Онанг кани?" деб сўрайдилар, ваҳоланки гарчи у аёлни уйдалигини сезиб турсада. Ана шу саволнинг тагида меҳр, муҳаббат ва соғинч туйғулари мужассам. Демак, бу туйғуларни қадрлай билиш, меҳрнинг умрини узайтириш, эркакни оиласа боғлаш ҳам аёллар зиммасида эканлигини зинҳор унутманглар.

Шу ўринда ўқиган бир ҳикоя эсимга тушди. Унга сизлар ҳам бир эътибор беринглар-чи.

Қадим замонда бир эркак аёли билан суҳбатлашиб ўтиришгандарида, эшик тақиллаб қолибди.

- Ким у? – сўрашибди эру-хотин бараварига.
- Мен тақдирман, - дея овоз келибди эшик ортидан. Хонадонингизга озгина баҳт ва бироз баҳтсизлик олиб келгандим. Шуни икковларингга тақсимлаб беришим керак.
- Сен баҳтни аёлимга бер у бир умр шу рўзгорни деб тиниб-тинчимади, баҳтсизликни эса менга қолдир, дебди эркак.
- Йўқ, йўқ, мен эмас, эrim баҳтли бўлиши керак, - дебди аёл жон холатда. "Баҳтсизлик"ни менга берақол, чунки биз аёллар жуда сабр-тоқатлимиз.

Шунда тақдир дебди: - "Мен сиз иккингизни бор-йўги синаб кўрмоқчи эдим холос, ваҳоланки бир-бирингиз билан аҳил экансизлар, оиласа бундан ортиқ баҳт йўқ".

Ибратли ҳикоя, шундай эмасми?

Юртбошимиз И.А.Қаримов аёлларимизга ўз ҳурмат ва эътиборини қаратиб: "Аллоҳнинг марҳамати билан оиласи қиласидиган зот – бу аёлдир. Аёлни улуғламоқ, оиласи, Ватанни, ҳаётни улуғламоқ демакдир" деган эди.

Эркакни оила таянчи, дедик. Таянчсиз иморат омонат бўлганидек, эркаксиз уй ҳам ҳароб ва омонатдир.

Мен сүзларимни тугатиб, мана шу жойда, сизларга қалами үткир, мұътабар маданият ходими Ж.Турдиевни күйидаги шеърий мисраларига эътиборингизни қаратиб қоламан:

Бир кунингиз ўтар аёллар,  
Теша ёки курак бўлмаса.  
Яшаш қийин чулғар ҳаёллар,  
Уйда агар эркак бўлмаса.

Сопсиз ётар тешангиз ойлаб,  
Кўёлмайсиз итни ҳам бойлаб.  
Кун санайсиз кўркувни жойлаб,  
Уйда агар эркак бўлмаса.

Тингламайди ака-у坎гиз,  
Дардингизни кимга тўкасиз.  
Кимни тергаб, кимни сўкасиз,  
Уйда агар эркак бўлмаса.

Билолмайсиз кимга нолишни,  
Кимга атаб жой ҳам солишни.  
Фижимлайсиз шўрлик болишни,  
Уйда агар эркак бўлмаса.

Гап сотасиз қўшни аёлга,  
Жавоб йўқдир оддий саволга.  
Бош чулғанар минг хил ҳаёлга,  
Уйда агар эркак бўлмаса.

Уйга кир, деб сўрар одам йўқ,  
Юролмайсиз доим кўнгил тўқ.  
Бош оғрийди ташвишдан лўқ-лўқ,  
Уйда агар эркак бўлмаса.

Кимга керак ўсмаю, пардоз,  
Кимга керак сиздаги шўх, ноз.  
Ҳаёт оппоқ, кимсасиз қофоз,  
Уйда агар эркак бўлмаса.

## АЙТАР СҮЗНИ АЙТИНГ, АЙТМАС СҮЗДАН ҚАЙТИНГ

Фарзандларим! Ривоят қилишларича, бир куни Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларига қараб: "Сизлар эсон-омон ухлаб турсаларингиз, нафас олсаларингиз, кўл-оёқларингиз соғ-саломат қимирласа, баданингиздаги ҳар бир бўғим эвазига биттадан садақа вожиб бўлади", - деган эканлар. "Бунча садақани қаердан оламиз", - дейишибди саҳобалар. Шунда Расууллоҳ: "Яхши сўз ҳам садақадир", - деган эканлар.

Бир инсон билан учрашиб икки оғиз ширин сўз билан унинг кўнглини кўтариб қўйсангиз, сиз унга катта маънавий хадя инъом этган бўласиз, шунда ҳамма бўғимларингизнинг саломатлиги эвазига берилган садақадан ҳорижсиз. Ҳалқимизда тилга эътибор – элга эътибор деган нақл юради. Буни маъносини яхши тушуниб олинглар. Тил ҳам худди машина рулидек гап. Уни тўғри бошқара олмасанг, издан чиқиб, талофатга учратиши турган гап.

Шу боис донолар: "Оғиз ичидағи тил, қин ичидаги яширинганд қиличdir", "Тил тезлигидан қадам тезлиги яхши", "Тил борки бол келтиради, тил борки бало келтиради", "Тил тинч бўлса, бош саломат бўлади", "Кишининг тойиши оёгини қонатади, тилнинг тойиши барча неъматлардан маҳрум этади", "Яхши сўздан одам яшнайди", ёмон сўздан олам қақшайди", "Сўз инсон юрагининг калити", "Яхши сўз айтиш ҳам саводир", "Сувнинг мазаси муз билан, ошнинг таъми туз билан, инсон яхвиси – сўз билан", "Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт", "Сўзни кўнгилда пиширмагунча, тилингга чиқарма", "Ғамсиз яшашнинг белгиси тўрт нарсадир, булар: яхши сўз, яхши феъл, яхши ният ва яхши суҳбат" деган бўлсалар, шоирлар:

Жаҳонда гўёки султон эрур тил,  
Қалбларга севинчу, ҳам жон эрур тил.

Ноўрин айтиса, дилинг ранжитиб,  
Умрингга заволу зиён эрур тил.

Ёки

Огзига келганини демоқ нодоннинг иши,  
Олдига келганини емоқ ҳайвоннинг иши.

Ёки

Үйлаб гапир, кўнгил ранжир,  
Арзимаган бир сўз билан.  
Аммо лекин олиб бўлмас,  
Дилни баъзан минг сўз билан

деган эканлар

Тилга эҳтиётсизлик ёшу-қари, яхши-ю ёмонни нақ  
юрагини мўлжалга олиб, аралашига ўқса тутиш билан  
тengdir.

Ҳалқимизда: “Ким тилини тийибди, нажот топибди”  
деган нақл бор. Лекин тилни саклайман деб, бутунлай  
жим туриш лозим эмас, сўзларни ушбу тўрт қисмга  
ажратиш мумкин: Биринчиси – фақат зарурли, иккинчиси  
– фақат фойдали, учинчиси – зарар ҳам, фойда ҳам бор,  
тўртинчиси – униси ҳам, буниси ҳам йўқ. Биринчи  
холатда бутунлай сукут зарур, иккинчисида сўзлаш  
лозим, учинчисида агар фойдали томон ғолиб чиқса,  
сўзлаш керак. Тўртинчисида – сукут лозим. Чунки  
фойдаси ҳам, зарари ҳам йўқ нарса билан шуғулланиш  
вақтни бекор ўтказишдан ўзга нарса эмас.

Донолар: “Сўз – ҳаёт, сўз умид, сўз муҳаббатдир.  
Сўз қувватидан, сўз қудратидан, сўз сехру жозибасидан  
кўра буюкроқ куч йўқ оламда. Яхши сўз баданга роҳат,  
билакка куч-куват, танага ором, вужудга осойишталик  
бағишлиайди”, дейишади.

“Кишининг оғзи ўрага қиёс. Сўзлар мисоли ерга  
сочилган уруғ дони. Агар оғиздан чиққундек бўлса,  
уларни битталаб териб олиш мумкин эмас, эл-юрт  
эшитгандан кейин бу сўзларни пардалаб бўлмайди.  
Ширин ва эзгу сўзлар оқиб турган зилол сувга ўхшайди.

Зилол сув қаерга оқиб борса, у ердан анвойи чечаклар униб чиқади", дейишади донолар.

Арасту: "Сўзни қисқа гапир, беҳуда қилмагинки, тақрор-умрни беҳуда сарф қилишдир. Оддий одамларга оддий гапир, донолар билан доноликка хос гаплаш, ҳар кимнинг фаҳму-фаросатига мослаб гапир, унинг фаҳму-фаросатини эса гапидан билиб оласан" деган экан.

Инсонлар билан шириңсуҳанликда бўлиш – хикматнинг боши. Шириңсуҳан одамлар атрофни ибрат кўзи билан кузатадилар.

Бирорни сўкиб, унга таъсир ўтказган одам ҳеч қачон обрў топган эмас, аксинча, одамларда унга нисбатан яширинча нафрат уйғонади, ундейлардан узоклашишга интилади.

Биз мусулмон фарзандимиз. Мусулмон киши қўли билан ҳам, тили билан ҳам бошқаларга озор бермайди.

Унутманги, дунёда ҳисоб-китобсиз нарса йўқ. Ҳар ким нима экса, шуни ўради. Агар билсангиз сўзларнинг ҳам ўз вазифалари бўларкан. Сўзлар ҳам ишларкан, ўз вазифаларини бажааркан. Кўпинча улар инсонни тўғри йўлга бошларкан, кайфиятини кўтариаркан, баъзида эса сўзлар ҳам хато қиларкан. Шунинг учун тилимиздан чиқадиган сўзларга бепарво бўлмай, уни тилдан чиқмай туриб, обдон пишириб, сўнг чиқарсак, улар яхши натижа бераркан.

Ҳадисларда "Сиз бирор билан учрашиб, сўзлашсангиз, сўзлаган одамнинг савлатига эмас, балки оғзидан чиқаётган сўзларнинг мазмунига зътибор беринг", деган ибратли сўзлар бор.

Ота-боболаримиз: "Тўрт кунлик дунёда ширин бўлиб ўтинг", деб бекорга айтишмаган. "Ширин бўлиб ўтиш – бу шириңсуҳанликдир. Инсонга умр унча кўп берилмаган. Шундай экан, оз фурсатни, ширин ҳётингизни ўз сўзингиз билан аччиқ қилманг.

Шунинг учун қалбингизни кенгроқ тутиб, тилингиздаги найзаларни бўлар-бўлмасга санчишни одат қилмасанглар, имоним комилки, сизларни барча севади.

Давлат тили – она тилимизни эъзозланглар.

Ҳозирда давлат органлари, идора, муассасаларда иш давлат тилида юритилмоқда. Шу билан бир қаторда юртимизда яшаётган барча миллат вакилларининг тили ва маданиятига ҳам ҳурмат билан қаралмоқда. Ёшларимиз чет тилларини ўрганмоқдалар. Айни кунларда юртимизда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртимизда юзга яқин миллат ва златлар ҳам ўз навбатида давлат тилимизни чукур ҳурмат ва ихлос билан ўрганмоқдалар. Рус, корейс, арман ва бошқа миллат вакиллари ўзбек тилида чиройли талаффуз билан сўзлашганларида қойил қоласан киши.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лариса Москалёва ижросидаги ўзбекча қўшиқларни тинглаб завқланамиз. Буларнинг бари истиқлол шарофатидир.

Тақдир тақозоси билан ҳорижий мамлакатларга қочиб бориб, у ерлардан паноҳ топган ватандошларимиз ўша юртда туғилган фарзандларига она тилимизни ўргатаркан, уйларида ўзбекча гапиришарканлар. Уларнинг фарзандлари хатто "алла", "ёр-ёр" айтишни ҳам билар эканлар.

Она тили ҳар бир миллат учун азиз саналади. Унга эътибор эса, ўзликка эътибордир.

Буюк авар шоири Расул Ҳамзатов бир шеърида ёзишича, у тушида ўлиб қолган эмиш. Шунда қулоғига турли тилдаги товушлар чалинибди. Авар тили эшитилганда у тирилибди. Шоир, агар авар тили бу дунёдан ғойиб бўлса, Расулни ўлган деб ҳисоблаганлар, деган экан.

Қиссадан ҳисса шуки, давлат тили миллат белгиси, бебаҳо бойлик, ғурур уни келгувси авлодларга асраб-авайлаб етказиш барчамизнинг бурчимиздир.

Лекин ҳаётда айrim ўзини маданиятли, маънавиятим бой деб юрувчи кимсалар ёнида бошқа миллат вакили бўлмаган ҳолларда ҳам ўз она тили қолиб, ўзга тилда гаплашадилар. Ота-онасига сенлаб

гапирадилар. Айтингчи, бу кимсаларни маънавий бой, маданиятли деб бўладими?

**Азизларим!** Сизларга бирон бир ҳикояни, ривоятни ҳадисни, ибратли ҳаёт тажрибаларини ёки нақлни баён қилган бўлсам, сиз уларни эшитсангиз ёки ўқисангиз, билингки, уларнинг ҳукми фақат бир воқеа ёки бир вақтта хос эмас, балки ҳамма ишларга ҳамма вақт ҳам тадбиқ этса бўлаверади.

Масалан Расулуллоҳ (САВ) бир саҳобийга қараб "Жаҳлу ғазабли бўлма" деган бўлсалар, ҳар бир мусулмон то қиёматгача бу ҳисобни менга ҳам айтганлар деб билиши керак. Шу боисдан дунёю охират учун фойдали бўлган гапни қаерда, кимдан эшитишдан қатъий назар, дарҳол уни қулоқка олиш ва имконият борича унга амал қилишга ўтиш зарур бўлади. Буни доим ёдда тутинглар!

## ЯХШИЛАРГА ЭШ БҮЛИНГ, ҲАМРОҲ БҮЛИНГ

Азиз фарзандларим! Бу ёруғ дунё яралганидан буён яхшилик ва ёмонлик, ёвузлик ва қабоҳат ўртасида мангу кураш кетади. Бирор ишни бажариш учун яхши мутахассис бўлишнинг ўзи етмайди. Авваламбор яхши инсон бўлиш керак. Бу ақиқа ханузгача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Севимли шоиримиз Эркин Воҳидов айтганидек ҳалқимизнинг "Минг асрлар ичра пинхон..." яшаб келаётган жуда табаррук урф-одатларимиз, миллий қадриятларимизни сақлаб қолишимиз керак.

Инсонларга эзгулик уруғларини сочиш, меҳроқибатли бўлиш – энг юксак фазилатлардандир.

Ҳар нарсанинг ибтидоси бўлганидек, уни интиқоси ҳам бўлади. Туғилган одам албатта бир кун вафот этади. Агар бу инсонни сўзлари "эзгу" бўлса, бошқалар қалбидан жой олган бўлса, унинг номи мангу қолади, тиллардан тилларга, диллардан –дилларга кўчиб юради.

"Типратикон тиконсиз туғилади, тикони кейин пайдо бўлади. Одам боласи яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам ўзини ўраб турган муҳитидан ва шароитдан олади". Яхшилик қалити билан занглаган ва мөгор босган қалбни қулфини очса бўлади" дейди кўпни кўрган кексалар.

Яхшилик илдизида ўзликни англаш санъати мужассам. Ўзликни англаш маънавият туфайли майдонга келади. Ўзлигин англаган одамгина юрт, табиат ва ҳалқни сева олади.

Киши эзгу ният қилса, кўнглида фақат яхшиликларни ўйласа, уни қиласиган барча ишлари ўзи ҳоҳлагандака бўлаверади.

Эзгулик қимматбаҳо гавҳар. Асл ипак ва тоза шойи мисоли, у доимо юксак қадрланади, доимо зъзозда. Ёмонлик эса қадрсиз нарсадек гап, доимо у оёқ остида қолиб кетаверади.

Шоир айтганидек:

Заррача яхшилик бежавоб бўлмас,  
Ёмонлик ҳам билгин, жавобсиз қолмас.  
Атрофга қарагин, ҳисоб бўлаяпти,  
Нени қилса инсон шуни кўряпти.

Агар яхшилик теварагида айлана олмасангиз,  
яхшилар теварагида айланинг" дейди донишмандлар.

Воиз Қошибий шундай дейди: "Яхши ҳулқ, яхши  
муомала бир йўлдирки, у йўл билан юрмасдан туриб,  
иззат ва шараф манзилига етиб бўлмайди".

Яхши ҳулқ, яхши фазилат, гўзал чехра - бу-инсон  
учун буюк мартаба, улуғ ризқ, олий мукофотдир. Бутун  
оламдаги, оиласдаги ёвузликни, разилликни бир дақиқага  
тўхтатиб кўювчи қурол бор, бу дунёда, бу қурол –  
яхшилик, яхши сўз, самимий муомаладир.

Эзгуликнинг натижаси ҳаракат қилаверишда, бекор  
ўтирмасликда. Ҳалол меҳнат қилиб, Аллоҳдан  
сўралаверса, ризқни етказаверади.

Неча-неча яхшилардан бир ёмон пайдо бўлур,

Бир ёмоннинг дастидан мавж урган дарё қуур, деб  
бекиз айтишмаган.

Яхшилик тез унутилади, ёмонлик эса бир умрга  
хотираада муҳрланиб қолади.

Ҳалқ орасида одамнинг обрўсини кетказадиган ёмон  
хислатларга ёлғончилик, ҳиёнат ҳам киради. Ёлғончилик  
инсонни пасткашликка ундейди.

Ёлғончи ҳам, ҳиёнаткор ҳам бир кун албатта  
билинади ва у инсон эл ичиди хору-зор бўлади.

Инсон фазилатларини оширувчи ёқимли ҳулқлардан  
бири тўғрилиқдир. Тўғри ўсган дарахтга ҳамма хавас  
билан қараса, тўғри одам ҳам ҳалқ орасида обрў-  
эътиборда бўлади. Қуйидаги ҳикояга бир эътибор  
беринг-а!

Бир киши уй куриш ниятида ўн бир туп дарахт  
экибди. Дарахтлар сарв қоматларини кўкка чўзиб  
ўсаверибди. Лекин бир тупи атрофга тарвақайлаб

кетаверибди. Гоҳ ўнгга, гоҳ чапга энгашиб, ёнидагиларни ранжитибди.

- Сен биздан бошқачароқ чиқиб қолдинг. Қаторда бўлганингдан кейин ҳамма билан баравар ўс-да! Бундай. қиласверсанг, қийшиқ, букри бўлиб қоласан, - дебди ёнидаги одил терак.
- Менга ақл ўргатма, нима қилишимни ўзим биламан, - дебди халиги ўзбошимча терак.

У яна ўз билганича ўсаверибди. Шундай қилиб кунлар, ойлар, йиллар ўтибди. Тераклар вояга етибди.

Уларнинг эгаси: энди кунимга ярайсиз, деб ҳамма терагини кесибди, пўстлогини шилиб олиб, ёғочларни куритибди. Кейин уста чақириб, шу теракларни тўсин қилиб, ўн бир ёғочлик уй қуришни буюрибди-да, ўзи иш билан бир неча кунга қўшни қишлоқка кетибди.

Кайтиб келса, уй хали ҳам битмаганмиш.

- Уйингиз аллақачон битган бўларди-, битта тўсин етмай қолди, - дебди уста.
- Тавба, - дебди уй эгаси ёқасини ушлаб, - наҳотки мен янглишган бўлсам? Ахир ўн бир туп теракни ўз қўлим билан экиб, ўз қўлим билан келтирган здим-ку сизга.
- Сонига ўн битта терак экан. Лекин ўнтаси тўсинга яради. Биттаси эгри ўсган экан. Уни иккига бўлдим, у ёғибу ёгини йўниб, оstonага қўйдим, - дебди уста.

Бу гапни эшитгач, уй эгаси бозордан битта тўғри хода келтирибди. Уй битибди.

Бу воқеаага кўп вақтлар бўлибди. Лекин ҳозиргacha ўша тўғри тўсинглар уйнинг шифтида: ҳаммадан баландда турар экан. Остонани эса ҳар куни неча-нечча киши босиб ўтаркан.

Билингки, ростгўйлик – инсонни ўткир ақл, соф мулоҳаза, тоза кўнгил, олийжаноб ва мард эканини кўрсатиб турувчи далилдир.

Дунёда ростгўйлиқдан кўра кўркамроқ ҳулқ ва табиат йўқ! Хинд хакимлари айтадилар: "Сабру чидамли одам пушаймонлик тортмайди. Уч тоифа одам ҳамма

назаридა ёв: баҳил, золим ва такаббур. Уч тоифа одамни кўрмай туриб ҳам севиш мумкин: Олимни, одил кишини ва сахийни".

Сиз яхши бўламан десангиз, ҳаммани бир текисда кўринг. Яхши инсонни кўнгли пок бўлади. Кўнгли пок инсон эса тўғри сўзлайди, ҳалол бўлади, фисқу-фасод билан шугулланмайди, доимо шукронда айтиб яшашни билади.

Бирорларга яхшилик қилишга ориятли, вижданли кишиларгина кодирдирлар.

Ҳакимлар айтади: "Уч хил кишига яхшилик бўлмайди. Биринчиси, дангасага, улар экин ўсмайдиган тошлоқ ёки шўр ерга ўхшайди, унга қанча яхшилик уруғлари экмагин, барибир кўқариб чиқмайди, яъни таъсир қилмайди. Иккинчиси, орсиз ва ҳаёсиз кишилар бўлиб, уларга яхшилик қилсанг, буни тушуниш ёки раҳмат айтиш ўрнига, мендан кўрқанидан қиласпти, деб ўйлади. Улар янада тумшукларини кўтариб, кўпроқ нарса талаб қиладилар. Яна бири аҳмоқ кишилар бўлиб, сен қилган яхшиликнинг қадрини билмайдилар, унинг фарқига ҳам бормайдилар.

Оқил ва доно кишиларга яхшилик қилмоқ эса савоб ва олий хислатдир.

Кимки яхшиликни курол қилиб олибди, демакки у жаннат томон йўл топибди. Одамларга ҳурмат кўзи билан боқмоқ ва раҳм кўзи билан қарамоқ, ақллилик ва донолик белгисидир.

Яхшиликни кўп қилган кишининг пушаймонлиги кам бўлади, доимо юзи ёруғ бўлади,

**Азиз фарзандларим!** Шу ўринда Сизларга ўқиган бир нарсани баён қилишга жазм қилдимки, зеро бу ҳам Сизларнинг маънавий дунёингларни бойитса, ажаб эрмас.

Бир куни жаноби Расулуллоҳ (САВ) саҳобаларига қараб айтадиларки: "Биласизларми, мискин бечора ким?", Саҳобалар жавоб бердилар: "Мискин бечора деб на пули ва на матоси бор кишини айтurmиз". Шунда

пайғамбаримиз айтибидиларки: "Йўқ, мискин бечоралар деб шундай одамларни айтадиларки, менинг умматларим қиёмат куни маҳшаргоҳга йигилган пайтларида, уларнинг ичида намозларини ўз вақтида ўқиган, рӯзалар тутган, закотларини ҳам адо этган мусулмонлар бўлади. Лекин улар бошқа айблари сабабли мискин бечоралардан ҳам баттар ҳисобланурлар". Чунки улар ибодатларини мукаммал қилгандар билан бирорларни сабабсиз сўккан, ҳақорат қилган ёки ноҳақ зулм ўтказган бўладилар. Ана энди маҳшаргоҳда ўша мазлум, жафокаш кишиларга Ҳақ Таоло булардан қасосларини ундириб беради, яъни қанча зулм ўтказган бўлсалар, шунча миқдорда қилган хасанотларидан – савоб ишларидан олиб, шу мазлумларга бўлиб беради. Агар қилган савоб ишлари тўлашга етмаса, мазкур мазлумларнинг гуноҳларидан олиб, ўша золимларга ёзилади. Савоблар тугаган ва унинг устига халиги мазлумларининг гуноҳларини ҳам ўзларига олганларидан кейин табиийки, жаханнамга ташланурлар", деб жаноби Расулуллоҳ ўз умматларига разил сифатларнинг оқибати қандай мудхиш эканлигидан хабар берган эканлар.

Яна Пайғамбаримиз: "Жабру зулмнинг турлари жуда кўп. Масалан, ота-оналар ўз фарзандларига яхши тарбия бермаётган бўлса, бу ҳам зулм. Оила бошлиғи ўз рўзгори учун зарур нарсаларни муҳайё қилишга ҳаракат қилмаётган бўлса, бу ҳам зулм. Аёл киши ўз эрига ҳиёнат қилса, эрининг топаётган маблагидан сўрамай, қаёқларгадир сарф қилаётган бўлса, бу ҳам зулм. Қайнона ўз келинларига ўгай оналардек қаттиқ муомалада бўлаётган бўлса ва аксинча келин қайнонага нисбатанadolatciz bўlسا, бу ҳам зулм. Хуллас, қўлидан яхшилик келадиган одам ёмонлик қилса ёки ёрдам қилишга куррати етатуриб, ёрдамини аяса, демак унинг бераҳм, бешафқат, балки золим одам эканлиги, маълум бўлади", - дейдилар.

Поклик нопоклик юзидағи қора пардан олиб ташласам, дейди. Иллат номи билан аталаған қусурли ахлоқ эса жон-жаҳди билан қаршилик күрсатади.

Авваллари бирон қишлоқ еки дахада бирон шахс злу-юртнинг юзига сөк қўйиб, кетма-кет огоҳлантириш, танбеҳларга қулоқ солмай, ахлоқ нормаларини бузаверган бўлса, у шахснинг юзига қоракуя суртиб, эшакка тескари миндириб сазойи қилганлар. Қишлоқнинг нариги бошига етиб боргунча уни шармандаси чиқиб, эшакдан тура солиб қочиб қолганлар, узоқ вақт қишиларга кўрина олмай юрганлар. Бу ҳам нопокнинг ўзига хос жазолаш усусларидан бири бўлган. Айтмоқчимизки, ҳалқ ҳамиша иллат устидан кулган.

Умуман олганда олам қарама-қаршиликлар кураши негизида курилганdir: Жисмоний нарсаларда ёруғлик ва зулмат, тирик табиатда ҳаёт ва ўлим, маънавият оламида эзгулик ва ёвузлик, ижтимоий ҳаётда адолат ва разолат ўртасида кечадиган тинимсиз курашда ўз тажассумини топади. Абадул-абад давом этадиган бу курашда оралик йўл йўқ, бўлмайди ҳам, бинобарин, ҳар бир одам, ҳоҳлайдими, йўқми, мазкур курашда ё эзгулик ва ё ёвузлик тарафида туриб, ҳаракат қилишга маҳкум этилган. Ёлгиз имони бутун (имоннинг арабча лугавий маъноси ишонч демакдир), эътиқоди метин кишигина ҳамиша эзгулик тарафида туриб ҳаракат қиласди. Имонли киши ўғрилик ва талончиликдан, ўзгалар мол мулкига кўз олайтиришдан, ўзлигига, яъни ўз имонига хилоф иш қилишдан тия биладиган комил инсондир. Пасткаш мунофик, жоҳил, худбин кимсалар эса турфа балои нафс кетидан бориб, турли-туман ярамас сўмоклардан одимлаб келган ва одимлашда давом этадилар. Ҳар кимнинг қайси йўлдан юриши ўз ихтиёрида. Барчамизнинг рўпарамизда Ҳақнинг буюк ва асло адашмайдиган тарозиси турибди. Биз барчамиз ана шу улуғ акрим кунига, буюк тарози қошига кунма-кун бораётган одамлармиз.

Шу боис, бир бириңизга меҳрли бўлинглар. Меҳр шундай фазилатки, унга зга инсон дунёда сира кам бўлмайди. Бундай хислат эгаси барчага эзгуликни раво кўради, яхшилик қилишга интилади ва охиратда унинг самарасини, хайрли мевасини кўради.

Ҳалқимизда "Меҳр бермай, одамлардан меҳр кутиб яшаш – ёзда осмондан қор кутишдек гап" деган нақл юради.

Меҳр дилингизда ва тилингизда бўлсин. "Ёмонлик – бутун нуқсонлар мажмуидир" дейишади. Ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган инсонларнинг бирорларга касофати тегишини ҳисобга олиб, уларга зинҳор-базинҳор ёндашмасликни кўпни кўрган инсонлар: Ёмонга ёндашма, яхшидан адашма" деган нақл билан ифода этганлар.

Дунёда топайин десанг омонлик  
Бирорга заррача қилма ёмонлик.  
деган мисралар ҳам ибратлидир.  
**Фарзандларим!** Барчангизга яхшилик доимо  
хамроҳ бўлсин!

## ЯХШИ ФАЗИЛАТЛАР СОҲИБИ БЎЛИНГ

Фарзандларим! Шуни ҳеч унумтмангки ақл белгиси камтарлиқдир. Камтарлик барчани ҳавасини ва ҳурматини қўзғатадиган ёқимли одатдир.

Мовароуннахирлик авлиёлар пири Хўжа Юсуф Ҳамадоний ўттиз саккиз марта пиёда хаж амалларини бажарган, муқаддас Қуръон китобимизни минг бора қироат ила ўқиб, саккиз минг бутпарастни мусулмонликка даъват қилган бўлсаларда, азбаройи ўзини хокисор тутган, тириклик важидан этик тиккан, дехқончилик билан ҳам шуғулланган, барчага иззатда бўлган.

Хўжа Ахмад Яссавий, шайх Баҳоуддин Нақшбанддек инсонлар ҳам камтарликни юқори қўйиб, кўнгилни ранжитишни қабоҳат деб билганлар. Улар ҳеч қачон буюкликни даво қилмаганлар, оддий инсонлар орасида бўлганлар.

Камтарлик кишиларни бир-бирига яқинлаштиради, такаббурлик эса узоқлаштиради. Зоро, ҳалол камтарона меҳнат билангина эл ҳурматини қозониш мумкин.

"Кишилар Мажнунтол олдига ҳадеб келаверганидан Мирзатеракнинг ғаши келиб, такаббурлик билан:

- Ёнимга, савлатимдан ҳайиқиб, унча-мунча одам кела олмайди. Сенга хайронман, олдингдан одам аримайди, ё сени назар-писанд қилишмайдими? Бунинг устига сени қўшиқка солғанларига бало борми? – дебди.
- "Сен, кибру ҳаво билан осмонга қараб интиласан. Соянг ҳам ўзингга яраша. Мен бўлсам ўзимни вояга етказган замин билан қаттиқ боғланиб, унга ҳурматдаю, таъзимда бўламан. Ёнимга кишиларнинг кўплаб келиши, балким, ана шу камтарлигимдандир. Сен кибрликни касб қилиб олиб, манманликка берилмаганингда эди, бунчалик эътибордан қолмаган ва охири кесилиб, оёқ остига тушмаган бўлар эдинг" деб жавоб берган экан мажнунтол.

Камтарлик – инсон қиёғасини безовчи бебаҳо фазилатлардан биридир.

Камтарлик бу эзгу ниятлилик, одамийлик, хушмуомалалик, бағрикенглик, иззат-икромни билишлилик, дүстлари ва умуман ўзгаларнинг қадрига етишлик, маънавий поклик демакдир.

Камтар инсон ўзини бошқалардан устун қўймайди, ўзига бино қўйиб, шуҳрат кетидан кувмайди, ютуқлардан эсанкирамайди ва мақтанчоқлик қилмайди.

Улуғлик одамлардан ранжимасликдан бошланади. Чунки ранжишда кибр бор, кибр эса қалб кўзини хиралаштиради. Демак, яхшиликни ҳам ёмонликни ҳам ўзимиздан излаганимиз маъқул экан.

Кузатиш, ҳаёт сабоқлари шуни кўрсатадики, тақаббурлик қилиб, ўйламай қилган ишлар, айтилган гаплар узоқ яшамасада, лекин унинг тавбаю-пушаймони кўп ва узоқ давом этади, инсон хотирасидан чиқмайди. “Билингки, кибр гунохи асло кечирилмайди, чунки у шайтони лайндан қолган меросдир” дейди араб донишманди.

Луқмони ҳакимдан ҳикматли сўз айтишни сўраганларида у шундай деган экан: “Уч йил илм ўқидим, тўрт подшоҳни кўрдим, ҳаётдан ўзимга тўғри хулоса чиқардим. Одамнинг вужудида тўрт ажойиб хислат бўлиб, уларнинг тўртта душмани ҳам бўлар экан. Улардан биринчиси ақл бўлиб, унинг ўғриси ғазаб экан. Иккинчиси саҳоват бўлиб, унинг ўғриси ҳасад экан. Учинчиси олийжаноблик бўлиб, душмани ғийбат экан. Тўртинчиси ҳаё бўлиб, унинг ўғриси таъма экан.

Билингки, бирордан таъма қилиш энг ёмон хислатдир. Аммо баъзи кишилар борки, барчага таъма кўзи билан боқадилар. Бирордан фойда етмаса, хатто ундей кишиларни одам деб санамайдилар. Мол ва ҳадя билан хушнуд қилган кишиларга эса қулдек лаганбардорлик қиласилар. Биз бу холатларни тез-тез кузатаяпмиз.

Агар қушлар одамлар қўйган донга таъма кўзи билан боқмаганларида эди, дом ҳалқаси уларнинг бўйнига тушмаган бўлар эди. Агар инсон таъма камарини

белига боғламаса, ҳорликнинг ботқоғига ботмайди. Таъмаси кўпнинг инсофи оз бўлади. Шу боис донолар: "Пархезгарлик бўстонининг гуллари хидидан фаросат бурни билан хидлай оладиган ҳар бир киши туғён ва ёмонлик манзилларининг энг аввали бўлган таъманинг тиконзор даласига азм этишни асло ихтиёр қилмасин" деган эканлар.

Таъмагир инсонларни ҳеч ким ёқтирмайди. Таъмагир киши тубанликка яқин туради. Бундай кимсаларнинг косаси шу боисдан ҳам ҳеч қачон оқармайди, улар нолиганлари нолиган. Шу боис бўлса керак, ҳалқимизда "Бир тўлишнинг бир тўқилиши бор" деган нақл юради.

Манмансираган, кибру-ҳаволи, такаббурли кишилар ўзларини "доно", "ақлли" деб санайдилар. "Мен" деган сўзни кўп пеша қиладилар. Сохта обрў орқасидан кувадилар.

Такаббурлик аслида ўзини бошқалардан устун ҳисоблаган, ўзгаларга нописандликдан келиб чиқади. Бундай шахслар ўз ҳатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари билан бошқаларнинг иззат-нафсига тегаётганликларини, кўпчиликка ёқмаётганликларини англамайдилар. Бундай одамлар кўпинча ўзларининг кўполликларини оқлашга уриниб "Менинг ҳарактерим шунаقا" дейишади. Кишилар унинг кўполлигини кечиришлари лозим-у, у ўзининг дилозорлигини йўқотмаслиги керак экан. Унинг ўзига кўполлик қилсангиз, у чидаб тура олмайди. Андишасизлик, бетга чопарлик билан кўполлик оғанидирлар. Андишасизлик энг ёмон иллат. Ўйламасдан, шарт-шароитни ҳисобга олмай гапиравериш сурбетлиkdir. Сурбетнинг эса виждони бўлмайди. Юрагида кин-адоват, кўзларида ғазаб бўлган одамнинг оғиздан чиқсан мулойим сўзларга ишониб бўлмайди. Уни дилидаги гап тилидагига тўғри келмайди. Қани энди иложи бўлса, худди электрокардиограммага ўхшаб, бу инсонларнинг тили ва дилидагиларни тилограмма ва

дилограмма ҳолида ёзиб, бир-бирига солиштирилса, бутунлай мос келмас эди. Бундай давр ҳам келар.

Кибр, манманлик одамни ёмонликлар қаърига етақлади, ақл устидан ҳукмрон бўлиб олади. Жалолиддин Румий: "Кибрлиларнинг ярамас одатларидан бири, уларга талаб қилган нарсларини берилса ҳам яна кўпроқ нарса олишни исташларидир" деган экан.

Таъмагирлик, пораҳўрлик қадимдан доимо қораланганд ёмон иллатдир. Ҳаттоки, пайгамбаримиз ҳадисларида ҳам таъмагирлик Аллоҳ билан жанг қилмоқлиқдир", деб қораланганд.

Ҳар кимнинг ҳалол яшамоги ва ишламоги учун лозим бўлган – хақиқий посбон-унинг виждонидир. Донолар айтганидек: "Виждон яхшиликни ёмонлиқдан ажратувчи – қозидир".

Донолар: "Инсон қалби жуда нозик. Шунга қарамай, у тўхтовсиз фаолиятда. Инсоннинг барча ҳаракати қалб ҳоҳишига боғлиқ. У истаса қўл ҳаракатта келади, оёқ юради, кўз кўради, қулоқ эшитади. У амр қилса, юз табассум қилади. Шу боис комилликни истаганлар ишни аввало қалбни иллатлардан тозалашдан бошлашади» дейишади.

Инсон қалбидаги иллатлардан бири ҳасаддир.

Ҳасад кишида ўзганинг мол-мулки ва бирон-бир фазилатига нисбатан уйгонган шайтон васвасасидир. Ҳасадчи ўзганинг фазилатлари ўзига берилишини ҳоҳлайди. Унга эга бўлиш учун ҳар хил чоралар излайди. Шу боис фирибгарлик, товламачилик сингари қингир йўлларга киради. Шу зайлда ҳасад ноҳақлик ва зулмни келтириб чиқаради. Кишилар орасига душманлик ургуни сочади.

Донолар: "Ҳасад худди кўркам ва бақувват дараҳтларга тушган заарқунанда куртга ўхшайди. Киши ўз вақтида ҳасаддан қутулмаса, бу курт унинг қалбини илма-тешик қилишга тушади. Кейин афсус-надомат қилишдан фойда йўқ" дейдилар.

Айтишларича, от пойгасида бир ҳасадгүй мэррага яқынлашаётганида оти қоқилиб кетиб, чопа олмай қолибди. Ўзи йикилибди. У дарҳол ўзини ўнглаб, олдиндаги сафда келаётган пойгачи отининг оёғи-остига ўзини ташлабди. Уни оғир жароҳатланган холда олиб чиқиб, нима сабабдан шундай қилганини сўрасалар: “У одам биринчиликни олгандан кўра, менинг ўлганим яхшироқ”, - деб жавоб берган экан.

Ҳасадчи доимо ўзгалар роҳатидан захмат тортади. Айбсиз одамни кўрган ҳасадчининг жаҳли чиқади. Шундай экан, азизларим, Сизлар бундай шахслардан узокроқ юринглар, улар суҳбатидан қочинглар.

Ўт-олов ўтинни қандай ёндиrsa, ҳасад олови инсонларнинг эзгу ишларини куйдириб, кўкка совуради. Ҳасадчилар ўзларининг ёвуз ниятларини амалга оширишга жуда уста бўладилар, буни на фақат одамлар, балки ҳайвонлар ҳам биладилар.

Бир тулки ҳар тарафга аланглаб, шошиб-пишиб қочиб бораркан. Бир одам уни тўхтатиб сўрабди: “- Тулковой, сенга нима бўлди? Қаерга қочиб кетаяпсан?

- Тулки: - Арслонни овлаб, кўлга туширмоқчи эканлар, деб эшитдим. Шунинг учун кўркиб, қочиб кетаяпман, - депти.

- У одам тулкининг сўзидан ҳоҳолаб кулиб: - Аҳмок, сен ҳеч арслонга ўхшамайсанку, орангизда ҳеч қандай муносабат йўқ-ку? депти. Шунда тулки: - Жим бўл, мени йўлдан қолдирма, агар ҳасадчи иғво билан овчиларга мени кўрсатиб: “Бу ҳам арслон боласи” десалар, овчилар текширмай-нетмай мени ҳам қўлга туширадилар. Шу билан улар кўлига тушиб, халокатга гирифтор бўламан”, - деб шошилиб қочиб кетибди.

Билингки, ҳасадчининг кўлидан ҳар бало келади. Агар ҳасадчининг ёмон фикридан боҳабар бўлиб қолганингизни билса, у усталик билан бу йўлдан ҳам кутилиб қолишга ҳаракат қиласди. Қуидаги ҳикоятга бир эътибор беринг-а.

Ҳасадчи бирорнинг қўйини ўғирлаб келиб, сўйиб олибди. Буни сезган бир мулла: "Нега бирорнинг қўйини ўғирлаб, сўйиб олдинг, қиёмат куни маҳшаргоҳда нима деб жавоб берасан", деган экан у: "Тониб туравераман. Гувоҳ топа олмайди", депти.

- Қўйнинг ўзи келиб, гувоҳлик беради, депти мулла. Шунда ҳасадчи: - Ахир, маҳшаргоҳда қўйнинг эгаси менинг ёнимда бўладику, тўғрими?
- Қўйи келиб гувоҳлик берса қулоғидан тўтиб, эгасига топшираман, қўяман, шу билан ора очиқ бўлади, деган экан.

Саҳобалар пайғамбаримиз (САВ) дан : " Ё Расулуллоҳ! Дил ҳам кирланадими? деб сўраганларида, пайғамбаримиз: "Ҳасадгўйнинг иғво, фитнаю-фасодлари дилни қора қиласди" деб жавоб берган бўлса, "Дил нима билан тозаланади? деган саволларига эса, "Оқибат, эзгу амаллар, бирорни иғво қилишдан тийилиш билан тозаланади" деган эканлар.

Ҳакимлар айтади: "Эй одамлар, дўстлик ва меҳрибонлик ўғриларидан сақланинг, бундай ўғриларга чақимчи, иғвогар, ҳасадчилар киради. Ўғрилар мол ўғирласа, бундай шахслар одамлар орасидаги дўстликни, тинчликни, меҳру-муҳаббатни ўғирлаб, фитна-фасод кўзғатадилар".

Ёш шоири Дилфуз Абдуллаева бундай инсонларга қаратади:

Босган изинг пойлашиб,  
Ёнгинагга жойлашиб.  
Бир гапга ўнни қўшиб,  
Миш-миш қиласар кимсалар.

Бор бўлса кўролмаслар,  
Йўқ бўлса беролмаслар.  
Тилини тиёлмаслар,  
Миш-миш қиласар кимсалар.

Қўрқмайдилар Аллоҳдан,  
Нопок қилмиш, гуноҳдан.

Кир ахтариб тирноқдан,  
Миш-миш қиласар кимсалар.

Гаплари захри қотил,  
Ундан озор топар дил.  
Гоҳ ошқора, гоҳ ғофил,  
Миш-миш қиласар кимсалар.

Бирорларнинг ютуғига хавас билан қараш, ўз холига шукр қилиш керак. Берилган ҳар бир неъмат ва фазилатнинг ҳикмати борлигини унутмаслик ҳасадгўйлик касалига қарши энг фойдали муолажадир.

Азизларим! Айтишларича Ҳусайн Байқаро даврида кўплаб мадрасалар, кўприклар, бозорлар курилибди. Ҳалк аҳволи яхшилана борибди. Ҳамма ҳурсандмиш.

Қарангки бир инсон шунча яхши ташаббусларни кўрсада, эгри гапдан қолмасмиш: яъни "курилган кўприклар мустаҳкам эмас, мадрасаларниғиши яхши пишмаган, бозорлардаги тартибсизликларга чидаб бўлмайди. Мен қашшоқ, ҳалқ қашшоқ".

Буни эшитган ёш йигитларни ғаши келиб, тили ва дили эгри бу ношукур кимсани қози олдига олиб боришибди ва воқеани баён қилишибди.

Шунда қози: "Нега сенинг кўзинг ҳамма нарсани тескари кўради, инсофинг борми, ўзи?" дебди унга.

Бу шахс безрайиб, қуёш томонга елкасини тутса, ёнбошига қийшиқ эгри соя тушибди. Шунда у: "Ҳамманинг сояси тўғри-ю, менини эса эгри, нега шундай? Бунга қуёш айбдор" дебди. Ношукурни қарангки, ер юзига бирдек нур сочиб турган қуёшни айбдор қилиб, кутилиб қолмокчи бўлибди.

Бу шахс қилиғидан ҳайрону-пол қолган қози "Уни соясини ҳам, қорасини ҳам ўчиринглар" деб амр қилган экан.

Дунёда инсонлар ҳар хил бўларкан. Бирор ҳалол яшасам, одамларга фойдам тегса, деб ҳаракат қилса, бошқаси ўладиган жонга яшаб қолиш керак, ўзгалар билан нима ишим бор, қабилида фикр юритаркан.

Бирор элим, юртим деб ёниб яшайди, бошқаси күпчилик рисқини уйига ташиб яшайди. Бирор инсонлар учун бало-офатларга күксини қалқон қилса, бошқаси панадан макон топиб, эл-юрт ғамида юрган фидой инсонларнинг эзгу ишларини кўра олмай, иғво билан уларни яксон этади.

Фарзандларим! Билингларки, иллати бор шахсдан яхшилик кўтиб бўлмайди. Шу боис, бир шоир:

Иллат излаганга иллатдир дунё.  
Ғурбат излаганга ғурбатдир дунё.  
Ким не изласа топгай бегумон,  
Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё.

деган бўлса, иккинчи бир шоир:

Иғвогар кир излар тирноқ остидан,  
Мағзава сочади, баланд-пастидан.  
Ёнингга йўлатма, сухбатидан қоч,  
Кўплар ўлиб кетди унинг дастидан

деган экан.

Инсон вафот этганида, газеталарда таъзиянома берилади. Унда вафот этган шахс шаънига ёқимли сўзлар ва ҳамду-санолар ёзилган бўлади. Агар шу ёқимли сўз ва ҳамду-саноларнинг лоақал бир қисми тириклигига амалда ўз ифодасини топганида, эҳтимол шу шахс узоқ умр кўриши мумкин бўларди.

Маълумки, тадбиркор, уддабуррон, ишбилармон кишилар ҳаётда ташаббускор бўладилар. Бусиз бирор самарага эришиш мушкул. Ташаббускорлик жасоратни тақозо этади. Буни кўра олмайдиган инсонларнинг мақсади бир: ташаббусни қўлдан чиқариш, иродани сўндириш, ҳаётдан бездириш. Бунинг учун улар ҳеч нарсадан тап тортмайдилар. Тегирмон тошини бошингиз узра чарх урдираверадилар, урдираверадилар. Агар ишингиздан нуқсон топиша олмаса, оиласвий ҳаётингиздаги икир-чиқирлар, қачонлардир кимлар биландир ўртада бўлиб ўтган гап-сўзлар ҳам улар учун дастак бўлаверади.

Бундай кимсалар хатти-ҳаракатини бир шоиримиз қуидагича таърифлайди:

Шундайлар бор сенга лутф айлаб,  
Дүстман дея қўлинг тутарлар.

Лекин ҳар зум қадаминг пойлаб,  
Хато қилишингни кутарлар.

Хато қилсанг уларга байрам,  
Йўқса захру-закқум ютарлар.  
Майли жиндак зарра бўлса ҳам,  
Хато қилишингни кутарлар.

Хатоларинг керак уларга,  
Шох новдангни дарҳол бутарлар.  
Хатто кунни улаб тунларга,  
Хато қилишингни кутарлар.

Ахтарурлар ҳамиша иллат,  
Етти пуштинг гўрин титарлар.  
Фақат унма, улғайма фақат,  
Хато қилишингни кутарлар.

Улар сенга бир умр йўлдош,  
Содик, хамроҳ каби ўтарлар.  
Қабринг узра эгсалар ҳам бош,  
Хато қилишингни кутарлар.

Хузурингизда бировни гийбат қилган инсон, билинг-  
ки, бошқаларга сизни ҳам гийбат қиласди. Ичи қора,  
ҳасадгўй киши истеъдодли кишилардан ўрганиш ўрнига,  
уларга баҳиллик қиласди. Истеъдодини, шаштини бўғади.

Бундай инсонларнинг қабих ниятларидан огоҳ  
бўлинг!

Яна ёмон иллатлардан бири ҳушомадгўйлик,  
лаганбардорликдир. Илгари катта амалдорлар (масалан  
амирлар) дастурхонда турган лагандан бирон нарса  
олмоқчи бўлса, (хатто назар солганда ҳам) унинг  
атрофидаги шахслар дарҳол лаганин кўтариб  
турганлар "Лаганбардор" деган сўз ҳам шундан келиб  
чиқсан, дейишади.

Устоз Саъдий лаганбардорларни: "Агарда амалдор ёп-ёруғ кундуз күнни инкор этиб, уни қоронғи кече деса, лаганбардор осмонга қараб: "Тұғри айтасиз, тақсир, ана ой, ана униси ҳулкар, дейди" деб таърифлайди.

Ёки бошқа мисол. Амалдорга бир лаганбардор уни үглини мақтаб, жуда билимдон ақлли бола бўлибти, деб амалдор олдида болага битта савол берибди: "Айтингчи, үғлим, икки ёнида биттадан пати бор, бошида токи бор, тонг сахарлаб қичқиради, у нима? депти. Шунда бола: "Бу қуён" деб жавоб берибди. Шунда ҳалиги лаганбардор: "Жуда тұғри айтдингиз. Агар "хўроз" деганингизда янада тұғри бўларди, деган экан. Кўрдингизми, гапни ўнглашини.

Академик Т.Н.Қори – Ниёзий бундай лаганбардор кишилар тұғрисида: "Лаганбардор кўпинча ширин, оғуланган сўзлар топиб, раҳбарнинг юрагидан ўз мақсадига мувофиқ жой топишга уринади ва кўп ҳолларда уни топишга муваффақ бўлади ҳам. Натижада тажрибасиз, ёш раҳбар у туфайли тұғри йўлдан адашиши мумкин" деган экан.

Ҳаётнинг кўрсатишича, бундай шахслардан қутилиш йўли кўпинча битта бўлади, яъни унинг гапини эътиборга олмаслик, "Ит хуради, карвон ўтади" қабилида иш тутиш. Лаганбардорликни, хушомадни ҳурматдан фарқлай билиш лозим. Ҳурмат ғаразсиз бўлади, унинг асосида ростгўйлик, виждонийлик, меҳнатсеварлик, камтарлик каби ижобий фазилатлар ётади. Бунга эътибор беринглар:

Инсоннинг юраги, мияси ва асаблари баъзида майда чуйдалар билан айниқса иғвогар шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари билан жароҳатланиши жуда ачинарлидир. Лекин минг афсуски, айрим истеъдодли, ҳалол, пок, виждонли инсонлар ўз ҳаётлари мобайнида шундай разил инсонлар зарбаларига кўпинча дучор бўлишади. Шу холатларни кўп кузатган бир кекса нуроний уларга қаратса: "Худодан, баҳт бер, деб сўраганларни кўрдим, худодан фарзанд бер, деб

сүрганларни күрдим, худодан, давлат бер, деб сүрганларни күрдим, фақат, эй яратган Эгам, мен нодонга бир чимдим ақл бер, деб сүрган бандасини күрмадим" деган экан.

Бир инсон машхур бир табибнинг олдига келиб: Агар билмай гуноҳ иш қилиб қўйсам, уни дориси борми?" деб сўрабди. "Ҳа, бор" дебди табиб: "Ҳар куни тавбанинг томири билан истиғфорнинг япрогини қалбинг ҳавончасида тавхид тўқмоғи билан туй, инсоғ элагидан ўтказ, кўз ёшларинг билан йўғир, ишқ тандирида пишир, бомдоддан то шомгача тановвул қил" деган экан.

Жигарларим! Юқоридаги ўйтларни мағзини чақинглар, керакли хулосалар чиқаринглар. Қуйидаги шоирларимизни шеърий мисраларига бир эътибор беринг-а, улар сизларни албатта яхши йўлга чорлашига ишонаман. Биринчи шеър:

Умр дарё, инсон карвондир,  
Ҳаёт унга мангу сарбондир.  
Ўтган кунлар бизга армондир,  
Оқибатни асранг одамлар.

Ҳеч баҳорсиз сўлмасин юрак,  
Меҳрга зор бўлмасин юрак.  
Аламлардан тўлмасин юрак,  
Оқибатни асранг одамлар.

Молу-давлат ҳаёлин олар,  
Ажал бир кун сиртмоғин солар.  
Ҳаммадан ҳам яхшилик қолар,  
Оқибатни асранг одамлар.

Дейдиларки омонат дунё,  
Бир-бирига ҳиёнат дунё.  
Беш кунлик, бу ғанимат дунё,  
Оқибатни асранг одамлар.

Ҳаёт ўзи ечиб бўлмас сир,  
Кўзинг етмас жуда олис қир.

Инсонларнинг борар жойи бир,  
Оқибатни асранг, одамлар.

Дўстим менга кавламагин чоғ,  
Бошинг узра турар баланд тоғ.  
Бу кўнгиллар меҳрга муштоқ,  
Оқибатни асранг одамлар.

Иккинчи шеър:

Дунёда меҳмонлар дунё талашса,  
Хешу-акраболар ола қарашса.  
Бир-бирига ҳасад нигоҳ қарашса,  
Хайқиргим келади шундайин дамлар,  
Бағри кенгроқ бўлинг, азиз одамлар!

Она фарзандига меҳрин бермаса,  
Ошиқ ёру учун гуллар термаса.  
Фарзанд онасини йўқлаб келмаса,  
Хайқиргим келади шундайин дамлар.  
Меҳрлироқ бўлинг, азиз одамлар!

Ҳаёдан сўзласа ҳиёнаткор зот,  
Дилларни тарқ этса чин севги, хайхот.  
Садоқат кундан-кун кўпга бўлса ёт,  
Хайқиргим келади шундайин дамлар,  
Вафолироқ бўлинг, азиз одамлар.

Инсоннинг инсондан кўнгли қолса гар,  
Меҳру оқибатга дарз кетса агар,  
Суянч бўлаолмаса жигарга жигар,  
Хайқиргим келади шундайин дамлар,  
Диёнатли бўлинг, азиз одамлар!

Дўст деб ишонганинг содиқ бўлмаса,  
Ғаму-шодлигинг баҳам кўрмаса,  
Яхши, ёмон кунда ёнда турмаса,  
Хайқиргим келади шундайин дамлар,  
Садоқатли бўлинг, азиз одамлар.

**Азизларим!** Одамлар билан муомала қилаётганда эҳтиёт бўлмоқ, рост билан ёлғон сўзни фарқлай билмоқ керак. Хушомад сўзини эшитадиганлар кўп бўлганидек, рост сўзни чин дилдан эшитадиганлар камдир. Ҳар ким ростлик йўлини ихтиёр қилса, сўзида ёлғон бўлмаса, зафар унга доимо ёр бўлади.

Абу Холид Фаззолий: "Ёмон ҳулк заҳарли илон ва чайёнларга ўхшайди. Кимдир кўйлагимизга ёпишган чайённи кўриб: "Ана этагингдан чаён кириб кетаяпти" деса, унинг бу огоҳлантиришидан миннатдор бўламиз, тезда бу заҳарли хашоратни ўзимиздан узоқлаштиришга ҳаракат қиласиз, уни ўлдирамиз. Чаён захрининг баданга таъсири бир кун ёки ундан кўпроқ бўлар. Аммо ёмон аҳлоқнинг қалбга таъсири ундан хавфлироқ. Негаки, унинг зарари ўлимдан сўнг ҳам давом этади. Афсуски, ёмон ҳулқимиздан самимий холда огоҳ этган кишига: "Ўзинг ҳам фалон-фалон ишларни қилардинг-ку!" деб таъна ёғдирамиз. Бу хол қалбимизнинг қорайганидан, қотганидан далолатдир" деган экан.

Агар бирор сизларнинг айбингизни кўрсатса, уни чуқур мулоҳаза билан таҳлил қилиб, у рост бўлса, уни тузатишга, ювишга ҳаракат қилинглар.

Танқидни ҳам кўтара билиш керак. Танқид тўғри бўлса, аччиқ гаплар замираиди ҳасад, бирорнинг ютуғини кўраолмаслик, ичи қоралик йўқ бўлади.

Ёлғончилик аҳлоқ бузилишидан дарак берувчи феълдир. Бу феъл энг қабих, феъллардан ҳисобланади.

Бундай феъл соҳиблари одамлар ҳақида беъмани сўзларни сўзлаб юрадилар. Ёлғонга бўхтон яқин туради.

Ёлғон билан бўхтоннинг фарқи шундаки, ёлғончи ишлари ҳақида ёлғон гапирса, бўхтончи бошқалар ҳақида ёлғон гапларни гапириб юради. Булар ҳалқнинг обрў-номусига, касбу-корига дахлдор беъмани сўзларни тарқатишлиари билан оқибат натижасида кўлчиликнинг нафратига учрайди.

Ёлғончилик барча гуноҳларнинг бошидир. Ёлғончи ўз орзусига етишиш учун ёлғондан иборат сўзларни

тұқииди, бирор ҳақида бўлмагур гапларни сенга, сеникини эса уларга етказади. Уни рост деб исботлаш учун қасамлар ичади. Қасам билан ёлғонни ёпмоқчи бўлади. Бирон киши уни ёлғончилигини ошкор қилса, уни ўзига душман деб билади.

Натижада икки орада адоват ва жанг бошланади. Бу жанг эса кўпларга зарар келтиради.

Кўп ҳолларда ёлғончилар уни ёлғон гапираётганини гўёки бошқалар фахмламайдилар, деб ўйлайдилар. Асло ундаи эмас. Баъзи ҳолларда кўзларини бакрайтириб, ёлғон сўзлаганларида нафратингиз ошади, ўз обрўсига яраша иш қилмаётганидан у эмас, сиз уялиб кетасиз. Начора, уларга Аллоҳнинг ўзи инсоф берсин. Бундайларга қаратади: “Юзинг қаро бўлса айб эмас, юрагинг қора бўлмасин” дегинг келади.

Арасту айтади: “Ориятли инсон учун ростлик йўлида ўлиш, ёлғончи бўлиб узоқ яшашдан афзалдир”. Балки, “Эгри дарахтнинг сояси ҳам эгри бўлади” деганлари ҳам шуларга аталгандир.

Бу борада, фарзандларим, ибрат кўзини очиб, фаросат билан иш тутинглар. Доимо рост сўзлашга ҳаракат қилинглар. Тўғрилик одамни балолардан кутқаради, ёлғончилик эса чохга етақлайди.

Ёшлик чоғингизда бу фазилатни орттириш учун захмат чексангиз қариганингизда бу фазилатнинг ўзи сизга хизмат қиласи.

Ҳалқимизда “Қилмиш-қидирмиш” деган нақл бор. Бирорга тухмат қилиб, вақти соати келиб, унинг жабридан ўзи азият чеккан кишиларни кўп учратганмиз.

Инсон қалби яратганинг мўъжизасидир. Уни вақти-вақти билан яхши фикр, зикр, шукр или оҳорлаб турилмаса, киши бошига сезилмас оғатлар ёғилаверади. Буларни доимо ёдда тутинглар!

## ЗАРАРЛИ ОДАТЛАРДАН САҚЛАННИҢ

"Саломатлик – туман бойлиқ" дейди доно ҳалқымыз. Қадимда бир донишманддан: "Одамни нима баҳтли қиласы, бойликми ёки шон-шұхратми?" - деб сұрабдилар. "Бойлиқ ҳам, шон-шұхрат ҳам одамни баҳтли қила олмайды. Тани жони соғ гадо ҳар қандай бой одамдан баҳтлироқдир", деб жавоб берган экан у".

Дархәқиқат шундай. Соғлигининг мазаси йүқ одам баҳтли бўлмайди, бетоб одамга ҳеч қандай бойлиқ ҳам татимайди. Аммо сиҳат-саломат, бақувват бўлиб юриш кўп жиҳатдан одамнинг ўзига боғлиқ. Лекин биз саломатликни сақлашга кам эътибор қаратамиз. Касал бўлиб қолганимиздагина унинг аҳамияти тўғрисида фикр келади. Холбуки одамнинг бадани парваришга муҳтож, айни пайтда бошқариладиган тизим.

Шу боис, ҳар бир соглом яшай деган инсон соглом турмуш тарзи ва маданияти тўғрисида билим ва малакага эга бўлиб, уни кундалик турмушда қўллаб, тўсатдан ўлимдан омон қолиб, соглом ва баракали умр кўриши мумкин. "Ҳар ким ўз баданининг табиби бўлиши керак" деган хикматли сўзнинг тез-тез тақорланиб туриши ҳам шу маънога таълуқлидир. Соглом турмуш тарзи – бу кундалик турмушни биологик ва ижтимоий қонунлар асосида ташкил этиб, саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган турмуш тарзидир.

Бунинг учун азизларим заарли одатлар ҳақида бироз тўхтамоқни лозим топдим. Заарли одатлар деганда кўпинча одамлар кашандалик, ичкиликбозлик, гиёхвандликни тушунишади.

Холбуки, соғлиққа зиён қиласидиган ҳар қандай одат борки, уларни заарли одатлар сирасига қўшиш мумкин. Бундай одатларнинг энг кўп шаклланган турларидан овқатхўрлик, дангасалик, ахлоқий тубанлик, ҳасадгўйлик, жаҳлдорлик, ифлосликка кўникиш, тартибсиз турмуш кабиларни киритиш мумкин. Соғлиққа зиёни жихатидан

улар ҳам кашандалик, ичкликтөзлилік, гиёхвандлықдан қолишмайдилар.

Айтадилар: "Ароқ үзи оқ, аммо у бурунни қизил, дилни қора, обрүни эса бир пул қиласы" ёки "Коринга кирған май-ичкаридаги беъмани сүзларни хайдаб чиқаради. Бу сүзлар кейин уни бошига етади".

Чекиши хавфли. Тамаки тутуни таркибида азот, углерод оксиди, никотин, иштаханы қитиқловчи ва саратон касаллигини күзгатувчи канцероген моддалар бор. Бу моддалар организмге ётдир. Чекишиңи бузиб, ўпка, жигар ва юрак хасталикларига олиб келади. Статистик маълумотларга кўра, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида дунёда бир йилда 3,5 миллион шахс бевақт вафот этаркан. Америка Кўшма штатларида тиббиёт ходимлари 2006-2008 йилларда шундай хуносага келдиларки, кунига 20 тадан сигарета чекадиган инсонлар ўртасида чекмайдиган кишиларга нисбатан ўпка раки 20 баробар кўп учрар экан. Француз олимлари маълумотига қараганда (2005 йил) етук ёшида ўпка силига учраган 100 та бемордан 95 таси кашанда экан. 20 ёшгача чека бошлаганлар орасида рак касалликлари чекмайдиганларига нисбатан 6-баробар кўп учрар экан.

Тамаки чекиши одам учун муҳтоҗлик эмас, балки зарарли одат ҳисобланади. Ёш ўсмирлар каттапарга тақлид қилиб, ўзларини катта қилиб кўрсатиш мақсадида чекиши ўрганадилар. Сигаретани бир-икки марта татиб кўргандаёқ, унга ўргана – қолади.

Қани энди кашандалар тамаки чекишининг нафас олиш аъзоларининг хавфли касалликларига сабаб бўлишини билсалар эрди.

Рентгенда соғлом одам ўпкаси худди майсазорга ўхшаб кўринади, кашанданинг ўпкаси эса чағир тошлар тўла қуриган саҳрони эслатади. Демак, узоқ йиллар чекиши ўпкани адои-тамом қиласиди.

Ҳалқымиз орасыда тамаки чекадиган одамни уйига ўғри түшмайды, уни ит қопмайды, у қаримайды, деган гап юради.

Бу тұғри гап. Кашандада доимо йұталади, ўғри уй эгаси уйғоқ экан, деб күрқади. Уни ит қопмайды, чунки кашандада мінг дардга мұбтало бўлиб, хассага таяниб юради, ит эса табиийки калтакдан күрқади. Кашандани ўлкаси чириб, қарилек ёшига етмай, ёш вафот этади. Хўш тамаки шу қадар ёмон нарса экан, ақлли одам ўз соглиги, келажаги, оиласи, болалари баҳт-саодати ҳақида ўйлаши керакми ёки йўқми?

Агар шахс папиросни ташқарыда чекмай, уй ичида чекса, (бу хол кўп кузатилади) у холда унинг тутинидан оиласи, болалари ҳам баҳраманд бўлади ва улар кўпроқ зарарланадилар (Буларни пассив чекувчилар деб аталади).

Яна шунча дона сигарета чекиш йилига бир марта ярим пиёла смола ичган билан тент экан.

20 дона сигаретдаги никотин чекмайдиган одам учун ўлим дозаси ҳисобланади.

Пассив чекувчиларда 20-30 % ҳолларда юрак иллатлари пайдо бўларкан. Ёш болаларни бўйи ўсмай қоларкан, бронхиал астма, бронхит, зотилжам ва ўрта қулоқ касалликларига улар кўп чалинар эканлар.

Француз олимларининг фикрича бир кунда 10 та сигарета чекадиган ота-онадан тугилган бола тенгдошларига нисбатан касалликка кўп чалинаркан.

Тажрибалардан шу нарса маълумки, кашандада астойдил истаса ва иродали бўлса, тамаки чекишини бемалол ташлай олади. Ҳозир чекишини ташлаш учун яна "Табекс" деган дори чиқсан. У дорихоналарда сотилади. Бу препаратни схема бўйича қабул қилинади.

Туркман донолари:

Тамаки заҳар, ундан қыл хазар  
Чексанг пулинг ҳам, ичинг ҳам куяр

деб бежиз айтмаганлар.

Охирги пайтларда наркотик моддаларни истеъмол қилиш кучайди. Буни сизлар газета, журнал материалларидан ўқиб ёки телевизор, радио орқали кўп бор хабардор бўлаяпсизлар.

Гиёҳвандлик бугунги кунда бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган иллатлардандир. Ҳар йили унинг тузогига минглаб, юз минглаб инсонлар тушиб қолаётир. Уларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил қилмоқда.

Бу оғу не-не умидларни ҳазон қилаётир, гулдек йигит-қизлар унинг макрига учиб, ҳалокат гирдобига ғарқ бўлишмоқда. Шу бало туфайли қанчадан-қанча ногирон гўдаклар дунёга келаётир, қанчадан қанча оиласлар парчаланиб кетмоқда.

Турли беандиша томошалар, шармсиз фильмлар, ёшларимиз онгини заҳарламоқда. Бу эса ўз навбатида фаҳш, зино, бузуқлик сингари ярамас, ёмон иллатларнинг кўпайиб кетишига замин бўлаётир. Гоҳида ўзбек қизларининг ҳам ана шундай жирканч кўчаларда жавлон ураётгани, хатто чет элларда ҳам шу йўл билан даромад орттиришга интилаётгани ҳар бир номусли, виждонли инсонни ўйлантириши табиийдир. Енгил-елпи ҳаёт, шахвоний лаззат илинжи одамларни не кўйларга солиши маълум.

Ҳозирда "ОИТС" деган даҳшатли касаллик мавжуд. Бу касаликка чалинаётганларнинг асосий қисмини аҳлоқий бузуқ ҳамда гиёҳвандликка берилган кимсалар ташкил этади.

ОИТС инсонни мажбурламайди, излаб топмайди. Аксинча, инсон уни топиб, асирига айланади. Унинг домига тушдингми - ўзингни - ўзинг ўлимга маҳкум этасан. Гиёҳвандлик ҳеч кимга наф келтирган эмас. Унинг бир неча дақиқалик кайфу-сафоси одамни дўзахга элтаётганлигини ҳамма - ҳамма чуқур идрок этиши керак. Инсоният яралибдики, касаликка қарши курашади. Ҳаёт бор экан, бу кураш тугамайди. Негаки, кеча ва кундуз, яхши ва ёмон, узун ва қисқа доим бирга бўлгани каби саломатликни кушандаси касаллик ҳам доимо

инсон билан бирга юради. Фақат уни күпайиб, тарқалиб кетишига йўл қўймаслик лозим. Акс холда инсонлар курбон бўлишидек ачинарли вазият юзага келиши мумкин.

ОИТС, фахш ва наркоманиянинг бир кориндан талашиб тушган қондошлар десак, тўғри бўлади. Билиш керакки поклик, тозалик, соғлом турмуш тарзини ўзига шиор қилиб олган инсонга бу балолар хавф солмайди.

Шуни билингки, ёмон одатларга боғланиб қолишни, унга интилишни асосий сабаби мияни танани қулига айланиб қолишидир. Тана ёлғон фалсафа: "Дунёга бир марта келасан, е, ич, айш-ишрат қил, эртанги кунни ўйлама" тарзида бошқаради.

Бундай яшашнинг охиривой! Агар инсон берилган имкониятлардан фойдаланиб, мия онги ёрдамида, табиат конунлари асосида танасини бошикармаса, у ўз танасига қарши жиноят қилган бўлади.

Азиз фарзандларим! Ҳозирда бизнинг соғлиқ йўлидаги ҳаракатимиз ана шу заарлар одатларни кундалик турмушдан буткул чиқариб ташлашга, уларга қарши курашга, кундалик ҳаётда соғлом турмуш тарзига риоя қилишга қаратилган бўлиши керак.

## ТАБИАТНИ АСРАНГ

Одамнинг саломатлиги ташки мұхит билан чамбарчас боғланган. Абу Райхон Беруний одамлар тузилишларининг турлича бўлишлари фақат насабагина боғлиқ бўлмай, балки одам яшайдиган жойлардаги тупроқ, сув, ҳаво ва ерга боғлиқлигини таъкидлаган.

Зилол сувлар, ям-яшил дараҳтлар одамлар саломатлигига кони фойда эканлиги ҳаммага аён.

Сув азалдан қадрланган, эъзозланган. Барчани сувга эҳтиёжи бор.

Кунлар исиб, бадан қизиши биланоқ киши ўзини сувга отади. Шунда у ўзини енгил ва ҳушёр сезади. Сув баданни кирдан пок қилибгина қолмай, балки терини кўзини очади. Сув таъсиридан бош мия ҳушёр тортади, чукур нафас олинади, юрак дадил уради, мушакларнинг таноби тортилади.

Сув бамисоли гавҳар. Кейинги пайтларда "сувни бошланишидан ичган асал ютади, охиридан ичган заҳар ютади" деган мақол пайдо бўлиб қолган. Нега? Чунки кўп ҳолларда ариққа ташланган ахлат, мағзава, темир терсаклар, шиша парчалари ва овқат қолдиқларининг бир-бирларига қалашиб, ириб-чириб ётганини кўрасиз, таъбингиз хира тортади.

Айрим ташкилотлар, ҳаммомлардан оқиб чиқаётган оқава сувлар ҳам зилол сувларни ифлослантираётганини газета материалларида ўқиб қоласиз. Буларнинг ҳаммаси гуноҳи азимку. Қуйидаги ривоятга бир эътибор беринг-а.

Унда айтилишича, ниҳоятда баҳтиёр бир оила бўлган экан. Улар катта анҳор бўйида, мева-чеваларга бой боф ичида истиқомат қиласканлар. Шундай баҳтиёр кунларнинг бирида Аллоҳ уларга пахлавондек ўғил берибди. Келинчак боласини еру-кўкка ишонмас, оқ ювиб, оқ тарапкан. Бир куни ховлини супуриб юрса, боласи йиглаб қолибди. Она болага шошилиб, тўпланган ахлатни анҳорга ташлабдида, уйга қараб чопибди.

Аммо шу кундан бошлаб, бола гулдек сўлиб борибди ва оғир дардга чалиниб, тузалмабди ва вафот этибди. Келинчак Аллоҳдан бошқа фарзанд сўрабди. Лекин у бошқа фарзанд кўрмабди. Бир куни тушида анҳор тўла чақалоқ оқиб келаётганмиш, уларни ушлай деса, ушлай олмасмиш.

Шунда бу аёл бир донишманд олдига бориб тушини таъбирини сўрабди. Шунда донишманд уни обдон тинглагач: "Сиз анҳорга ахлат ташлаганмисиз, қизим", деган экан.

Айтишларича, туни билан фаришталар ховлига қутбаракани сочиб юришаркан, уй ичидаги ахлатни кўчага улоқтирангиз, қут – баракани ҳам улоқтириб юбораркансиз.

Отам раҳматлининг ибратли хислатлари кўп эди. Исрофдан сақланинглар, ҳамма нарсанинг уволи бор дердилар. Ариқдан оқиб келган нон бурдаларини четга олиб кўйиб, буни қайси тарбиясиз ташладикан, деб кўярди. Агар сувда турли чиқиндиларни кўриб қолса, биз ўйнаётсак, уни кўрсатарди ва: "Сувни ифлос қилган, сувга тупирган одам кўр бўлиб қолади, зинҳор бундай қилманглар, деб насиҳат қилардилар. Биз ҳам ўз навбатида агар болалардан биронтаси билмай сувга бирон нарса ташлаб юборса, тезда ол, бўлмаса кўр бўлиб қоласан, деб бир-бирларимизга танбех берардик. Ҳозирда нима бўляяпти, буни Сизларга тушунтиришга хожат йўқ. Ўзларинг кўриб турибсизлар.

Отамнинг яна бир одатлари бор эди. Юрган йўлларида хас-чўп, тош, кесакни, қофозларни, нон ушоқларини кўриб қолсалар, уларни чётга олиб кўяр, қофозларни йигиб тандирга ташлар, нон қолдикларини эса ўпиб, пешонасига суртиб, баландроқ жойга кўярдилар.

Билингки, бизнинг миллий қадриятларимиз, урф одатларимиз, турмуш тарзимиз экологик тарбиянинг бешиги бўлган.

Қадимдан бир түп ниҳол экиш катта савоб, ҳайвонот оламига шафқатли бўлиш, хатто чумолига ҳам озор бермаслик, ариқ,ховуз, анҳорлардаги сувни тоза сақлаш каби урф-одатларимиз - замирида борлиқни асраш фалсафаси мужассам бўлган.

Ўйланг, хонадонда бир кун сув бўлмай қолса, ҳамма ёқقا жар соламиз. Лекин хонадонимизда beminnat оқиб турган сувни ортиқча сарфламаслик учун вақти келганда жўмракни бураб қўйишдек оддий юмушга онгли муносабатда бўлмаймиз. Ҳалқимиздаги: "Олдингдан оқкан сувни қадри йўқ" деган нақли балки шунга тегишилдири.

Ҳар бир инсон ҳар бир хонадонда юқоридаги ишни амалга ошиrsa, қанча сув исроф бўлмас эди.

Айтишларича, Тошкент шахрининг бир туманида шу тажрибани ўтказгандаридан киши бошига кунига 320 литрдан сув тежаб қолинибди. Қаранг, тежамкорлик, сувнинг қадрига етиш қандай ижобий натижа берибти.

Ислом динида сувни исроф қилиш, ортиқча тўкиб-социш гуноҳи азим ҳисобланади. Сувни ҳаром қилган кишини Аллоҳ кечирмайди. Ариқ яқинларига хожатхона ёки молхона курмайди. Имони бор киши ҳеч ҳам табиатни булғамайди, ўлган ҳайвонларни сувга отмайди, сувга ювинди тўқмайди.

Сув бизни асрайди, биз ҳам уни асрашимиз керак. Сув борки, кўчаларимиз, маҳалламиз, юртимиз яшнаб турибди. Сув борки, боғлар, тоғлар, гулзорлар яшнайди. Уларни кўриб, инсонларнинг қалблари ҳам яшнаб туради.

Ўлкамизда сердараҳт кўчалар, шифохона ва санаториялар, боғлар, ҳиёбонлар жуда кўп. Яна турли туман гиёҳларни айтмайсизми? Булар ўлкамизни серфайзлигидан далолат беради.

Яшил ҳазиналар юртимиз бойлиги. Улар табиатнинг дармондорилариданdir. Улар ҳаводан карбонат ангидридни олиб, тирик мавжудотга зарур кислородни тайёрлаб, етказиб беради, ҳавони мусаффо қилади.

Шу боис табиатни асраш учун ҳар бир ориятли инсонга: "Сиз күчат экканмисиз" деб гоҳо-гоҳо савол берип турилади.

Жавоб: "Ха" бўлса, кўнглинг яйрайди. Агар жавоб "Йўқ" бўлса, бир ижирғанасизда, сўнг: "Сиздан бир илтимос, у ҳам бўлса шоҳ ва кўчатни асло синдираманг, шунда сиз табиатга катта меҳрибончилик кўрсатган бўларсиз, бу илтимосни бажариш қўлингиздан келар" деймиз.

Ривоятларнинг бирида шундай ҳикоя қилинадики, тут дараҳтидан "Холинг нечук?" деб сўрабдилар.

- Холим танг. Бирор тагимни юмшатиб қўймайди. Ўзинг учун ўл етим деб, бир амаллаб ҳосилга кирсам, таёқ билан урадилар, устимга чиқиб тепадилар, шоҳимдан ушлаб синдирадилар" деб нолиган экан.

Орамизда ям-яшил, кўзни қувонтирадиган, кайфиятни кўтарадиган майсалар устида ёнбошлаб ётадиган, гулларни беҳисоб юлиб, нобуд қиласиганлар йўқ дейсизми? Билингки, ҳар бир гиёҳ бехосият эмас. Айрим жойларга дараҳтларни кесиб, пайхон қилаётгандар камми?

Инсон учун бу бебаҳо хазинани бойитиш ва сақлаб қолиш ҳар бир виждонли кимсани бурчи.

"Сердараҳт қишлоқда бемор кам бўлади" дейишади турклар. Дарҳақиқат шундай. Саломатлигимиз посбонларини авайлайлик, асрайлар, уларни ёшларга тушунтирайлик.

Бобомиз Амир Темур: " Шоҳ бўлсанг ҳам, гадо бўлсанг ҳам боф ярат, унга эътиқод ва меҳр уруғлари қадалган бўлсин" деб бежиз айтмагандир.

"Ватан остоидан бошланади", дейишади. Шундай экан, ҳар бир хонадонга боқиб, у ерда яшаётгандарнинг она табиатга бўлган муносабатини билиш, кўриш қийин эмас.

Тасаввур қилинг, шахримиздаги ҳар бир инсон ҳар йили бир тупдан кўчат экса, кўркамлиги бўйича

шахримиз Швецариядан қолишармиди? Агар бу яратилган бөг шифохоналаримизда бўлса, нур устига аъло нур бўлади. Уни бир айланган беморни руҳи тетиклашади, гўёки бемор билан тиллашган дарахт унинг дардини олади.

“Ҳавода чанг ва тутун бўлмаса эди, одам минг йил яшарди” деган эди. Абу Али Ибн Сино. Балиқка сув нечогли керак бўлса, одамга, кўкату-майсаларга, паррандаю-даррандаларга, хашорату-ҳайвонларга ҳаво ҳам шундай зарур.

Тирик мавжудот ҳаво таркибидағи кислород билан ҳаёт эканини барчамиз биламиз. Соф ҳаводан ким баҳра олмайди, дейсиз. Салқин ва соф ҳаво баданни “ювади”, бамисоли “чаяди”. Юрек-томирлар фаолияти ошади. Руҳий доира тиниқ ва равон бўлади, ўпка эркин нафас олади.

“Очиқ ҳавода ухланг, овқатланинг” деб бекорга айтилмайди. Соф ҳаво дармондори. Кўп беморлар шу дармондоридан шифо топадилар. Лекин ҳозирда айрим жойларда биз унинг мусаффолигини қай даражада асрояпмиз. Кўчаларни сув сепмай супураяпмиз. Кўча, ховлиларда хашак, хазон, қоғозларни ёндираяпмиз. Улардан чиққан заҳарлар соф ҳавони булғаяпти. Нега билатуриб, бу ножӯя ҳаракатларни қиласа япмиз? Нега шуни қилаётган инсонларни тартибга чақирмаяпмиз? Шу тариқа ҳаво булғаниб бораверса, оқибат нимага олиб келишини бир тасаввур қиласайлик-чи.

Буларга қўшимча шовқин-сурон ҳам табиатнинг “ашаддий” кушандаси эканлигини ҳам унутмайлик. Темир йўлларига яқин ўсаётган гуллар холати билан ундан узоқроқда ўсаётган гуллар холатини кузатсангиз, ҳақиқатни дарров англаб оласиз.

Шу боис академик Ё.Туракулов ҳам: “Одамларда табиатга муҳаббат туйгусини уйғотиш масаласи тарбиянинг узвий бир қисми бўлиши керак. Табиатни эъзозлаш кишилар учун бирор мажбурият ёки чора-

тадбир змас, балки табиий, туғма истак бўлиб қолиши лозим" дейди.

Шулардан келиб чиқкан холда, табиатни эъзозлашни ҳар куни, ҳар ким амалга ошириши лозимлигини унутмайлик.

Она табиатни асраш, бетакрор табиатга бефарқ бўлмаслик керак. Ҳар бир оиласда болани ёшлигидан табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ўргатиш, оиласда экологик мұхитини ташкил қилиш ва болаларнинг ҳам экологик маданиятни юксалтириш отоналарнинг мұхим вазифларидан бири эканлигини унутманглар.

## ХОТИМА

Азиз фарзанд ва набираларим! Мана китоб ҳам ниҳоясига етди. Сиз уни ўқиб чиққач, китоб жавонингизга злтиб қўйишингиздан аввал, унда баён этилган фикрларни яна бир бор, такроран яхшилаб мулоҳаза қилиб кўринг.

Бу китобдаги эзгу сўзлар сизнинг пок қўлларингиздан маҳкам ушлаб, эзгу ишларга йўллашига шубҳам йўқ.

Ҳаёт гўзал. Ундаги гўзаллардан баҳра олмоқ учун Аллоҳ бизга умр инъом этди. Унда яшаш эмас, қандай яшаш мухим.

Инсон тугилган чогида пешонасига тақдири аъзал қалами илиа нелар ёзилганини билмайди. Бирор ундан, бирор бундай яшаши мумкин. Кимгadir баҳт кулиб боқади, кимдир аччиқ қисмат зарбаларига дуч келиб, умргузаронлик қилади. "Бу дунёдан, албатта, қанд еган ҳам ўтади, панд еган ҳам ўтади" дейди кўпни кўрганлар. Ҳамма-ҳаммаси тангри Таолонинг иродаси билан рўй беради.

Атоқли маърифатпарвар Ризоуддин Ибн Фахриддин: "Балоларга сабр қилиш ва қазоларга бўйсуниш бало бўлмайдиган ва қазолар кўрилмайдиган жойга олиб борадиган бирдан бир йўлдир. Инсон боласи қайғу, хасрат кўрмай умр кечириши мумкин эмас. Турмуш ва ҳаёт чангальзор оралаб юришдан, машаққат тўлқинлари билан курашиб, сузишдан иборатдир. Ақлли инсон бу ҳолларда кўнглини чўқтирмаслиги лозим. Ҳар оғирлик ортидан енгиллик келишини Яратганинг ўзи ваъда қилиб қўйган. Оқил инсонлар шу ваъданни хотирлаб, ўзларига тасалли бериб юрадилар, ношукурчилик қилмайдилар. Кўпчилик тушкун вазиятда қолган пайтлари довдираб, мусибатлар кўламини ва охирини ўйлаб, вахимага берилади. Бир ғами ўн бўлади, ҳаётидан файз, турмушидан лаззат кетади. Ваҳоланки, ҳаёт асло бир маромда кечмайди. Тун кунга алмашгани, қиши ўрнини ёзга бўшатганидек, ҳамма нарса навбати билан алмашиб туради. Яратганинг амрисиз инсонга битта ҳам тикон кирмайди. Мусибатларни Яратганинг синови сифатида қабул қилсангиз, бу бирор қилмишимишнинг жазосимикин ёхуд бирор хатойим эвазигамикин деб хуласа чиқарсангиз, тўғри бўлади.

Донолар: "Мусибатлар кўзга малҳам, дилга қувватдир" деган эканлар.

Сабр билан ишлар битар, шошқалоқлик бошга етар", "Сабр-шикоятларни тарқ этишликдир", "Сабрнинг аввали аччиқ, охири эса ширин", "Мусибатга сабр қил, чунки сенинг устингдан кулувчилар бор" каби нақлларни ҳалқ орасида юриши ҳам шундандир.

Манбаалардан маълумки, Луқмони ҳаким барчаларга ибрат бўладиган фазилатларга эга бўлган. У одоби, муомаласи, ҳулқи туфайли ҳалқ орасида хозик табиб, "Набий" мақомидаги ҳурмат даражасига эришган. Унинг хикматлари инсонларни тўғриликка, ҳақгўйликка рағбат этган, ёлғончилик, мақтанчоқлик, мунофиқликни рўйи-рост қоралаган, инсонлар қалбida ззгулик, меҳр-мурувват ургини ундириган.

Луқмони Ҳакимдан бу фазилатларга қандай эришганлиги ҳақида сўралганда, у "Аллоҳ Субхонаху ва таоло инояти ва марҳамати билан тўғри сўз бўлдим. Омонаатга асло ҳиёнат қилмадим. Номақбул амалдан узоқ юрдим. Кўзим ва тилимни сақладим. Нафсимни тийдим, аҳдимга вафо қилдим. Меҳмоннни яхши кўрдим, қўни-қўшничилик ҳурматини ўрнига кўйдим, бефойда нарсаларга уринмадим. Шояд шу амалларим шарофати билан бунга эришган бўлсам, ажаб эрмас" деб жавоб берган экан.

Одамзод танасида 6 та аъзо борки, уларнинг 3 таси ўзининг ҳукмида, 3 таси эса унга бўйсунмайди. Кўз, қулоқ, бурун одамга бўйсунмайди. Кўргиси келмаган нарсани кўришга, эшитгиси келмаган гапларни тинглашга, ҳуш ёқламайдиган исларни хидлашга мажбур бўлади.

Оёқ, кўл ва тил эса инсон ҳукмида. Кўл билан агар ҳоҳланса гўзал буюмлар яратиш ёки гўзаллик масканларини вайрон қилиш ёки шу кўллар билан инсонларга меҳр-мурувват кўрсатиб, эхсонлар қилиш ё ўзгаларни мулкини ўзлаштириб олиш мумкин. Оёқлар эса истаса уни ибодатга, илм масканига, истаса ёмон жойларга олиб боради. Тил билан илохий каломларни, яхши сўзларни ёки аксинча иғво, ярамас гапларни айтиш мумкин.

Шундан хулоса қилингки, яхши сўз яхши, пок қадам баракали, пок кўл сизга доим шараф келтиради, турмушингиз тинч кечади.

Маълумки, олдингга кўйилган максадингга эришганингда анча енгиллик хис қиласан, киши. Э, барака топинг" деган гапнинг ўзи инсон руҳиятига қанча яхши таъсир қиласди. Умуман инсон табиати шундайки, ўзининг мөҳнати, хатти ҳаракати, холати ва фаолияти кузатилиб, унга холис ва ҳаққоний, адолатли баҳо беришса, у қанчалик раббатланади, иккинчи бир яхши ишни қандай бошлаб юборганини сезмай қолади. Бундай холларни мен кўп гувоҳи бўлганман.

Инсон ҳеч қачон ўзини ноҳақ камситилишига йўл бермаслиги, оғир бўлсада ҳақлигини исботлашга ҳаракат қилиши керак.

Йўқликнинг борлигини, ўлимнинг мангуда ҳаётлигини билиши учун асло ўлиб-тирилиш шарт эмас. Уни борлигини билиш учун, танамиздаги юракнинг бир лаҳза холсизланган аҳволини сезишнинг ўзи кифоя экан.

Бу дунёнинг бор қувончи кўнгилга яқин инсонлар билан эканлигинг, унинг мангуда қуйини безовта юрак чертаётганинг, жисминг замингга янада чуқурроқ ботганда хис қиларкансан. Ҳаммаси ўтаркан, ҳаммаси тупроқка ёзиларкан, ҳаммаси бир киприк қоқгунча вақт ўтмай, йўқлик сари сингиб кетаркан.

Ҳар бир инсон берилган умрнинг катта бир қисмини ўтагандан сўнг, ўтган умрини тарозига солиб, унинг мазмуни хусусида, ийӯқотган нарсалари тўғрисида, бой берган имкониятлари ҳақида ўйларкан.

Мен ҳаётим давомида озми-кўпми ижобий ишлар қилдим. Оддий шифокорлиқдан профессор даражасига етдим. Институтда кафедра мудири, интернатура бўлими бошлиғи, ихтисослашган илмий кенгаш котиби, даволаш факультетининг партия ташкилоти котиби (1981-86 йиллар), ички назорат инспекциясининг бошлиғи, проректор, институтнинг "Тиббиёт гулшани" газетасининг бosh мухаррири, эксперт кардиолог каби лавозимларда фаолият кўрсатдим. Жамоат ишларида фаол бўлишга ҳаракат қилдим.

Мен шу кунгача ўз касбим - "ички касалликлар" бўйича 2 та ўкув дарслиги, 10 та монография, 150 тадан зиёд ўкув-услубий қўлланмалар, 8 та брошюра, 7 та рационализаторлик таклифи, 200 дан зиёд илмий мақола ва

тезислар чоп эттирдим, 8 та номзодлик диссертациясига илмий маслаҳатчи бўлдим, кўплаб номзодлик ва докторлик диссертацияларига оппонентлик қилдим ва такриз бердим.

"Маънавият" бобида қалам, тебратиб "Кўнгил табиблари", "Эл-юрт ардоқлаган олим", "Тиббиёт деонтологияси", "Устоз хикматлари, "Шифокор маънавияти" "Маънавий ва қасбий етук шифокорлар тайёрлаш – давр талаби" каби рисолалар ёздим. Газета ва журналларда кўплаб маърифий ва "маънавиятга" оид мақолаларим чоп этилди.

Агар улар элга манзур бўлган бўлса, бу менинг қувончим. Мен ҳәётимнинг кўп онларини яхши инсонлар билан, яхши ниятлар билан ўтказаётганимдан хурсандман. Энг муҳими орзуларимнинг кўлига эришдим.

Биласизлар, 2003 йили онангиз билан бирга мусулмонликнинг бешинчи фарзи бўлмиш муборак Хаж амалларини бажариб кайтдик. Буларнинг ҳаммаси мени яхшиларга ёндошганим, катталарнинг дуоларидандир. Меҳнат ва ҳалоллик, тўғрисўзлик ва ҳақгўйлик доим мен билан ёнма-ён бўлди.

Маълумки, ҳәёт дегани бир текис ўтмаслигини айтдик. Буюк инсонлар ҳам (Имом Ал Бухорий, З.Н.Фурқат, З.М.Бобур ва х.к.) юртларида тинч яшай олмаганлар. Мир Алишер Навоий ҳам Астррабодга сургун қилинган. Шундай зкан, ҳәётда ҳар бир инсоннинг у ёки бу кўринишдаги "Астррабоди" бўлар зкан. Буни Яратганинг бир синови деб қараш керак. Бу эътиқод, иймон, сабр-матонат бутунлигининг синови.

Ўзбекистон Қаҳрамони, ҳалқ шоири Абдулла Ориповнинг

"Токи тирик зкан дунёда одам,  
Унга ҳамроҳ эрур гоҳ шодлик, гоҳ ғам.  
Эрта не бўлишин билмасман аммо,  
Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта байрам,

дегани ҳам шунга таълуқлидир.

Азалдан шу синов майдони бўлган ҳәёт мashaққатларидан ҳар бир инсон бутун ўтиши, ҳәёт зловларини синдириласлиги лозим. Бундай ҳолларда

инсондан фақат шукрона, тавба ва энг муҳими – фаолият зарур бўлади. Шу боис ҳам онам дастурхон бошида кўпинча: "Илоҳи омин, Худойим ризқ-насибамизни етказганига шукр, еган – ичганимизга шукр, тўрт мучалимиз соғлигига шукр, қаторимиз кам бўлмасин, йўлимиз ҳеч бекилмасин. Нимаики яхши ният қилсак, рўёбини кўрайлик, доимо соғ-саломат юрайлик. Ота-оналаримиз дуоси, фарзандларимизнинг роҳати, ҳаммамизга насиб этсин, ёмонлик ҳаммамиздан нари кетсин, Аллоҳу акбар" дер зидлар.

Меҳнат қилиш билан инсон ўзини қайта намоён этиши керак. Энг олий ниятлардан бири ҳар инсонга ҳам ўз меҳнат мевалари насиб этсин. Кўзи очиқлигига барча олий ниятлари рўёбга чиқишини Аллоҳ таоло насиб айласа, у тенгсиз баҳт.

**Азиз фарзандларим!** Мен ҳаётда қандай ютуқларга эришган бўлсан, бунда отам, онам, акам, турмуш ўртоғим, устозларим ва сизларнинг хизматларингиз беқиёсdir. Уларни санаб, охирига етаолмайман.

Мен юқорида ота-онамнинг бизга берган айrim ўйтларини баён қилган эдим. Имкон даражасида уларга амал қилишга интилдим, уларни кўп бор дуоларини олдим.

Истеъодни берган тангри ижодкорга оила фарогатини, ёр қувончини ҳам хадя этар экан. Рафиқамни шифокор бўлғанлиги ҳам тақдирнинг бебаҳо инъоми. У менинг шодлик ва ғамгин онларимда, иссиқ ва совуқ кунларимда доимо бирга бўлди, кўнглимни кўтарди, ижодий ишларимда катта кўмак берди. Акам (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) исми жисмига мос "Қобил" инсон зди. У қайси лавозимда ишламасин (у пахта тозалаш заводида механиқ, инженер, директор лавозимларида фаолият кўрсатган) инсонларга меҳр-мурувватли бўлиб, ззгулик, саҳоват улашиб яшади. Вилоятимиз ахли ўртасида обрў зътиборли эди. Муборак хаж амалларини бажариб қайтди. Мени ҳаётда озми-кўлми эришган ютуқларимда меҳрибон акамнинг ибратли ишлари, мадади ва отам каби пандунасиҳатлари қўл келди. Бундай ҳолларда инсонни ўзини баҳтиёр сезиши, дунёда ҳеч нарсадан кам эмаслигини хис қилиши, инсонлар дардига кўпроқ малҳам бериши осон кечаркан. Шу боис мен улардан бехад миннатдорман.

Фарзандларим! Мени бир масаладан күнглим түк, Бирор марта ҳам эътиқодимга (ҳалоллик, самимиийлик, бошқаларга яхшилик илиниш, савоб ишларни қилиш ва х.к.) қарши бормадим. Ҳиёнат йўлига кирмадим, турли “ногоралар” мақомига йўргаламадим, ишларни виждан олдида ҳисоб бериб, одилона, адолатли хал қилдим. Шу боис, мен ўз-ўзимдан рози бўламан, ўтганларнинг руҳи поки олдида, тирикларнинг юзи-кўзи олдида вижданим пок. Ҳалол луқма еб, вояга етган Сиз азиз фарзандларим ҳаётда ўз ўрнингларни топдинглар, уйландинглар, турмушга чиқдинглар, фарзандли бўлдинглар, яхши, баҳтли ҳаёт кечираяпсизлар. Шулар мен учун катта мукофот, катта унвон, катта баҳт эмасми?

Шифокорлик фаолиятимда минглаб беморлар дардига малҳам бўлдим.

Адабиётта қизиқаним туфайли маънавият масалалари бўйича ҳам баҳоли қудрат ижод қилдим.

“Маънавият” рукнида ёзган китобларим, даврий нашрларда чоп этилаётган мақолаларимдан мақсадим ўз билимимни, мулоқот санъатимни ошириш, дунёқарашимни кенгайтириш, қаламимни чархлаш кўп йиллик иш ва ҳаёт тажрибаларимдан олган сабоқларим, хуносаларим билан ўртоқлашиш эҳтиёжидандир.

Ёзганларимдан, аввал ўзим маънавий қувват оламан, миямда пишиб, эл назаридан ўтказилган фикр ва тавсияларим ортидан ўзим ҳам истиқболга интиламан. Шу боис, ҳар бир мақолам, китобим чиқсанда, уни ўқиган мухлислардан олган кўплаб ижобий баҳолардан қувонаман. Яратганга шукроналар айтаман.

Баъзилар шифокорлик мутахассислигимдан ташқари, бу китоб ва мақолалар бўйича ижод қилишга қандай вақт топа олганимни сўрашади. Менда хафталаб, ойлаб ўтириб ёзиш ва ижод қилишга фурсат ҳеч қачон бўлган эмас. Чунки шифокор мутахассис ишда ҳам, дам олишда ҳам эл хизматида бўлади. Ёзганларим – шу ишлардан ортгандаги жўшқин дамлар мевасидир. Шу боис, мен профессионал ёзувчи деган номга ҳеч қачон даъвогарлик қилмайман. Бу шунчаки, адабиётта қизиқиш. Чунки шифокор адабиёт билан қизиқса, bemor кўнглига осон йўл топа олади, у билан

дилдан сұхбат қуради, уни даволанишга бұлған умидини ўстиради, қисқаси мұлоқот саңъати ошади.

Инсон қисмати ҳам мураккаб, ҳам сирлидир. У қанча яшамасин, қандай иш билан машғул бўлмасин, тақдир асрорини ҳеч қачон тўла тўқис англай олмайди, яъни вақт ўтиб нималардир равшанлашса, нималарнидир билишга ақлнинг кучи, идрокнинг имкониятлари етмай қолади. Мана шунинг учун ҳам булар инсонни фикран фаоллаштирас, тўхтамай ва толиқмай илгарилашга рағбатлантирас. Мен шу иштиёқни, кучни, иродани китобдан оламан. Маънавий олам ёғдуси бўлмиш китоб ўз қадри қимматини ҳар бир замонда сақлаб қолган.

Китоб ўқиш биринчидан диққатни, иккинчидан сабртоқатни талаб қиласди. Мутоола жараёни – бу ҳам ижодий меҳнат. Сиз китобни қўлга олгач жиддий тортасиз, сахифаларини ўқиш асносида диққатингиз бир нуқтага жам бўлади. Сиз воқеалар, образлар оламига шўнгийсиз. Буни биронта зўр аппарат ҳам бера олмайди.

Агар мен мақолаларим, китобларим орқали кимларгадир тўғри йўл кўрсатган, кимларгадир ёрдам берган ва мушкулинни осон қылган, маънавиятини бойитган бўлсам, демак тарих, авлодлар олдидағи одамийлик бурчимни адо этаяпман, дея оламан.

Китоб осонликча пайдо бўлмайди. Бирон мавзу тўғрисида ишлашни ният қылган ижодкор унинг турли томонлари, китобнинг тузилиши ва унинг билан боғлиқ бўлган жуда кўп масалалар тўғрисида узоқ вақт ўйлаб, фикру-зикри бунёд қилинмоқчи бўлган рисола билан банд бўлади. Холбуки, бу хали муаллифнинг миясидагина холос. Қўлга қалам олиб, ўйланган ва пишган фикрларни ёза бошланганда ҳам иш ҳамма вақт равон бўлиб кетавермайди. Қайта-қайта ёзилган ва муаллифнинг талабига, дидига тўғри келмаган қоғозларни йиртиб ташланган корзинка бир неча марталаб тўлиб, тошиб кетади. Қўлда ёзилган рисола тугагач, компьютердан чиқач, уни ўқиш жараёнида муаллифнинг бошига янги-янги фикр ва мuloҳазалар келиб, у рисолани янгидан ишлаб, "ранда" лаб чиқади. Айрим ҳолларда "рандалаш" ҳам бир неча бор тақрорланиши мүмкін. Шундан сўнггина рисола нашриёт кўзини кўради.

Хуллас, босилиб, китобхон кўлига етган рисола машаққатли ижодий меҳнатнинг, кўп ўй-хаёлларнинг, турли фикр ва мулоҳазаларнинг, доимо изланишнинг, уйқусиз кечаларнинг маҳсулидир.

Агар рисола кўпчиликка маъқул бўлса, уни "ғарассиз дўст, доно устоз" дейдилар" дейди академик Т.Н.Кори-Ниёзий.

**Азиз фарзанд ва набираларим!** Ушбу китоб Сизлардан ташқари, яна кимларнидир қўлига тушиши, улар ҳам бу китобни ўқишлари мумкин. Мен ёзганларим билан ҳаммага ақл ўргатиш фикридан йироқман. Фақат йиллар давомида қалбимни ўртаган мулоҳазаларни Сизлар ҳукмнингизга ҳавола этдим, холос. Ёзганларим кимларгадир эриш туюлиши ҳам мумкин. Начора, ҳар бошда ҳар хил ҳаёл, қарашларимиз турли хил бўлиши мумкин. Қоғозга туширганларимни бирор қоида сифатида тан олинишига ҳам даъвогарлик қилмайман. Уни ким қандай қабул қиласиди – ўзларининг ихтиёрида. Ҳаётни мукаммал билганлар, бошидан турли-туман воқеаларни ўтказганлар, бунданда маънилироқ фикр билдиришар. Бунга ишончим комил.

Менинг бу китобни ёзишдан максадим, орамиздан инсоний қадр-қиммат асло йўқолмасин, дейман.

Чунки одамзод ҳар бир қадамда адашиши, нотўғри фикр юритиши, ножўя қадам ташлаши мумкин: "Беайб парвардигор" дейишади. Инсоннинг бутун умри синовларга тўла. Шу боис донолар: "Юз йил яшасанг ҳам, юз йил ўқишга, аниқроги ўқишга тўғри келади, фақат бунда эринмаслик лозим" дейишади.

Ҳар бир инсон бу заминда бирор яхшилик билан из қолдириши керак. Мен шу фикрга амал қилиб яшаяпман. Сизларни азиз фарзандларим, набираларимнинг баҳт тўйларига, яқинларимнинг, дўсту-ёрларимнинг хурсандчилик кунларига шерик бўлганимда, кимларнидир саломатликлари йўлида озгина кўмагим туфайли уларни юз-кўзларида миннатдорчиликни кўрганимда, ўзимни энг баҳтли инсон деб сезаман.

Юртимиз учун, Ватанимизни келажаги учун хизмат қилдим ва қилмоқдаман. Бугун оиласизда ҳам, жамиятда ҳам ардоқдаман, мени эъзозлашади, ҳурмат қилишади, бу Аллоҳнинг менга берган тухфасидир.

Азизларим! Бу қисқа беш кунлик дунёда ишларингизни беш қилиб яшанглар. Бироқ инсофу-диёнатдан четта чиқманглар. Сизларга берилган эрк, хуррият ва ҳурматни сунистеъмол қилманглар, гуноҳга ботиш мумкин. Зотан, бу дунёning ўз сарҳисоби бор!

Ҳаммаларингизни фарзандларингиз бор. Бизнинг невараляримиз, эвараларимизни шундай тарбиялангларки, улардан ҳамиша хотиржам бўлиб юрадиган бўлинглар.

Улар ҳам худди Сизлар каби бобо-момоларининг ҳам руҳларини шод этадиган инсонлар бўлиб камол топишин. Илоҳим юртимиз обод, элимиз тинч, дилимиз тоза, ниятимиз улуг, ҳаётимиз тўкин бўлсин. Сизларнинг барчаларингизга мустаҳкам соглиқ тилаб, шарафли эзгу хатти-ҳаракатларингизда Аллоҳдан мадад сўраб, шоирнинг қуидаги сўзларини тилаб қоламан:

Оналар қалбида қувонч порласин,  
Оталар қалбида ишонч түғилсин.  
Фарзандлар соғ бўлиб, юрт камол топсин,  
Улар қувончи оламни тутсин.

Дард кўтармагин асло болажон,  
Соғлом ўсгин, доим бўл омон.  
Соғ тандаги соглом ақлингдан,  
Буюк бўлсин – юрт – Ўзбекистон.

## МУНДАРИЖА

Сүз боши.....	5
Оила тарбия ўчоғи.....	9
Ота-онам насиҳатлари.....	22
Ўғил фарзанд ва набираларимга айтганларим.	37
Қиз фарзанд ва набираларимга айтганларим...	55
Айтар сўзни айтинг, айтмас сўздан қайтинг.....	74
Яхшиларга эш бўлинг, хамроҳ бўлинг.....	79
Яхши фазилатлар соҳиби бўлинг.....	86
Заарарли одатлардан сақланинг.....	100
Табиатни асранг.....	105
Хотима.....	111

Техник мухаррир: Б. Ахмедов  
Дизайнер: Б. Ахмедов

“Аҳмадбек-98” ХИЧСФ босмахонасида  
чоп этилди. Шартли босма табоғи: 7.5.  
Андижон шаҳар, Храбек кӯчаси, 94 б уй.